


АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

ЁЛГИЗ ЯШАВ БЎЛМАЙДИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

71.05

M-41

Ю 33625
291


Мелибоев, Аҳмаджон

Ёлғиз яшаб бўлмайди. — Т.: «Шарқ», 2007. — 144 б.

ББК 71.05

ISBN 978-9943-00-101-5

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007 й.



Дунё муттасил ўзгариб бормоқда. Дунё баробарида одамлар, уларнинг турмуши, ўзаро муносабатлари ҳам янги бир фаслга киргандай. Ҳар куни деярли бир янгиликка, кеча ҳаммамизга мўъжиза бўлиб кўринган нарсалар бугун энди янги замоннинг оддий бир воқелиги бўлиб қолаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бир қарашда инсон тафаккури юксалиб, оламшумул ихтиролар қилинмоқда. Сунъий йўлдошлар олис сайёраларга учирилмоқда. Миллион йил аввал содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари ўрганилаётир. Аммо шу ютуқлар билан бирга она-заминни, унда умргузаронлик қилаётган одамзод наслини, ер, сув ва ҳавони асраб қолиш билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳам пайдо бўлаётир. Биров қурган иморатни биров бузиб ётибди. Табиий захираларга бой минтақаларни тасарруфга олиш, инсон эркинлиги, демократия ниқоби остида ўзга бир турмуш тарзини ўзга бир турмуш тарзига мажбуран сингдириш истаги кучаймоқда. Аср вабоси аталмиш гиёҳвандлик, ақидапарастлик, террор ҳаракатлари, одам савдоси бугун, таассуфки, ташвишли бир қиёфага кирди.

Кўлингиздаги ушбу тўплам муаллифи таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев дунёнинг бир неча етакчи мамлакатлари ҳаётига назар ташлар экан, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг, она сайёра деб аталмиш бу кўҳна бешикни, унинг илоҳий неъматларини келажак наслларга ҳам қолдиришнинг ягона йўли — маърифий ҳамкорликда, деб ҳисоблайди. Бугун инсоният ҳаёти шундай бир паллага кирдики, эндиликда ҳеч бир давлат, ҳеч бир миллат, молиявий қудрати ёки бошқа бир нуфуздан қатъи назар, дунёдан узилган ҳолда, маданий-маърифий ҳамкорлик алоқаларисиз яшай олмайди.

НИЛ ТУҲФАСИ

Неча минг йиллардан бери Миср эҳромларини садоқат билан кўриқлаб келаётган Сфинксни шу ном билан атаган Геродот «Нил дарёси бўлмаганида, Мисрдай давлат ҳам, шунча тарих ҳам бўлмас эди», деган экан. Машҳур олимнинг бу гапи бежиз айтилмаган. Қарда сув, баҳри уммон бўлса, шу ерда, табиийки, ҳаёт, тараққиёт бўлади.

Қадимий эҳромлар мамлакати бўлмиш Мисрға сафарим олдидан, одатимга кўра, бу мамлакат тарихига оид баъзи китобларни яна бир бор ўқиб чиқдим. Талабалик йиллари талабчан домлаларимизга имтиҳон топшириш учун у ер-бу ерини чўқилаганимиз — «Қадимги дунё тарихи» дарслигининг Миср фиръавнлари даврига доир қисмини, Рамзес, Тутмас, Тутанхамон, Хеопс, Клеопатрага бағишланган бадий асарларни қайтадан варақладим. Мафтункор ва маккор Клеопатра жамолига маҳлиё бўлиб, ўз эътиқодидан қайтган ва шармандаи шармисор бўлган Гармахис қилмишларидан яна бир бор ўқиндим. Миллат бошига оғир кунлар келгандагина ишлатиш мумкин бўлган беҳисоб бойликни талончилар Рамзеснинг юрак бўшлиғидан суғуриб олишаётганида бу бойлик соҳибининг васияти рўёбга чиқмаганидан афсусландим.

Миср тарихини чуқур ўрганган бир олимнинг мана бу фикри эътиборимни тортди: «Биз ўз ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, қайси тарихни ўрганмайлик, бу ишимиз бизни охир-оқибат Европа давлатчилиги санъатининг, диний эътиқод ва турмуш кечиришининг улуғ муаллими бўлган Мисрға олиб келади...»

Бу, айтиш мумкинки, фавқулодда катта эътироф. Мисрнинг олти минг йиллик буюк тарихи, жаҳон цивилизацияси тараққиётига, маданий юксалишга қўшган улкан ҳиссаси шундай дейишга асос бўла олади. Бу кўҳна ва сирли замин тарихига оид ёзилган китоблар,

илмий тадқиқотлар, тўқилган афсоналар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятларнинг сон-саногии йўқ. Албатта, уларнинг ҳаммасида ҳам тарихий ҳақиқат ўз аксини топмаган. Ҳукмдорларнинг ҳаёти, курашлари, яшаш тарзлари, диний эътиқодлари, яхши-ёмон ишларини тасвирлашда муаллифлар бадиий тўқимага ҳам кенг ўрин берганлар. Шундай китоблардан бирида Искандар Зулқарнайннинг беҳисоб бойлиги Клеопатра VII томонидан ўзлаштирилганлиги чунонан тасвирланганки, бу тахминнинг ростлигига ишонгингиз келади. Мамлакат тарихини, хусусан, Хеопс пирамидаларини тадқиқ этган олимларнинг сирли ўлими, турли мусибатларга дучор бўлиши тўғрисидаги ривоятлар, фиръавнлар қарғиши тўғрисидаги миш-мишлар, менингча, ҳеч қачон тинмаса керак. Бу тўғрида тўхтовсиз китоблар ёзилаётгани, фильмлар суратга олинаётгани, инсон руҳини безовта қилишнинг мудҳиш оқибатларини, ҳатто илмий асослашга доир уринишлар фикризмизга далил бўла олади.

Фаразлар, тахминлар, беҳисоб ривоят ва афсоналар ўз йўлига. Аммо шу нарса аниқки, Миср ҳукмдорларининг битмас-туганмас бойликлари, она Нил бўйида истиқомат қилаётган бу қадим ва жафокаш халқнинг олти минг йиллик тарихига оид осори-атиқалар, аввало, бошқа бир ҳукмдорлар, фотиҳлар, истилочилар томонидан, кейинчалик эса ўғри ва талончилар томонидан неча минг йиллар давомида муттасил равишда талаб, ўмариб келинаётгани ҳақ гап. Европанинг қайси бир музейига кирманг, қадимги Миср маданиятига бевоқиф дахлдор сон-саноксиз экспонатларга кўзингиз тушади. Мен йиллар, асрлар давомида шахсий коллекцияларга ўтиб кетган бебаҳо бойликларни айтаётганим йўқ. Биргина Париждаги Лувр саройида Мисрдан олиб келинган осори-атиқалар неча ўнлаб муҳташам томоша залларини безаб, дунё маданий жамоатчилиги, қадимшунос олимлар, мутахассисларнинг ҳаёлини банд этиб турибди. Мен уларни беадоқ бир ҳайрат билан томоша қилганимда, ҳаёлимдан «Биргина фотиҳ Наполеон шунча нарсани олиб келган бўлса, Нил соҳилларида яна нима қолдйкин?» деган фикр ўтган эди.

Миср тўғрисида сал бошқачароқ оҳангларда ёзилган китоблар, мақолаларга ҳам кўзим тушди. Ёдингизда бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошларида собиқ тузумнинг бош нашрлари «Ўзбекистон миллий-диний маҳдудлик қобиғига ўралмоқда. Бу ерда масжидлар кўпайиб кетди, мадрасалар қурилмоқда. Ислом қайта қулоч ёймоқда, одамлар тўп-тўп бўлиб, намоз ўқимоқдалар, диний расм-русумларга кенг йўл бериб қўйилди. Бунинг оқибати нима бўлишини аввалдан айтиш қийин», деган бири биридан ваҳимали мақолалар билан чиқишган эди. Мисрга бағишланган бир китобда, келинг, муаллифини айтмай қўя қолайлик, мана бундай сатрларга дуч келдим: «Менинг ўйимча, XX аср адоғида ҳамон ўз ёғига ўзи қоврилиб ётган Миср бугун, араблашган ва исломлашганидан кейинги энг мураккаб даврни бошидан кечирмоқда... Мисрда одам зич, янада зичлашади. Мамлакат аҳолиси ҳар саккиз ой ичида бир миллион кишига кўпаяди. Бу ерда ислом — давлат дини, араб тили — расмий тил, исломий ҳукм принциплари эса қонунчиликка асос қилиб олинган... 1985 йилдан бошлаб «Эжипт эйр» миллий авиакомпанияси, фундаменталистларнинг талабларига биноан, йўловчиларга алкоғолли ичимликлар таклиф этишни тўхтатди. Парламентдаги ҳукмрон партия аъзолари ўз маърузаларида Қуръон ва ҳадисга тез-тез мурожаат этадиган бўлиб қолишди. Жума кунлари масжидларга одам сифмай кетади, кўплаб намозхонлар юзларини Макка томонга буриб, кўчаларда ибодат қиладилар. Давлат телевидениеси намоз ўқиётганларни, уламоларнинг амри маъруфларини, бошларига рўмол ўраб олган аёлларни бемалол кўрсата бошлади. Мактабларда эса илоҳиёт дарсларига эътибор кучайган!»

Кўриниб турибдики, бу сатрлар мамлакат ҳаёти ҳақида ҳолис ҳикоя қилиш учун эмас, европалик ўқувчида исломга нисбатан ҳадик уйғотиш, ишончсизлик кайфиятини юзага келтириш учун ёзилган.

Сафар арафасида ўқиган китобларимдан олган таассуротларим тахминан шундай эди. Иккинчи томондан, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси фаолиятдан, хусусан, элчихона матбуот шўбаси амалга ошираётган маданий-маърифий иш-

лардан яхши хабардор эдим. Мазкур шуъбага дастлаб раҳбарлик қилган Магди ад-Дайф, Раъфат ас-Сабъа жаноблари қисқа вақт ичида мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан дўстона алоқаларни йўлга қўйдилар. Шуъба ахборотномаси бизни Миср ҳаётида юз бераётган янгиликлардан хабардор қилиб турибди. Биргина мисол. Маълум бўлишича, Мисрда қазिश ишлари олиб бораётган археолог олимлар яқинда орадан неча минг йиллар ўтишига қарамай, яхши сақланган ўспирин йигитнинг жасадини топишган. Унинг, афтидан, жанг чоғи жароҳатланган бош суягига сариқ металл қопланган. Бундан кўринадики, бу мамлакатда неча минг йиллар аввал ҳам шундай жарроҳлик амалиётлари амалга оширилган.

Телевидениемизга тақдим этилган «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли теленовелла ва бошқа бир қатор юксак савияли бадиий фильмлар томошабинларнинг қалбидан жой олди. «Виждон» фильми Мисрда, демакки, ислом динида аёлларга нисбатан муносабат нечоғли юксак эканлигини кўрсатди. Таҳририятимизга келган мактублардан бирида ёш мактаб ўқувчиси «Мен Ҳикма хонимнинг мактабида ўқишни жуда-жуда истайман...» деб ёзган эди.

Қоҳирага жўнашимизга салкам бир ой вақт қолганида қизиқ бир ҳолатга тушиб қолдим. Туркиянинг Силиври шаҳрида Европа ва Осиё давлатлари ижодий уюшмалари раҳбарларининг конференцияси чақирилиб, бу анжуманга Ўзбекистондан қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов билан мен таклиф этилдик. Қизиги шундаки, Қоҳира сафаримиз ҳам, Силиври конференцияси ҳам бир вақтга мўлжалланган эди. Қўлимда ҳар икки мамлакатга бориб-келиш билетлари. Биттасидан воз кечишга тўғри келади. Лекин қайсинисидан? Миср эҳромларини кўриш менга бошқа насиб бўлармикин? Туркияга эса устоз Абдулла Орипов билан бирга боришимиз керак. «Кечирасиз, мен Қоҳирага бормасам бўлмайди», дейишнинг мутлақо иложи йўқ. «Э парвардигор, ўзинг йўл кўрсат», дея илтижо қилишдан бошқа иложим йўқ.

Жўнашимизга атиги беш-олти кун қолганида чинакамига мўъжиза юз берди. Эрталаб ишхонага келсам, Миср элчихонасидан телефон қилишиб: «Уэр, сафа-

рингиз роса ўн кунга кечиктирилди, бизни маъзур тутасиз, баъзи сабабларга кўра шундай бўлиб қолди», деб туришибди-да. Қувончим ичимга сиғмай кетди. Белгиланган вақтда Туркияга учиб кетдик. Роса ўн кун давомида Абдулла ака билан Силиври шаҳрида ҳам дам олдик, ҳам қаттиқ ишладик. Ишладик деганимнинг боиси шуки, бу мамлакатда ёзувчилар ва журналистларнинг ижодий уюшмалари биттадан эмас, бир нечтадан экан. Ҳар бирининг ўзига яраша қарашлари бўлиб, баъзан қай бирига қулоқ солишни ҳам билмай қолар экансан. Конференция қатнашчилари бугунги мураккаб дунёда ижодкор зиёлиларнинг ўрни ва масъулияти мавзусини муҳокама қилдилар. Ҳар иккимиз бир неча мартадан сўз олиб, маърузалар қилишимизга тўғри келди. Анжуман қатнашчилари ижодкорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш керак, деган хулосага келди. Бошқа бир хулоса шу бўлдики, бугунги мураккаб шароитда ижодкор ўз сўзига масъул бўлиши керак. Бу сўз эҳтиросларни ўринсиз оловлантирмаслиги лозим. Матбуот хабарлари ҳар қандай ҳолатда ҳам холис ва самимий бўлиши кераклиги алоҳида айтиб ўтилди. Бунга амал қилинмаса, қандай фожиалар келиб чиқиши Тоғли Қорабоғ мисолида келтириб ўтилди.

Анжуманни яқунлаб Истанбулга қайтдик. Эртасига Тошкентга учимиз керак. Айти эртасига Тошкентдан Мисрга бирга борадиган шерикларим шу аэропортга етиб келишади ва мен уларга қўшилиб, Нил соҳиллари томон йўл оламан.

Жомадонларимизни йиғиштириб, шаҳарнинг ҳаммаша тирбанд кўчаларидан аранг ўтиб, аэропорт сари яқинлашиб келмоқдамиз. Миср сафаридан ҳали Абдулла аканинг хабари йўқ. Энди айтсам бўлаверади. Ичкарига кириб, бир оз нафас ростлаганимиздан кейин, аста оғиз очдим.

— Абдулла ака, рухсат берсангиз, мен бугунча шу ерда қолсам, бир этиб Қоҳирага бориб келадиган ишим чиқиб қолди. Эртага эрталаб шериклар Тошкентдан учиб келишади, менинг билетим ёнимда!

— Ие, қанақа иш экан, — ҳайрон бўлиб сўради устоз. Мен ётиғи билан тушунтирдим. Делегация аъзолари билан таништирдим.

— Жуда яхши бўлибди, бундай жойларни албатта бориб кўриш керак, — дедилар устоз.

Абдулла акани Тошкентга кузатиб, эртасига тонг билан Қоҳирага учдик.

Сафарга чиққан кишининг ўзга бир мамлакат ҳаёти ҳақидаги илк таассуротлари самолёт шу заминга оҳиста кўна бошлаганидаёқ туғила бошлайди. Истанбулдан парвоз қилиб, роса икки соат деганда Қоҳира аэропортига яқинлашар эканмиз, вужудимни алланечук ҳислар қамраб олди. Чор-атроф аёвсиз қумлик. Офтоб жазирамасида янада жизганак бўлиб ётган яйдоқ қум барханлари. Вақтнинг шафқатсиз синовларидан чарчаган саҳродан, аҳён-аҳёнда қум ичидан бош кўтариб турган яккам-дуккам дов-дарахтлардан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Самолёт кўниш учун пастлай бошлаганида худди гугурт қутисидай қалаштириб қурилган уйларга кўзингиз тушади. Улар бир-бирларига шу қадар яқин қилиб қурилганки, беихтиёр орасида, ҳеч бўлмаса, ўтиш йўлаклари борми ўзи, деган хаёлга борасиз. Мен билан ёнма-ён ўтирган тадбиркор турк йигитининг айтишича, бу уйларнинг кўпи режасиз қурилган, саҳро шамолида қулаб кетмаслиги учун бир-бирларига суяб қўйилган. Бузилиб кетса, қайтадан тиклаб олиш мураккаб иш эмас!

Аэропорт биносидан ташқарига чиқиб, иссиқ ҳаводан нафас олиб, шаҳар томон қадам қўйишингиз билан бу мамлакат тўғрисидаги китобий тасаввурларингиз чок-чокидан сўкила бошлайди. Олти минг йиллик тарихга эга қадимий мамлакатнинг бедор пойтахти юрак уришини ҳис этасиз.

Қоҳирада 16 миллион киши истиқомат қилади. Бунга дунёнинг жамики бурчакларидан мамлакатга бетўхтов келиб-кетаётган сайёҳларни, тадбиркору ишбилармонларни, биз каби меҳмон-измонни кўшинг. Ҳар куни шунча одам кўчага чиқади. Шунча кишига яраша транспорт воситалари денг. Шунча одам ҳаракатда — кимдир ишига, кимдир ўқув юртига, яна кимдир савдо дўконига ошиқади. Мен дастлаб эътибор берган нарса — бу ерда йўлларнинг икки қават эканлиги бўлди. Йўл устида... яна йўл. Йўлларни ўзаро бирлаштирувчи кўприкларни айтаётганим йўқ, иккинчи қаватдаги йўл

биринчи қаватдаги йўл йўналишида давом этади. Шундай қилинмаса, транспорт қатновини бошқариб бўлмайди. Шунда ҳам кўчаларга одам сигмайди, машиналарнинг сон-саногии йўқ. Эҳтимол адашаётгандирман, аммо ишончим комил бўлдики, Қоҳира кўчаларида, худди Покистоннинг Карачи шаҳрида кўрганимдай, бир-бирига урилавериб, пачоғи чиқмаган машинани учратиш қийин...

Шаҳар чорраҳаларида турфа хил одамларга дуч келасиз. Кийимлар, тиллар турфа. Ҳамма ўз иши, ўз хаёли, турмуш ташвишлари билан банд. Биров бировга халақит бермайди. Бир томон Африка, бир томон Осиё, яна бир томон Европа. Бу ернинг ҳар бурчагида, ҳар гўшасида ва ҳар емакхонасида шу уч буюк қитъага хос маданият ва тараққиёт аломатларини кўрасиз. Аммо характерли хусусияти шундаки, биз бу уч маданиятни ўзаро нуфуз ёки мартаба талашиб, нифоқлашаётган, бири иккинчисини инкор этаётган ёки камситаётган ҳолда эмас, биргаликда бир мамлакат халқига хизмат қилаётган ҳолда, бири иккинчисини тўлдираётган вазиятда кўрдик. Инсон, бордию хоҳиши бўлса, муштарак мақсад йўлида ҳар қандай ҳолатда ҳам бирлаша олишига ишонч ҳосил қилдик. Бир вақтлар Шри Ланканинг Канди шаҳрида бир эмас, бир неча динларга эътиқод қилувчи ёшлар, худди бир ота-онанинг фарзандларидай, аҳил бўлиб, бир жамоада меҳнат қилишаётганини кўриб, қувонган эдим. Мана шундай ҳолатга Мисрда ҳам дуч келдим. Яна шунга амин бўлдимки, мисрликлар ўз мамлакатлари тарихининг ҳамма босқичлари билан ҳам бирдай фахрланишар экан. Бирор нарса харид қилиб, доллар узатсангиз, э биродар, ўзимизнинг фунтимиздан бера қолинг, дейишларига қойил қолдим. Қани энди, ҳамма ҳам ўз миллий валюта-сини шундай қадрласа.

Сафаримизнинг расмий қисми МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик жамғармаси (бизни таклиф этган ташкилот) бош қотиби Ашраф Заъзаъ жаноблари билан учрашувдан бошланди. Мазкур жамғарма ҳомийлигида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари мисрлик касбдошлари билан ижодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатиб, ўзаро ахборот айирбошлаш ишини

аста-секин йўлга қўймоқдалар. Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари Нагла ал-Хусайний хоним ҳамда Фатҳий ал-Шазлий, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий тараққиёт жамғармаси масъул ходими Аҳмад Мухтор билан бўлган учрашувларимиз қизгин баҳс-мунозараларга айланди. Мамлакат телевидениеси ва радиоси фаолияти билан танишувимиздан катта таассурот олдик.

Қоҳира университети Ахборот (Журналистика) факультетида ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларни танлаш, уларни маълум ихтисосликлар бўйича ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор бердим. Бу ерда ҳам тест синовлари жорий этилган. Фарқи шуки, саволларнинг умумий сони нисбатан кам ва ҳар жиҳатдан пухта тузилган. Дастлабки икки йил ичида талабалар тарих, иқтисод, жамиятшунослик, ҳозирги дунё муаммолари, халқаро муносабатларга доир назарий билимларни қунт билан ўрганишади. Талаб жуда қаттиқ, ўзлаштирмаганлар талабалар сафидан чиқарилади. Ўқишнинг учинчи босқичидан бошлаб эса ҳар бир талаба лаёқати ва хоҳишига кўра журналистиканинг маълум йўналиши бўйича сабоқ ола бошлайди. Шу дорилфунуннинг иқтисод, адабиёт, тарих ва бошқа факультетлари талабалари журналистика соҳасига қизиқиб, иккинчи мутахассисликка эга бўлмоқда эканлар. Бундай тингловчилар матбуот соҳаси қонун-қоидаларини чуқур ўзлаштирганларидан сўнг, яна бир дипломга эга бўладилар.

Шу олийгоҳнинг иқтисодиёт ва сиёсатшунослик факультети декани Алайиддин Ҳилол жаноблари мамлакатда кўзга кўринган истеъдодли олимлардан бири. Халқаро муносабатлар, дунёвий воқеалар шарҳига бағишланган кўрсатувлари Миср телевидениеси орқали мунтазам намойиш этилади. Суҳбатдошимиз Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис бўлмаса-да (ўз эътирофи), собиқ иттифоқ ҳудудида кечаётган мураккаб жараёнлар моҳиятини яхши англайди. Узоқ вақт маълум бир империя таркибида бўлган, империяча сиёсат ва мафкура, жамият ва раиятни бошқаришнинг эски йўл-йўриқлари одамларнинг қон-қонига сингдирилган мамлакат ҳаётини тамомила янги, мустақил

йўлга солиш ўта оғир, маълум вақт ҳам талаб этадиган вазифа, — дейди Алайиддин жаноблари. — Бу ишда қатъият, яқдиллик билан бирга сабр-бардош ҳам керак. Тарихнинг шоҳидлиги шундаки, бундай масъулиятли ишда жараёнларни сунъий тезлаштириш мумкин эмас.

Шундай суҳбатлардан бири «Яқин Шарқ» ахборот агентлиги бош муҳаррири Маҳфуз ал-Ансорий, Журналистика регионал институти раҳбари, «Ал-Аҳром» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Усама Сароя жаноблари билан ҳам бўлиб ўтди. Бизга «Ал-Аҳром»нинг мамлакат оммавий ахборот воситалари тизимидаги юксак нуфузи, муштарийлар билан ишлашдаги ютуқлари, миллий журналистика ривожига қўшаётган ҳиссаси тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб беришди. «Шундай нуфузли матбуот нашрининг Марказий Осиёда нега мухбирлари йўқ?» деган саволимизга Усама Сароя лутф қилиб: «Шу ишни сизлар бошлаб беринглар, биз Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларга газетамиз саҳифаларидан бажонидил жой берамиз», дея жавоб қилди.

Миср Ахборот вазирлиги бошқармаси раиси, вазир Набил Усмон билан учрашувимиз бизда катта таассурот қолдирди. Ҳамкасбларим — Иброҳим Норматов, Бахтиёр Ҳасанов ва Шокир Юнусовлар билан бирга у кишининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитдик. Набил Усмон оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир бир неча муҳим тадқиқотлар муаллифи. Унинг фикрича, ҳамма жойда, энг аввало, одамларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш керак. Кўпинча истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида гапирилади. Ахборот олувчи ҳам — истеъмолчи. Бунга қўшимча, одамларга ахборотларни ўз вақтида олиш билан бирга уларни танлаш имконияти ҳам берилиши зарур. Яъни истеъмолчи дунёнинг бошқа бир бурчагида содир бўлган воқеа тўғрисида бир эмас, бир неча манбалардан ахборот олсин ва ўзи хулоса чиқарсин.

Биз бу фикрга қўшилган ҳолда, баҳсни давом эттирдик. Бугун дунёда Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётига, бу минтақада кечаётган жараёнларга қизиқиш жуда катта. Тараққий топган не-не мамлакатлар бу ўлка-

дан ўз манфаатларини қидиради, моддий бойликлари, табиий захиралари, интеллектуал имкониятларига қизиқади. Ўзбекистон ҳақида дунё матбуотида ёритилаётган хабарларга эътибор берсангиз, уларнинг аксарияти маълум нуқтаи назарларга мос равишда тарқатилаётганига гувоҳ бўласиз.

Набил Усмоннинг фикрича, оммавий ахборот воситалари фаолиятига чет эл сармояларининг сингиши мақбул эмас. Фарб мамлакатларида бўлганидек, ахборот воситалари йирик магнатларнинг қўлига ўтиб кетса, матбуот мустақиллигини йўқотади. Фикр мустақиллигидан жудо этилган ҳар қандай нашрнинг сўзида эса салмоқ қолмайди.

Сафаримиз чоғида мамлакатнинг кўплаб тарихий жойларини томоша қилдик. Эҳромларга кўтарилдик. Неча минг-минг одамларнинг узоқ давом этган мислсиз машаққати туфайли бунёд этилган, инсон ақлзаковатининг буюк ҳайкали, ер юзидаги етти мўъжизанинг бири саналмиш бу обидаларга оёқ қўяр эканман, вужудим титраб кетади. Олис аждодларимиз йиллар давомида тош йўниб, илоҳий даражада мукамал ҳисоб-китоб билан бу улкан қурилишни амалга оширганларида нималарни орзу қилишди экан? Орадан минг йилликлар ўтгач, бу ерга келадиган сайёҳлар ҳар бирида қанчадан-қанча кишининг бармоқ излари қолган, тер ва кўзёшлари тўкилган, балки қон излари ҳам мавжуд бу улкан харсанглар устида ўтириб, суратга тушишини, тошлардан ёлгорлик учун парча кўчириб, халтачасида ватанига олиб кетишини ўйлашганмикин улар? Эҳромлар тўғрисида ривоятлар, афсоналар тўқилишини ва бунинг оқибатида, ечими йўқ қанчадан-қанча жумбоқлар, бири биридан ваҳимали тахминлар, фаразлар ҳам юзага келишини тасаввур қилишганмикин? Бугун бу эҳромлар мамлакат хазинасини тўлдириб турувчи жон томирларига айланган. Ҳар йили бу ерга неча миллион киши сарф-харажат қилиб келиб кетади. Балки бу иншоотлар олис аждодларнинг бугунги авлодларга нисбатан буюк ғамхўрлигидир?..

Нил дарёсида сайр қилганимизни эсламасам бўлмас. Қоҳирада қанча меҳмонхона борлигини аниқ айтиш қийин. Аммо биргина Нилнинг ўзида ўттиздан ортиқ

сузиб юрувчи кема-меҳмонхоналар мавжуд экан. Ана шундай кемаларнинг бирига бизни ҳам таклиф этишди. Эски қадрдонимиз Магди ад-Дайф билан ёнма-ён ўтириб, Қоҳира оқшомини кузатамиз. Санъаткорлар фиръавнлар даврига хос қадимий рақсларни ижро этиб, саёҳатчиларни хушнуд этишади.

Шаҳар ҳаёти бири иккинчисига ўхшамайдиган икки қисмдан иборат десам, муболагага йўйманг. Кундузи бир ишни битиришингиз қийин. Кўчалар тирбанд, машиналарнинг гала-говуридан асаблар таранглашади. Мен эътибор берганим, Қоҳирада такси кираси Истанбулга нисбатан бир неча баробар арзон экан. Қўл кўтарсангиз бас, бирданига бир неча машина тўхтайтиди, ҳайдовчилари машинадан тушиб, сизни бемалол судраб кетишади. Йўловчи талашиб, бир-бирлари билан ғижиллашиб ҳам қолишади. Аммо қаерга десангиз, сўзсиз олиб боришади, зарур бўлса, соатлаб кутиб ҳам туришади. Энг муҳими, ортиқча пул олишмайди. Биздагига ўхшаб, чорасиз қолган меҳмонни шилиш у ерда одат эмас экан. Тошкентга қайтгач, Миср элчихонаси ходимларидан бири: — «Хўш, яхши бориб келдингизми, Миср сизга ёқдими?» — деб сўраган эди, — «Ҳаммаси яхши-ю, аммо битта жойи менга маъқул келмади», — дедим ҳазиллашиб. — «Нимаси ёқмади?» — сўради у ажабланиб. — «Қоҳирада бошингни қаший олмас экансан, дедим жиддий оҳангда. — Қашийман деб, қўлингни кўтарсанг борми, таксичилар тўхтаб, машина ичига судраб қолинаркан...»

Сафаримиз сўнгига шу юртда истиқомат қилаётган машҳур ватандошимиз, араб оламида таниқли ва нуфузи баланд тарихчи олим Насруллоҳ Тарозий жанобларини йўқлаб бориб, у кишининг мунаввар суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Араб, форс тилларини мукамал билган, ноёб қўлёмалар бўйича йирик мутахассис бўлган бу кишини мамлакатга Анвар Садат президентлиги пайтида таклиф этишган. — Бу ерда яшашингиз, ижод қилишингиз, дорилфунунларда сабоқ беришингиз учун биздан нима ёрдам керак, деб сўрашганида, олим камтарлик билан ижарада туришга уй сўраган, холос. Биз бир киши аранг сиғадиган тор йўлакдан, тепадан тушиб келаётганларга урилиб-сури-

либ, учинчи қаватга кўтарилдик ва чоғроққина хонада олим билан суҳбатлашдик. Шундай улуг зот бир умр шу кулбачага тоқат қилиб яшадилар.

Учрашувлардан бирида бир суҳбатдошим Мисрда аҳолининг ярмидан кўпроғигина саводли эканлигини айтиб, мендан Ўзбекистонда аҳвол қанақа, деб сўраб қолди. Мен унга бизда бу масала аллақачон ҳал этилган, ҳамма саводли, деб жавоб бердим. У ҳайрат билан «Ҳамма саводли денг, ҳамма-я?» дея уч бора қайта сўради. Самолёт Қоҳира аэропортидан шиддат билан кўтарилиб, Истанбул томон йўл олганида, негадир шу суҳбатдошимнинг ҳайрати ёдимга тушди. Айта оламанки, бу ерда турфа хил ва турфа савиядаги одамлар, турли эътиқод эгалари, турли маданият вакиллари бир тану бир жон бўлиб, она Нил туҳфаси тараққиётига имкон даражасида ҳисса қўшмоқдалар, ҳаётнинг жамики паст-баландликлари, равону мураккабликларини бошларидан биргаликда кечирмоқдалар. Менинг бу мулоҳазаларимга ишонч ҳосил қилиш, илоҳим, сизга ҳам насиб этсин.

ДУНЁ КЕЛИНЧАГИ

Европа шаҳарлари бир-бирига ўшаб кетади. Аввало, худди меҳмон кутаётгандай, саранжом-саришта, ғала-ғовурлардан холи. Кўҳна обидалари, нақшиндор ибодатхоналари, замонавий қасрлару икки томони турфа хил машиналар билан ҳамиша тўла тор, деярли офтоб юзини кўрмайдиган кўчалари билан умумий бир яхлитликка эга. Бундай шаҳарларни навқиронлик ёшидан аллақачон ўтган, бошидан не-не сир-синоатларни ўтказган, суронли не-не воқеаларга шоҳид бўлган вазмин, мулоҳазали мўйсафидга ўшатиш мумкин. Негаки, уларни бугунги тараққиётнинг энг катта ютуқлари билан ҳам, шовқин-сурон, ғала-ғовур билан ҳам ҳайратга солиш қийин.

Европани англашнинг мураккаблиги ҳам мана шунда! Лекин...

Мана шу мўйсафид Европа неча асрлар давомида Шарққа ҳайрат кўзи билан боқиб келади. Фотиҳ Наполеонни, таажжубки, шарқий кенгликлар жозибаси, моддий бойликларигина эмас, маънавий олами, тарихи, илми, тафаккури, маънавияти ҳам қизиқтирган. Дунёнинг буюк ва бой музейларидан бири бўлмиш Луврни оламро машҳур қилиб турган неча минг ноёб осори атиқалар бу ерга шу фотиҳ томонидан олиб келинган. Сўзлаб беришларича, Бонапарт уларнинг ҳар бирини бениҳоя даражада асраб-авайлаган, бирортасига зиён-заҳмат етишига, талон-тарож қилинишига йўл қўймаган. Бу талабларга риоя қилмаган саллотларини жазолаган. Баъзи босқинчиларга ўшаб, бебаҳо ёдгорлик намуналарини вагонларга юклаб, дўст-қадрдонларига тортиқ қилмаган.

Фарбликлар кунчиқар томон халқлари, фотиҳлари ҳаётини жиддий кузатишган, тажрибаларини, идора усулини, жанг маҳоратини илм сифатида ўрганишган. Машҳур олим Алфонс де Ламартин Соҳибқирон Амир Темур салтанати тўғрисида шундай ёзган эди: «Овруро


на Искандарда, на Антилада ва на Московия зафарини кучган фотиҳ Наполеонда адолатли қонунлар асо-сига қурилган бундай бошқарувни кўрган эмас...»

Европа ўзидан анча аввал уйғонган Шарққа ҳам-ша ҳамкорлик қўлини чўзиб келган. Ўз навбатида Шарқ ҳам дунёнинг бу чет ўлкалари билан алоқа ипларини боғлашга, ҳамкорлик қилишга, савдо-сотиқни йўлга қўйишга, келиб-кетувчиларни иззатлашга, ҳақ-ҳуқуқла-рини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Амир Темур ҳаз-ратларининг Европа қироллари билан ёзишмалари фик-римизга далил бўла олади.

«Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умиди-миз шулки, — деб ёзади Соҳибқирон Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган мактубларидан бирида, — бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсин-лар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатлик-ларидан хабардор этиб, бу борада хотиримизни жам қилғай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, улар-га ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолатни (элчилик-ни — тарж.) ҳам ўрнатурмиз...» (Кўчирмалар мактуб-ларнинг лотин ва фаранг тилларидаги нусхаларидан ҳурматли олимларимиз Раҳим Қиличев ва Муҳаммад-жон Холбековлар таржимасида берилмоқда). Бошқа бир мактубда Амир Темур: «Бизнинг истагимиз — сизнинг саломатлигингиз устувор бўлсин. Сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро борди-келди қилсинлар, токи сизнинг ва биз-нинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин», дейди.

Бу сатрлар бундан қарийб олти аср аввал битилган бўлишига қарамай, то ҳануз давлатлараро муносабат-ларнинг муҳим шартларидан бири сифатида ўз аҳами-ятини йўқотмаган. Дунёнинг тожирлар билан ободлиги дегани иқтисодиётни бозор муносабатларига мослаш-тириш эканлигига эса ҳаммамиз гувоҳ бўлиб туриб-миз.

Сўнгги йилларда Фарб дунёсининг Шарққа, хусу-сан, томирларида аждодлар руҳи уйғонаётган, турли



тазйиқ ва исканжалардан озод бўлиб, ўзлигига қайта-ётган Марказий Осиё давлатларига эътибори янада кучаймоқда. Ҳар икки томонда ҳам улуғ бир ҳақиқат юзага чиқаётир: инсоният тарихи бўлакларга бўлинмайди. У яхлит ва ягонадир, бу тарих ҳамиша бир-бирига таянади ва бир-бирини тўлдиради. Ва яна — бугун дунёда глобаллашув жараёни кечмоқда. Йўллар, тақдирлар, мақсад-муддаолар ўзаро туташмоқда. «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деганларидек, тириклик ва яшамоқлик билан боғлиқ муаммолар яхлитлашиб бораётир. Франциянинг собиқ президенти Миттеран жанобларининг мана бу фикрларига эътибор беринг: «Биз Авиценна деб атайдиган улуғ зот туфайли Ғарб Аристотель асарларини ўқишни ўрганди. Урганчда туғилиб ўсган ал Беруний бизга Алиборон номи билан таниш. У буюк тарихчи ва қомусчи олимлардан бири эди. Математиклар ватани ҳисобланган Франция алгоритмни кашф этган ал Хоразмийни ҳам биледи. Орадан уч аср ўтгач, Темурнинг набираси Улуғбек Самарқандни фалакиёт пойтахтига айлантирди. У ерда санъатнинг барча турлари гуллаб-яшнади. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга шон-шухрат келтирган меъморий ёдгорликлар шундан далолатдир...»

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, биз собиқ тузум мафкураси таъсирида ўз тарихимиздан, маданий-маънавий меросимиздан, мунаввар сиймоларимиздан, жумладан Амир Темурдан ҳам юз ўгириб, қизил қўшиқлар куйлаб юрганимизда Ғарб олимлари, ғарблик мунавварлар улуғ Соҳибқироннинг сарҳадлари бепоён салтанати ҳақида тадқиқотлар олиб бориш, Темур ва темурзодаларнинг буюк меросларидан баҳраманд бўлишни бир зум бўлсин тўхтатмадилар. Буюк Британия, Франция, Япония каби йирик давлатларнинг нуфузли илм даргоҳларида Шарқ Уйғониш даврига, Мовароуннаҳр тарихига, бўлақлаб ташланган Туркистон тақдирига оид кўплаб илмий асарлар ёзилди. Тарих қатларида қолиб кетаётган не-не ҳақиқатлар юзага чиқди.

Ушбу мулоҳазаларни Францияга қилган сафаримнинг дастлабки кунларидаёқ қоғозга тушира бошладим. Аниқроғи, дунё келинчаги аталмиш Парижни,

оламаро машхур Луврни, Версал саройини, Гимей музейини бориб кўрганимдан кейиноқ қўлимга қалам олдим. Бу жойларга жаҳоннинг турли бурчакларидан ҳар куни неча ўн минглаб кишилар келиб кетади. Келувчилар оқими сира тинмайди. Музей ходимлари неча ўн йиллар давомида келувчиларга тарихдан сўнгсиз ҳикоя сўзлайдилар.

Версал саройидаги нодир асарлардан бири «Наполеоннинг тахтга ўтириши», деб номланади. Ёш, шиддатли Бонапарт таомилга зид бўлса-да, тожни руҳонийнинг қўлидан олиб, ўзи киймоқда. Суюкли рафиқаси Жозефина қуллуқ қилиб турибди. Онаси Летиция шундай довюрак ўғил ўстирганидан хурсанд. Ҳукмдор отанинг тўрт қизи ҳам шу ерда. Аёнлар, кўпдан-кўп меҳмонлар, юқори мартабали расмий кишилар бу тарихий воқеани синчковлик билан кузатиб туришибди.

Эътибор бераман — ўрта ёшлардаги гид аёл сайёҳларга бу улуғвор асар ҳақида зўр ҳаяжон ва ифтихор билан гапириб бермоқда. Эҳтимол у бу асар ёнига йиллар давомида минг бор, балки бундан-да кўпроқ марта келгандир, Наполеоннинг ўзига хос равишда тож кийишини, балки мингинчи бор сўзлаб бераётгандир. Аммо унинг буюк фотиҳ тўғрисидаги ҳикояси ҳеч қачон тугамайди ва бу тўғрида келувчиларга сўзлаб беришдан асло чарчамайди ҳам. Чунки музейларда сақланаётган экспонатларнинг ҳар биттасида миллат, Ватан тарихига бевосита дахлдорлик бор. Инсон ақли-заковати билан бунёд этилган мўъжизаларга тикилар экансиз, кимдир қулоғингизга аста «Инсон ожиз эмас, инсон ожиз эмас», деб шивирлаётгандек бўлади. Сиз бу овозни эшитасиз, кўз ўнгингиздан олис мозий манзаралари бирма-бир ўта бошлайди ва беихтиёр, ўзингиз ҳам «Инсон ожиз эмас, у буюк, у буюк...» дея такрорлаётганингизни сезмай қоласиз.

Залларни айланиб юриб, ўсмирлик йилларим бир эмас, бир неча марта ўқиб чиққан китобим қаҳрамони Жанна д'Арк сурати ёнидан чиқиб қолдим. Муболағасиз айтаман, бу асар мени китоб деб аталмиш сеҳрли оламга олиб кирган. Ўқувчилик йилларим шу китоб билан яшаганман, шу китобдан нафас олганман. Мана ўша, афсонавий қаҳрамон, Орлеан жангининг ғолиба-

си, жоҳилият қурбони Жанна д'Арк. Кўзлари тийрак, нигоҳи вужудингизда алланечук ҳис-туйғулар уйғотади. Мусаввир уни шу қадар маҳорат билан тасвирлаганки, тикилиб тўймайсиз.

Луврда «Мона Лиза»ни узоқ томоша қилдим. Аммо Версал саройида Жаннанинг олдида кўпроқ қолиб кетдим. Ажабланарлиси шунда бўлдики, китоб қаҳрамони менинг онг-шууримга қандай муҳрланган бўлса, рассом полотносида ҳам айна шундай эди. Бордию номи айтилмаганларида ҳам, отда ишонч ва виқор билан ўтиришидан, кўзларидаги сирли қатъиятдан, бутун вужудини чулғаб олган ғолиблик нашидасидан бу, ҳеч шубҳасиз, Жанна д'Арк, дея олардим. Менинг назаримда, дунё дунё бўлганидан бери ҳеч бир аёл зоти от устида бу қадар зафарли ўтирмаганиди.

Гимей номидаги миллий санъатлар музейининг юздан ортиқ муҳташам залларида Осиёда истиқомат қилувчи халқлар маданиятига доир ноёб экспонатларни кўриш мумкин. Хитой ва Мўғулистонга бағишланган кўрғазмалар қамрови фавқуллодда кенг. Беш-ўн аср аввал битилган битиклар, нафис чинни буюмлар, бетакрор либослар, ҳайкалчаларни кўриб завқингиз ошади. Қўлда тўқилган нодир гиламларга суқланиб боқасиз. Тилни билсангизу шундоққина ёнгинангизда бу осори-атиқаларга ҳайрат кўзи билан боқиб турган европаликка: «Биласизми, биродар, бу ишлар биз осиеликларнинг ишимиз, ота-боболаримиз, ўтмиш аجدларимизнинг ақли-заковати билан юзага келган», дея мақтангингиз келади.

Музей мутасаддиларидан бири жаноб Жарри билан суҳбатимиз ғоят қизиқарли бўлди. Бу ерда сақланаётган неча ўн минглаб экспонатларнинг аксарият кўпчилиги ҳам, худди Луврдагидек, бошқа мамлакат халқлари тарихи, маданиятига тегишли. Ҳар бир осори-атиқа ўз номи, тарихи ва қайси миллат маданиятига мансублиги билан намоён этилади ва шубҳасизки, томошабинни ўша миллат тарихи ва маданиятига ҳурматини оширади. Яна бир муҳим жиҳати — ҳар бир экспонат бу ерга қачон, ким томонидан ва қай тарзда олиб келинганлиги ошкора айтилади.

Гап айланиб бориб собиқ шўролар даврида Туркистондан ташиб, ўмариб кетилган вагон-вагон бойликларимизга тақалди. Неча минглаб нодир буюмларнинг тақдири ҳамон ноаниқ эканлиги, маълумларининг кўпи эса асосан шахсий коллекцияларда сақланаётганлигини айтдим. Инглизлар ўз вақтида Ҳиндистондан олиб кетган шундай осори-атиқаларни кейинчалик, инглиз жамоатчилигининг талаби билан ҳинд халқига қайтаришганини эслатдим. Миллий бойликларни юртимизга қайтариш масаласи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги саҳифаларида бир неча бор кўтарилганлигини сўзлаб бердим. Музей ходимлари бир-бирларига маъноли қараб қўйишди ва «Бу ишда сизларга омад тилаймиз», дейишдан нарига ўта олишмади.

Ёш олим Терри Зарконе билан саёҳатимдан анча аввал Тошкентда танишган эдик. Турк ва форс тилларида бемалол сўзлаша оладиган, ўзбекчасини ҳам бемалол тушунса бўладиган истараси иссиқ бу йигит ийманибгина таҳририятимизга кириб келгани ёдимда. Сарбонна университетига қарашли туркшунослик институтининг тадқиқотчиси сифатида тарихимизга, миллий маданиятимизга қизиқиши кучли. Олим Истанбулда саккиз йил яшаб, турк файласуфи Ризо Ровфиқ ижоди ҳақида докторлик диссертациясини ҳимоя қилибди. Энди у жаҳидчилик ҳаракатини ўрганмоқда. Ўшанда Терри зарур китобларни топа олмаётганидан нолиган эди. Парижда мен унга бир неча рисоалар совға қилдим. Унга, айниқса, бухоролик шоир ва олим Садриддин Салимовнинг китоблари маъқул бўлди. Ўзбекистонга борсам, шу мунаввар билан албатта учрашаман, деди.

Эртасига Терри икковлон Сарбонна университетида бўлди. Бу маҳобатли олийгоҳнинг таърифини бир неча жумлада акс эттириш мушкул иш. Бино ичкарасига қадам қўйишингиз биланоқ, вужудингизни алланечук қатъият қоплаб олади. Умр шиддати ҳақида ўйлай бошлайсиз. Кимдир қорни тўйганига хурсанд, ялло қилиб юрибди. Кимдир минг азият билан илм изламоқда, умри ўзга юртларда ўтмоқда. Вияям Диркс исмли ёш тадқиқотчи олим менга йўллаган мактубларидан бирида: «Иш жуда ҳам кўп. Улгуриш қийин. Умида

Ҳикматуллаева билан ҳамкорликда ўзбек оғзаки сўзлашув нутқининг лексика ва грамматикасига доир дарслик яратмоқдамиз. Бунинг устига, мен мўғул тилини ҳам ўрганаяпман. Келинингиз, биласиз, истанбуллик, инглизчадан сабоқ олади. Сабоқ харажатлари анча қиммат. Баъзан ойлаб кўришмаймиз. Бўш вақтимиз йўқ ҳисоби...»

Сарбонна университетидан Ўзбекистонга қизиқувчи ёш олимлар кўп экан. Терри мени тадқиқотчи олимлар имтиҳон топшираётган аудиторияга бошлади. Халақит бермаслик учун, деярли овоз чиқармай ичкарига кирамиз. Тўрда имтиҳон олувчи учта ҳайъат аъзоси жиддий бир қиёфада ўтиришибди. Уларнинг олдида имтиҳон топшириши лозим бўлган ёш тадқиқотчи қиз. Орқада талабалар, имтиҳон берувчининг таниш-билишлари. Ҳайъат раиси — кекса профессор Африка мамлакатларидан бирида маҳаллий халқ турмуш тарзини ўрганиб қайтган бўлажак олиманинг ҳисоботини баҳоламоқда. У кескин-кескин гапирди, устма-уст саволлар беради. Терри таржима қилиб турибди: «...Профессор ишни қониқарсиз баҳоламоқда, вақтни бекорга ўтказибсан, бунақада сендан олим чиқмайди, дея коймоқда».

Сухбатдошимнинг айтишича, бу ерда ўқиш, илм олиш учун жамики имкониятлар мавжуд, бирор бир муаммо йўқ. Бордию сизга бошқа бир мамлакатнинг бошқа бир илм даргоҳида сақланаётган қўлёзма ёхуд илмий иш зарур бўлиб қолса, уни интернет ёрдамида бемалол топиб, ўқишингиз мумкин. Фақат астойдил ўқиш керак. Имтиҳонларни топшириш ўта мураккаб. Домлалар мурсага келишмайди, сизга керак бўлган илмни ўзлаштирмаган бўлсангиз, баҳо ололмайсиз. Бунинг устига, сабоқни сизга бошқа ўқитувчи беради, имтиҳонни эса тамоман бошқа устозга топширасиз...

Ўқув аудиторияларига, кутубхона залларига, йўлаклардан ўтиб бораётган талабалар оқимига эътибор берман. Ҳамма бирор бир фойдали машғулот билан банд. Қуруқ гап сотиб ўтирган ёки вақтни бекорга ўтказётган бирор кимсани учратмайсиз. Англашимча, ҳар қандай кишини жиддийликка, ҳаракатга, интилиш ва тиришқоқликка ундовчи, фикрлашга, мулоҳаза юритишга

даъват этувчи сирли бир муҳит бор бу ерда. Деворларга номи оламаро машҳур олимлар — бир вақтлар шу илм даргоҳида таҳсил олган собиқ талабаларнинг портретлари осиб қўйилган. Улар олдидан шунчаки ўтиб бўлмайди, ўткир нигоҳлари сизни имтиҳон қилаётгандай туюлади.

Кейинчалик Қоҳира университетига ҳам худди шундай ҳолатни кузатганман. Талаба, бордию имтиҳонни топшира олмаса, лаёқатсизлик қилса, у, ҳеч истисносиз, талабалар сафидан чиқарилади. Мисрнинг Хургада курорт шаҳарчасида иккита ёш ватандошимизни учратиб қолдим. Таги шишадан ишланган махсус қайиқчаларда туристларни очиқ денгизда пулли сайр қилдиришар экан. 20 фунтдан тўлаб, биз ҳам денгиз тубини, гаройиб жонзотлар, хусусан калмарлар оиласи қандай яшашини томоша қилдик.

Сарбонна олийгоҳини обдон айланиб, тушлик пайти яқинлашганида ташқарига чиқдик ва чорраҳадаги биринчи дуч келган чойхонага кирдик. Чойхона деяётганимнинг асло муболағаси йўқ. Парижда нима кўп, чойхона кўп экан. Пештоқига «Чойхона» деб ёзиб қўйилмаган бўлса-да, мўъжазгина кафеларнинг (французчасига «Кафи») ҳар бирида ўн-ўн беш хил чой бор. Ҳинд, Хитой, Туркия, Малайзия, Шри Ланка ва бошқа мамлакатларда етиштирилган чойлар, гиёҳли, доривор чойлар, асал чой, қалампир чой, кўкат чой ва ҳоказолар. Билдимки, французлар чой ичишда ўзбеклардан қолишмас экан. Сухбатлашиб қолсангиз «Чой ичишни англизлар ҳам биздан ўрганишган», деворишади. Озроқ вақтлари бўлса бас, кириб, бир пиёла чой устида анча-мунча ишларини битириб олишади. Бу ажойиб имкониятдан, айниқса, талабалар унумли фойдаланишади.

Эрталабдан бери пиёда юриб толиққан эканмиз, ўтириб узоқ гурунглашдик. Терри завқланиб кетиб Юнус Эмронинг ҳароратли сатрларидан ўқий бошлади. Кейин Машраб, Хувайдо ғазалларидан баҳс очди. Офоқ хўжа ҳақида ҳикоя қилар экан, «Ҳазрат нақшбандийлардан бўлган, мазорлари Қашқарда, маҳдудзодалардан. Бу табаррук инсонга қизиқишим бор, ажойиб ғазалар битган», дейди.

Терри Иброҳим Адҳам, Мансур халлож номларини ҳурмат билан тилга олади, бу икки мўътабар зотнинг Машраб дунёқарашига таъсирини ўзича талқин қилади. Мендан «Аналҳақ» сўзининг маъносини сўрайди. Мен устозларимиз Файбулла ас-Салом, Нажмиддин Комиловларнинг илмий мақолаларига, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида эълон қилинган Иброҳим Ҳаққулнинг «Аналҳақ надур?» сарлавҳали мақоласига таяниб, баҳсни эҳтиёткорлик билан давом эттираман. Инсон жисми ва моддий дунё билан боғлиқ жамики нарса-ашъёлар — ўткинчи, «маъжозийдир». Мутлақ Илоҳгина ҳақиқатдир. Демакки, бу ўткинчи дунёга ортиқча меҳр қўйиш, маҳлиё бўлиш, ўткинчи лаззатлар қобиғида қолиб кетиш — нодонликдир, алданишдир. Инсон фақат мутлақ Илоҳ ҳақиқатига ишониши, фақат унга ошиқ бўлиши керак.

Терри Нажмиддин аканинг бу мавзудаги қатор мақолаларидан яхши хабардор эканлигини намойиш этади, суҳбатимиз қизийди. Гапга тушиб кетиб, анча-мунча чой ичиб қўйибмиз, пулини тўлашга келганда билдим. Терри кулиб туриб турк шоирларидан бирининг ушбу сатрларини ўқиди:

*Кўнгила на чой истар, на чойхона,
Кўнгила суҳбат истар, чой — бир баҳона...*

Чой ҳақидаги шеърхонликни мен «Ялла» ансамблининг кўшиғи билан давом эттирдим:

*Чойхоначи чойхўрга
Гир-гир парвона бўлса,
Гир-гир парвона бўлса...*

Францияга саёҳатдан асосий мақсад — туркий давлатлар тарихи ва маданиятини ўрганиш муаммоларига бағишлаб ЮНЕСКО шафелигида ўтказиладиган илмий анжуманда иштирок этиш ҳамда ИНАЛГО — Шарқ тиллари ва маданиятини ўрганиш институти фаолияти билан танишиш, шу олийгоҳда таҳсил олаётган талабаларга маъруза ўқиш, нашриётлар, тегишли газета ва журналлар таҳририятлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш эди. Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси масъул ходими, таниқли манбашунос олим

Пиер Шувен сафар олдидан менга Соҳибқирон Амир Темур ҳақида йирик тадқиқотлар олиб борган, бир неча тарихий асарлар муаллифи Люсен Кэрен, Францияда темурийлар тарихи ва маданиятини фаол тарғиб қилаётган Фредерик Бриссанд ва бошқалар билан албатта учрашишимни маслаҳат берган эди.

Ота-оналари руминиялик кекса таржимон Стурдга хоним ёрдамида шаҳарнинг деярли марказида жойлашган мўъжазгина «Ла Бриа» меҳмонхонасига жойлашиб, каравотга энди ўзимни ташлаган ҳам эдимки, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб «Лаббай» дебман, у томондан французча овоз эшитилди, меҳмонхона маъмурияти кимдир мен билан гаплашмоқчи эканлигини айтиб, гаплашишга розилигимни сўраётганлигини аранг тушундим.

— Салом, яхши келдингизми? — қулоғимга рус тилида бийрон гапирётган аёл кишининг жарангдор овози эшитилди. — Менинг исмим Фредерик Бриссанд...

— Раҳмат, раҳмат, — дейман бир оз ҳаяжонланиб, — ҳаммаси жойида. Яхши кутиб олишди. Ҳозиргина меҳмонхонага жойлашдим. Сизга Тошкентдаги дўстларингиздан кўпдан-кўп саломлар олиб келдим.

— Жуда соз. Бугун нима иш қилмоқчисиз? Бирор бир режангиз бўлмаса, уйга келавринг...

— Парижга биринчи келишим, топиб бора олмасам керак, — дейман ўзимни бир оз ноқулай сезган ҳолда.

— Меҳмонхона бекасига уй манзилимни айтаман, таксида келаверасиз, ўзим кутиб оламан...

Эътироз билдиришга ўрин қолмади. Кийиниб пастга тушдим. Бека аёл «Бир оз сабр қилинг» дегандай бўлдию ташқарига чиқиб кетди. Орадан бир-икки дақиқа ўтиб-ўтмай қайтиб кирди ва менга қараб «Марҳамат мсье, такси сизни кутиб турибди», деди.

Таксига ўтирдим. Қош қорая бошлаган эди. Сена дарёсидан ўтиб, шаҳарнинг мафтункор кўчалари бўйлаб бораяпмиз. Бири иккинчисига ўхшамайдиган, бири иккинчисини такрорламайдиган, аммо умумий бир яхлитликка эга улугвор иморатлар. Парламент биноси олдидан, буюк саркарда Наполеон Бонапарт хоки қўйил-

ган жойдан ўтиб боряпмиз. Такси ҳайдовчиси йўлимизда учраган таниқли жойларни бир амаллаб менга тушунтириб бормоқда. Кўнгилда озроқ хавотир ҳам бор. Манзилни топа олмай, адашиб қолсак, ёнимда француз пули бўлмаса, буёғи нима бўлади?

Орадан йигирма дақиқалар ўтгач, машина муюлишдаги баланд, ўртача кўринишли бино олдига келиб тўхтади. Етиб келибмиз. Ҳайдовчи қўлидаги қоғозга қараб бир неча рақамларни терган эди, йўлакка кириш эшиги очилди. Ичкарига кирдик. Яна темир панжара. Ҳайдовчи тугмачаларни босиб, кўнғироқни чалди. Ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

Фредерикни бу қиёфада кўраман деб сира ўйламаган эдим. Эгнида ўзбекча атлас кўйлак, атлас лозим, юпқа беқасам тўн. Қўл ва қулоқларида қадимий Бухоро тақинчоқлари. Тошкентда у тўғрида анча-мунча маълумотларга эга бўлганман. Собиқ тузум даврида мамлакатимизга, хусусан Самарқанд ва Бухорога кўп марта келиб кетган, осори-атиқалар йигишга қизиқади, темурийлар даври маданияти тўғрисида китоб ёзмоқчи ва ҳоказолар. Аммо...

Ичкарига кириб ҳайратим янада ошди. Ёпирай, бу ер Парижми ё Самарқандми? Жамики хоналар, даҳлиз, ошхона, йўлакларнинг деворлари қадимий буюмлар, тақинчоқлар, сурат ва идишлар билан безаб ташланган. Кираверишда Амир Темур мақбарасининг маҳобатли сурати. Йўлакнинг икки томонига Афросиёб харобалари, Оқсарой, Улуғбек, Бибихоним мадрасалари, «Шоҳизинда» ансамбли манзаралари осиб қўйилган. Хоналар деворларида ипак гиламлар, чойшаб ва сўзаналар, аёлларнинг кумуш тақинчоқлари кўзга ташланади. Токчаларда сопол кўзачалар, қиличу қалқонлар. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига бағишланган фотоальбомлар. Ва яна қанчадан-қанча...

Фредерикнинг турмуш ўртоғи ўша куни уйига Парижда ўтадиган халқаро иқтисодий анжуманда иштирок этадиган дўстларини ҳам таклиф этган экан, улар билан жиддий мунозара қилдик. Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, собиқ тузумнинг қулаши, одамларнинг янги шароитдаги ҳаёти, ғарб дунёсига нисбатан муносабати менинг ногаҳонда орттирган танишла-

рим учун қизиқарли мавзу бўлди. Аниқроғи, улар менадан айна шу нарсаларни кўпроқ сўрадилар. Дастлабки хулосам шу бўлдики, ўша пайтлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида Марказий Осиёда янгидан қад ростлаётган мустақил давлатлар тўғрисида маълумот етарли эмас экан, бу ҳам майли, кўпчилик сиёсатдонлар энди бу давлатлар маърифий дунёдан узилиб қоладилар, ҳамкорлик алоқалари эшикларига қулф урадилар, миллий маҳдудликка берилдилар ва бу нарса, охир-оқибат, ғарб учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, деган фикрда экан.

Айтишим керакки, бундай хавотирга яқин-яқингача дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам дуч келдим. Бугун ер юзида шундай бир вазият юзага келганки, наинки Марказий Осиё давлатлари, улуғ ва қудратли ғарб давлатлари ҳам бошқалардан узилган ҳолда, ўзаро манфаатли алоқаларсиз, бир-бирининг кўмагисиз яшай олмайди ва бу ҳақиқатни биз яхши тушунамиз, деган фикрни баҳсдошларимга сингдириш осон бўлгани йўқ. Биргина мисол. Саёҳатим олдидан француз адибларининг бадиий асарлари мамлакатимизда неча марта ва қанча нусхада нашр этилгани ҳақида батафсил маълумот тайёрлаб олган эдим. Мен уни Парижда қайси суҳбатдошимга кўрсатмайин, ҳаммалари таажжуб билан «Наҳотки?» дегандай елка қисийди. «Ўзбекистонда ўқитувчиларгина эмас, ўрта мактаб ўқувчилари ҳам Франция тарихини бу ердаги тенгдошларидан кам билишмайди, масалан, бизда Бастилия қандай олинганини, афсонавий қаҳрамон қиз Жанна д'Арк ғалабаларини гапириб бера олмайдиган ўқувчининг ўзи йўқ», деган гапимни-ку, аввалига худди афсонадай қабул қилишди.

Тўқсонинчи йиллар бошларида бундай ажабланиш деярли ҳамма жойда мавжуд эди. Мана шу фактнинг ўзиёқ ғарб дунёси биздан нақадар узоқлашиб кетганлигини кўрсатиб турарди. «Ие, Самарқанд деганлари Покистонда эмасми?» деган саволга дуч келган биргина мен эмас, хорижда бўлган бўлсангиз, сиз ҳам эшитгансиз бу англашилмовчиликни. Лекин бунинг учун ғарбни айблаб бўлмайди. Бу хатони энди ўзимиз тўғрилашимиз керак. Ғарб дунёсининг бағри кенг, аммо у

айни ўзимизнинг «Қирқта хап-хапдан кўра битта шапшап яхши», деган мақолимизга кўпроқ амал қилади.

Фредерик Женевада рус тилидан оғзаки ва ёзма таржима бўйича махсус сабоқ олган. Сўнг Лион университетиди хитой тилини ўрганган. Марказий Осиё ва унинг ён-атрофларидаги давлатларнинг деярли барчасида, олис Сибирияда ҳам кўп бор бўлган.

— Самарқанд — менинг муҳаббатим, — дейди у фахр билан. — Бу афсонавий шаҳарни биринчи кўришимдаёқ севиб қолганман. Темурийлар даври маданиятини ўрганиш ҳаётимнинг мазмунига айланган. Энг катта орзуим — Самарқанд ҳақида китоб ёзиш...

Фредерик билан бу мавзуда узоқ гаплашиш мумкин. У ўтмиш тарихимизга оид кўплаб маълумотларга эга, мушоҳадалари баъзи олимларимизникидан қолишмайди. Париждаги Осиё халқлари санъати музейида ишлаш билан бирга у Амир Темури ва темурийлар даври маданиятини ўрганиш юзасидан ибратли ишлар қилмоқда. Айни шу ерда тузилган «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганувчилар ассоциацияси» фаолияти фикримизга далил бўла олади.

Профессор Люсен Кэрен испаниялик машҳур сайёҳ Клавихонинг «Темурбек саройига саёҳат кундалиги»ни француз тилида нашр эттирган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур асарнинг французча нашри мукамаллиги билан бошқа тилларда чоп этилганларидан фарқ қилади. Олим изланишларининг яна бир самараси — «Тамерлан» номли йирик монографиядир.

ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтказилган халқаро анжуманда қатнашиш мен учун катта шараф бўлди. Анжуман ишида дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган таниқли сиёсатдонлар, олимлар иштирок этдилар. Муҳокама мавзуси Марказий Осиёда ташкил топган янги мустақил давлатларнинг ташқи ва ички сиёсати, ўзаро муносабатлари бўлди. Мендан аввал сўз олганлар Даниэл Баланд, Мишел Барри, Булонд Эжевит ва бошқалар Ўртаер денгизи ва Турк — Эрон минтақасида жойлашган давлатларнинг муштарак муаммоларига кўпроқ тўхталдилар. Жаноб Баланд, жумладан, шундай деди: «Марказий Осиё — уфқлари олис кенгликларга туташиб кетган Осиё қитъасининг тарихан яхлит

бир бўлагидир. Шўролар бу ўлкада ягона миллий бирлик яратмоқчи бўлдилар. Аммо уларнинг бу уринишлари амалга ошмади...»

Мен ўз сўзимни мамлакатимизда амалга оширилаётган маданий-маънавий ислохотлардан бошлаб, миллий ўзлигимизга қайтаётганимизга доир бир неча мисоллар келтирдим. Кейин шу мавзуда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган мақолалар шарҳига ўтдим. Савол-жавоб чоғи ёш тадқиқотчи қиз мендан «Жаноб муҳаррир, ўзингиз ҳам этироф этганингиздек, ёш суверен давлатлар, жумладан, Ўзбекистон, бугун ташқи дунё ёрдамига, шубҳасиз, муҳтож. Аммо менинг назаримда, сизлар бу ёрдамга, аниқроғи, фарб давлатлари билан ҳамкорлик қилишга, негадир шошилмаяпсизлар. Буни сиз қандай изоҳлайсиз?» деб сўраб қолди.

Очигини айтсам, бундай саволни кутган эдим. Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат маълум иқтисодий қийинчиликларга дуч келиши табиий. Ҳали шу чоққача бу жараёни бирор бир давлат четлаб ўтмаган, жумладан, Ўзбекистон ҳам. Бундай пайтда ёрдам қўлини чўзувчилар, ҳамкорлар қўплаб топилади. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Негаки, ҳар қандай давлат ўтиш даврида ўзининг ички муаммолари билан ўралашиб қолганидан кўра, уларни биргаликда бартараф этишга интилиши фақат бир томон учунгина фойдали эмас. Тасаввур қилингки, маҳаллада бешолти киши янги уй қуриб, ичини жиҳозлаб, кўчиб кириб олишди. Аммо битта қўшни қўли бир оз калталик қилиб, қурилишни тугаллай олмаяпти. Усталар бир кун ишлашса, икки кун бекор ўтиришади. Тарақа-туруқдан асаблар бузилади. Бунинг устига чанг-губор бошқа ҳовлиларгача етиб боради. Бундай пайтда ён-атрофдагилар бир оз қарашиб юборишса, олам гулистон.

Жамият ҳаёти ҳам шундай. Лекин ёрдам бераман деб қўл чўзаётганларнинг бу ҳиммати ҳамиша ҳам бегараз бўлмайди. Кўпинча, бундай саховатпешалик замирида маълум манфаат ҳам ётади. Майли, ишим битгани яхши, дея рози бўлсангиз, кейинчалик ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз ҳам мумкин.

Мен жавобни шундан бошладим. Аслида, бунинг ҳеч муболағаси йўқ эди. Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида бизга ёрдам бермоқчи бўлганлар оз эмасди, аммо юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, уларнинг кўпларига «Раҳмат, қуллуқ» дейилган.

Макон ва замонидан қатъи назар, давлатлараро ҳамкорлик алоқалари ҳаминша ҳам зарур ва буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бундай алоқалардан ҳар икки томон баб-баробар манфаат кўриши керак. Бугун, Марказий Осиёга эътибор жуда ҳам катта. Аммо бу минтақага бундан буён ҳам арзон хом ашё, арзон ишчи кучи, демакки мўмай даромад манбаи деб қараш ўзини оқламайди.

Бу мулоҳазаларни жуда куюнчаклик билан айтдим ва мени самимий тинглашаётганини сезиб, фикримда давом этдим: «Шўролар замонида ўлкамиз собиқ марказнинг тажриба-синов майдонига айланиб қолган эди. Биз бундай ҳолат яна такрорланишини мутлақо истамаймиз. Ўзбекистонга янги, илғор технология, замонавий лойиҳалар, истиқболли таклифлар, ишончли ҳамкорлар керак. Париждаги машҳур «Тати» магазини пештахталарида қалашиб ётган арзон-гаров, ўтмас матоҳлар мутлақо зарур эмас, дедим. Бу гапларим жиддий мунозарага сабаб бўлди. Лекин фикримда қаттиқ турдим. Анжумандан кейинги бир йиғинда баҳсимиз қизгин тусда яна давом этди. Асли боқулик муҳандис Манучар оға бир гапни алоҳида уқдиради: «Дунёга чиқиш осон эмас, ҳамма ўзи билиб ҳаракат қилиши керак, имкониятларини ишга солиши зарур...» Бу гап кўпчиликка маъқул бўлди.

Ривожланиш йўлига кирган у ёки бу давлатни қўллаб-қувватлаш хусусида гап борар экан, кўпинча, хўш, бу мамлакатнинг нимаси бор ўзи, у ерда нима иш қилиш мумкин, нима олса бўлади, деган саволлар юзага чиқади. Афсуски ҳозир ҳам Ўзбекистон дейилса, кимларнингдир кўзига оппоқ пахта, тилла, ипак, арзон ишчи кучи ва бошқа моддий бойликларимиз кўринадди.

Саёҳат режасига кўра машҳур «Монд» газетасининг «Ла монд дипломатик» ҳафталик иловаси таҳририятида бўлдим. Ҳамкасбларим иши билан танишдим. Бутун

жараён замонавий компьютерлар зиммасига юкланган. Ахборотлар тез ва қисқа тайёрланади. Оддийгина бир хабарда ҳам асосан мавзу моҳияти очиб берилади. Бизнинг матбуотдагига ўхшаб, фалон жойда фалон цех ишга тушди ёки фалон жойлик деҳқонлар экин-тикин ишларини якунладилар, деган гап мутлақо йўқ.

Ўзаро суҳбатлар чоғи бир нарсага амин бўлдим. Ҳамкасбларим дунёнинг можароли нуқталарини, уруш ҳаракатлари бораётган минтақаларни, низо ўчоқларини яхши билишади, ҳамма нарсадан хабарлари бор. Аммо тинч-тотув жойларга эътиборлари кам. Бунга сабаб шуки, халқаро журналистика қаерда можаро чиқса, бутун диққат-эътиборини ўша ёққа қаратади, бошқа ҳудудларга аҳамият бермайди. Суҳбатдошларимга собиқ Югославияни мисол келтирдим. Мана, неча йилдирки, матбуотда эълон қилинаётган ҳар икки хабарнинг биттаси шу ҳудудга доир. Холбуки, бу ердаги сиёсий, ижтимоий ва бошқа тангликларнинг илди-зи анча олисга бориб тақалади. Матбуот воқеа-ҳодисалар ривожини бошқаларга нисбатан аввалроқ сезиши ва бу хусусда аввалдан фикр билдириши лозим эмасми?!

Шарқ тиллари ва маданияти институтида таълим олаётган талабалар билан танишувимиз ҳам қизиқарли мунозарага сабаб бўлди. Эътибор берганим, талабалар орасида ёши олтмишдан ошган кексалар ҳам бор. Бутунлай бошқа соҳаларнинг одамлари. Аммо бугун улар қадим Туркистон тарихини, маданиятини, урф-одатларини фавқулодда иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Худди бошланғич синф ўқувчиларидай, уй вазифаларини қунт билан бажаришади, тушунмаган нарсаларини қўл кўтариб сўрашади. Хатоларини кўрсатсангиз, оғринмай қабул қилишади. Дунёни англаш, турли миллат ва элатлар ҳаётига қизиқиш уларни маънан ёшартириб юборган десам, муболаға бўлмайди.

Қисқа маърузани тугатишим билан савол-жавоб бошланиб кетади. Тингловчиларни мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча соҳалари бирдай қизиқтиради. Саволларнинг кўпи мамлакатимизда мусулмонлар ҳаёти, янги жамиятнинг уларга муносабати тўғрисида бўлди.

Рождество таътили арафасида «Албамисел» нашриётида бўлдим. Мудира Люси Катала хоним ёзувчи Тўлепберген Қаипбергеновнинг янги китоби нашрга тайёрланаётганлигини айтди. — «Тарихий мавзуларда ижод қилаётган ўзбек ёзувчилари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг янги асарлари ҳақида маълумотлар керак», дейишган эди, мен уларга биобиблиографик маълумотлар тўпламини ҳадя қилдим. «Галлимар» нашриётида бугунги ўзбек шеърияти анталогиясини француз тилида, француз шеъриятининг энг яхши намуналарини Тошкентда ўзбек тилида чоп этиш бўйича фикр алмашдик. Айни шу нашриёт Алишер Навоий ҳамда Машраб ғазалларини ҳамюртимиз Ҳамид Исмоил таржимасида француз тилида чоп этган. Кейинчалик Терри билан шаҳар айланиб юриб, китоб дўконидан шу китоблардан бирини, аниқроғи Машраб ғазаллари тўпламини салкам 8 долларга сотиб олдик.

Тошкентга қайтгач, кўрган-кечирганларимни хаёлдан ўтказар эканман, бир нарсага такрор-такрор амин бўламан. Инсон қаерда, қайси жамиятда ва қандай шароитда яшамасин, нечоғли бой-бадавлат бўлиб кетмасин ёки баланд мартабаларга кўтарилмасин, барибир, янада яхшироқ, мазмунлироқ яшашни, унга нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрлик бундан-да салмоқли бўлишини истайди. Бу дунёда ҳали ҳеч кимнинг орзу-умидлари тўла амалга ошмаган, дейиш мумкин. Шри Ланка оролида одамлар уй-жой, кийим-кечак ва озиқ-овқат ташвишисиз яшайдилар. Ёмғир вақтида ёғса, дарахтлар мева тугса, касал бўлиб қолмасалар бўлди. Шунинг ўзи катта бахт. Ривожланган ғарб давлатларида инсон фароғати учун ақлга сиғдириш мумкин бўлган деярли барча шарт-шароит муҳайё. Аммо бу ҳолатга бизнинг кўзимиз билан қараганда таажжубли жойи шундаки, шароит нечоғли мукамал бўлмасин, инсоний майллар ҳам тинимсиз ошиб бораверар экан. Ҳеч ким бас, етар энди, демас экан. Бу ҳолатни ожиз бандаларнинг ожизлиги десак тўғри бўладими ё бу ҳам ҳаётга бўлган иштиёқнинг бир кўринишими?!

БОТҚОҚ УСТИДАГИ МУЪЖИЗА

Учар тарелка

Очиғини айтсам, қаерда сафарда бўлмайин, албатта, бир ҳангома бўлмай қолмайди.

Биринчи ҳангома Москванинг Шереметьево аэропортидаёқ бошланди. «Баҳор» ансамблининг зил-замбил юкларини бир-биримизга кўмаклашиб автобусдан пастга туширдик. Аэропорт диктори «Нарсаларингизни нотаниш кишиларга ишониб қолдирманг», дея такрор-такрор огоҳлантирмоқда. Бир маҳал қарасам, каминанинг чуваккина чамадони қўйган жойимда йўқ. Бизни меҳмонхонадан бу ерга олиб келган автобус бўлса аста орқасига тисарилиб қайтиб кетяпти. Ҳай-ҳайлаб зўрға тўхтатиб қолдик.

Сал аввалроқ Москва газеталари Шереметьево аэропортида содир бўлаётган ғаройиб ўғирликлар ҳақида ёзишганди. Аэропортнинг нопок ходимлари хорижлик сайёҳларнинг чамадонларини очиб, қимматбаҳо буюмларини гумдон қилишар экан. Шарқ мамлакатлари раҳбарларидан бирининг рафиқаси Лондондан қайтаётиб Шереметьевога қўниб ўтган экан, уйига бориб қараса, ярим мол-мулки йўқ эмиш... Аэропортдаги ўғрилар мулкдор сайёҳларни тунашда компьютерлардан фойдаланишни йўлга қўйишибди. Вой, қўлинг дард кўргурлар-ей.

Менинг чамадонимда нима ҳам бўлиши мумкин: зарур кийим-кечак, бельгиялик дўстларга аталган совға-салом ва яна... озроқ қуруқ мева.

Ҳайдовчи йигит бир оз асабийлашиб бўлса-да, пастга тушди. Автобуснинг ҳар иккала биқинини очиб кўрдик. Йўқ.

— Шерикларингиздан сўранг, балки ичкарига олиб киришгандир, — дейди у норози оҳангда.

Югуриб ичкарига кираман. Тумонат одам, тумонат чамадон. Югуриб қайтиб чиқаман. Чунки гуруҳимиздан ҳали ҳеч ким ичкарига киргани йўқ. Чамадоннинг оёғи йўқки, қизиқсиниб ўзи кириб кетган бўлса.

Ҳайдовчи йигит билан деярли зардали оҳангда гаплашамиз. Баҳсимизга созандалар аралашади. Негаки улар «Баҳор» билан бирга жаҳоннинг қирқдан ортиқ мамлакатада бўлишган, Шереметьевонинг бундай «қилиқларини» бир неча бор бошларидан кечиришган. Гармончи Муҳаммаджон автобусни яхшилаб кўздан кечирдию чамадонни топди. Ё раббий, ҳали оёғи йўқ дегандим, бор экан. Бўлмаса, автобус биқинидаги ғаладондан орқа ғаладонга ўта олмас, «совқотиб» устига шофёр йигитнинг яғири чиқиб кетган фуфайкасини ёпиб олмас эди. Кўзлари жовдираб турган ҳайдовчига «Ҳой, ноинсоф, бу нима қилганинг?» демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаганимда, бизни ичкарига таклиф қилиб қолишди...

Ҳаво очиқ. Улкан ҳаво лайнери оҳиста тебраниб бормоқда. Кеча кечқурун меҳмонхонада харид қилган газеталарни варақлай бошлайман. Учар тарелкалар, ўзга сайёралардан келган ғаройиб «меҳмон»лар тўғрисидаги шов-шувли хабарлар. Ишониш қийин. Аммо уларни кўрганлар, ҳатто мулоқотда бўлганлар бор экан! Коинотнинг қайси бир гўшасидан келган номаълум объект болалар боғига келиб кўнибди, кўнаётиб дарахт пўстлогини шилиб юборибди, битта ўзга сайёралик, бир оз шилқимми дейман, ўғилчасини боғчага етаклаб кетаётган ҳамшира қизга кўзини қисибди, томга ўтириб олиб ҳовлини обдон кузатибди... Эҳ-ҳе, буларга ишонмай кўринг-чи.

Чуқур хаёлга чўмиб бораётган эканман, худди биров «Бу ёққа бир қаранг, бир қаранг-а, биродар», дегандай бўлаверди. Аввалига эътибор бермадим. Сал ўтмай бу ҳолат яна такрорланди. Ички бир овоз «Сизга айтаяпман, қарасангизчи», деди. Иллюминатор ойнаси томон ўтирилдиму аъзойи баданим увишиб кетди. Учар тарелка! Ё худо, ўз кўзим билан кўриб турибман-а. Юрагим гупиллаб ура бошлади. Лопиллаб келишини қаранг. Мана бунга мўъжиза деса бўлади. Вужудимни қўрқув қоплади. Самолётга зиёни тегса нима бўлади?

Улкан ҳаво кемаси билан басма-басга учиб келаётган номаълум объект тасвирини ён дафтаримга тушира бошладим: ранги кумушсимон, узунлиги 10—12 метр, эни 2—3 метр келади. Уч жойи бўртиб чиққан. Маржондай тизилган майда тешикчалари шундоққина кўриниб турибди. Маккорлигини қаранг: булутларга яқинлашганида гоҳ оқариб, гоҳ қорайиб, тусини ўзгартиради. Четидаги қизил ҳошия ўчиб-ёниб турибди. Афтидан биз ҳақимизда бошлиқларига сигнал бераётган бўлса керак. Мана булари нима? Ҳа, илгакчалар. Бизнинг «6», «9» рақамларимизга, «Ж» ҳарфига ўхшаб кетадиган аллақандай фаройиб белгилар. Самолёт пастласа — пастлайди, баландласа — баландлайди, бурилса — бурилади.

Менга ишонмасликлари мумкин, бошқаларни ҳам бу фаройиботдан хабардор қилиб қўяй дедим-да, қарама-қарши томондаги ўриндикда мудраб келаётган Муҳаммадjonни уйғотмоқчи бўлдим. Бўлдим, ёпирай, у томонда ҳам... Э, содда бўлмай кетай, самолётнинг қаноти экан-ку.

Тўғриси айтсам, бу воқеани ошкор қилмоқчи эмас эдим. Аммо биз Бельгиядан қайтгач, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас мамлакат осмонида чиндан ҳам учар тарелкалар пайдо бўлибди. Бу ҳақда деярли барча газеталар ёзишди.

Оврўпонинг юраги

Бельгия тўғрисида ёзиш ҳазилакам иш эмаслигини сафаримизнинг биринчи кунлариёқ тушуниб етганман. Бунинг боиси шуки, бизнинг фарб тўғрисидаги тасаввуримиз бутунлай бошқача. Бу ердаги ҳаётни йиллаб кузатган, ўз кўзи билан кўрган, билган кишилар ҳам ҳақиқатнинг оғзига тош бостириб, «капитал дунёси чириб, емирилиб бормоқда», дея тинимсиз такрорлайверишган. «Зангори экран» орқали намоёишу ғалаёнларни, силласи қуриган очларни ҳўб томоша қилганмиз. Мана энди, деворлар қулаб, пардалар кўтарилгач, ўзимизга ҳам, кўзимизга ҳам ишонмай ўтирибмиз. Шууримизга сингдирилган, мутлақ ҳақиқат дея уқдирилганларнинг кўпи, ҳурмат билан айтганда, сароб бўлиб чиқди.

Брюсселни томоша қилар эканман, наҳотки бу кўчалардан бирорта ҳамюртимиз, бирорта ҳамкасбимиз ўтмаган, бозорга, магазинларга, ҳеч бўлмаганда қассобхонага кирмаган, кўрмаган бўлса, деб ўйлайман.

Йўқ, ғарбни кўриб ҳангу манг бўлиб қолдик, оғзимиз ланг очилиб қолди, жаннатнинг ўзи экан, э, жаннат нимаси, ундан ҳам зўр экан, демоқчи эмасман. Ҳамма ернинг ҳам ўзига яраша тош-тарозиси, паст-баландликлари, иссиқ-совуғи бор. Бельгияда ҳам шундай. Чунки инсоннинг ҳаётий муаммолари ҳали ҳеч қаерда тугал ҳал қилинган эмас. Аммо ўша тошу тарози деганлари ҳар хил бўлар экан. Камчилик камчиликка, муаммо муаммога ўхшамас экан.

Кортрейк шаҳри маъмурларидан бирини саволга тутдим.

— Сизларда энг муҳим муаммо нима?

— Энг ўткир, бир неча йиллардан бери ҳал бўлмаётган муаммоми? — сўради у ва жавобимни ҳам кутмай деди:

— Шундай муаммо бор. Ниҳоят ўткир. Ҳукумат ҳал қилиш йўллари излапти, мутасаддилар бош қотиришяпти. Аммо ҳозирча натижа йўқ. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, билмадим, яна уч-тўрт йилдан кейин нима бўлади...

— Нима экан, ўша муаммо, — бетоқат бўлиб сўрайман.

— Нима бўларди, шахсий машиналар тўхтайдиган жой масаласи-да, — деди у қувлик билан. — Ҳар оилада камида иккитадан машина, қўйишга жой йўқ. Қаранг, кўчанинг икки томонига турнақатор қилиб тизиб ташлашган. Жойни бошқалар эгаллаб олишмасин, деб менинг ўзим ҳам ишга бир соат олдин отланаман.

Кўп ўтмай, бу муаммони ўзимиз ҳам бошимиздан кечирдик. Биз тушган автобус Шарлеруа шаҳрига қоқ туш пайти етиб келди. Ҳайдовчи шаҳар марказини икки бор айланиб чиқди ҳамки, тўхташ учун бўш жой топа олмади. Полициячига мурожаат қилишга тўғри келди. Йигирма кун ичида биз учратган яккаю ягона посбон йигит икки-уч чақирим наридан аранг жой топиб берди.

Бельгияни гарбий Европанинг юрагига қиёслаш мумкин. Аҳолиси салкам 10 миллион кишидан иборат. Дунё харитасига кўз ташласангиз кафтдеккина жой — ўттиз ярим минг квадрат километр майдон тўққизта вилоятга, вилоятлар эса мавзе ва коммуналарга бўлинган.

1830 йилнинг 4 октябри куни Бельгия мустақил деб эълон қилинган. Ўтган йиллар ичида мамлакат ўз бошидан не-не кунларни кечирмади, дейсиз. Қадим Фландрия тупроғи неча бор француз, испан, инглиз суворийларининг туёқлари остида қолди. Турли битимлар, шартномалар, давлат бошлиқларининг ўзаро аҳдлашувлари туфайли ёхуд қилич зўри, замбарак дағдағаси билан бўлиниб-бўлиниб кетди. Фландрияликлар босқинчиларга қарши курашиб чарчамадилар. Антверпен, Гент, Брюгге каби қадимий шаҳарларнинг фуқаролари яқдил, ҳамжиҳат бўлиб талончиларни неча бор мамлакатдан қувиб чиқаришди. Аммо тинчлик узоққа чўзилмасди. Брюггенинг серҳашам иморатлари, салобатли обидалари, Антверпендаги битмас-туганмас бойликлар, Гентнинг дунёга машҳур тўқимачилик саноати, қўли гул усталари ён қўшнилари деярли уйку бермасди. Бунинг оқибатида бир босқинчи ўрнини иккинчи босқинчи эгаллар, зулм давом этар, талончилик юришлари сира тўхтамасди.

Эндиликда буларнинг ҳаммаси мўъжазгина мамлакатнинг буюк тарихига айланиб қолди.

Бельгия давлат формасидаги конституцион монархия ҳисобланади, яъни давлат қонун билан бошқарилади. Қонунлар Қирол ва Парламент томонидан биргаликда чиқарилади. Улар ижросини эса Қирол тайинлаган вазирлар амалга оширадилар. Парламент вакиллар палатаси ва сенатдан иборат. Депутатлар 4 йил муддатга сайланадилар.

Мамлакатда бир неча партиялар мавжуд. Социалхристиан партияси йирик ва ўрта молия буржуазияси, монархия тарафдорлари ҳамда диндорларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Либерал партия билан озодлик ва тараққиёт партиялари эса буржуазия вакиллари турли қатламлари, зиёлилар манфаатларини ифодалайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида Бельгия ўзини бетараф деб эълон қилади. Шунга қарамай 1940 йилнинг 10 майида фашистлар Бельгияга бостириб киради. Армия босқинчиларга қарши кураш бошлайди. Аммо қирол Леопольд III қўрқиб кетиб, капитуляция тўғрисидаги актга қўл қўяди. Орадан тўрт йил ўтгач, инглиз ва Америка қўшинлари Бельгияни озод қилдилар.

Бельгияликлар асосан икки тилда — фломанд (қадим нидерланд тилининг бир лаҳжаси) ва француз тилларида сўзлашадилар. Бунинг боиси шуки, кўҳна Фландрия узоқ вақт французлар таъсирида бўлган. 1214 йили озодлик жанглигида инглиз-герман-фломанд қўшинлари француз рицарлари томонидан шафқатсизларча қириб ташлангач, ғолиблар мамлакатда ўз тартиб-қоидаларини ўрнатдилар. Француз тили расмий муомала тилига айланди. Аммо фломанд халқининг озодлик кураши бир муддат ҳам тўхтамади. 1715-1791 йиллари Австрия императорлари маҳаллий губернаторлар орқали мамлакатга ҳокимлик қилишди. 1791 йили яна французлар келишди. Оғир жафоларни бошидан кечирган халқ уларни халоскорларимиз, деб қарши олди. Халоскорлар бўлса Бельгияни Францияга қўшиб олишди. Наполеон Россиядан шармандаларча ҳайдалгач, яна озодлик шабадаси эса бошлади. Фломандларнинг миллий-озодлик кураши ғалаба билан якунланди. Деярли унутила бошланган фломанд тили, фломанд урф-одатлари қайтадан тикланди. Тил миллатнинг буюк мулки бўлиб қолди.

Бугунги кунда Бельгия ривожланган, пешқадам мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ягона давлатга бирлашган валлонлар ва фломандларнинг жамики урф-одатлари, рамзлари, илдизлари олис мозийга бориб тақаладиган миллий қадриятлари сақлаб қолинган. Бу юртни қадимий эҳромлар, муқаддас ибодатхоналар, салобатли саройлар ва яна замонавий музейлар юрти деб ҳам аташ мумкин. Буларнинг ҳаммаси миллий бойлик, миллий ифтихор, миллий ғурур ҳисобланади, кўз қорачиғидек асраб-авайланади. Уларни таъмирлашга шаҳар ва коммуналарнинг энг моҳир усталари жалб этилади.

Мамлакат иқтисодининг юксалиши унинг жуғрофий ўрни билан узвий боғлиқ, дейишади. Бу гапда жон бор. Бельгия Англия, Франция, Голландия, Люксембург ва Германиянинг қоқ ўртасида жойлашган. 1957 йили мазкур мамлакатлар Бельгия билан биргаликда ўзаро иқтисодий алоқаларни кучайтириш мақсадида Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этдилар. Ҳамжамият аъзолари учун боғжоналарнинг қатор чеклашлари бекор қилинди. Четга мол сотиш, четдан мол харид қилишнинг қулай ва манфаатли йўллари белгиланди. Брюссель ғарбий Европанинг савдо-иқтисодий алоқалар марказига, «Умумий бозор»нинг маъмурий ва молиявий штабига айланди.

Бельгияда ишлаб чиқиладиган юздан ортиқ маҳсулот турлари асосан ташқи бозорда пулланади. Четга гилам, олмос сотиш бўйича жаҳонда биринчи, автомобиль савдосида бешинчи ўринни эгаллайди. Бельгияликлар хорижий бозорларни нефть ва полимер маҳсулотлари, кимёвий ўғит, мебель, ойна, алюминий, синтетик тола, қоғоз, қурилиш материаллари, реакторлар, турбиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар билан ҳам таъминлайдилар.

Мамлакат ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпроғи ташқарида сотилади. Миллий даромаднинг олтмиш фоизи ташқи савдодан тушади. Тўқимачилар, ойнасозлар, металлурглр ўз маҳсулотларининг 80 фоизини экспорт қилишади.

Бельгияни замонавий савдо карвонлари кўниб ўтадиган улкан саройга, ҳосил улашиладиган тақсимжойга ўхшатиш ҳам мумкин. Антверпен, Зеербрюгге ва Гент портлари бу қиёсга айни мос келади. Бир вақтлар Наполеон Антверпенни «Англияга қаратилган тўппонча», деб атаган экан. Император нимага шаъма қилганлиги маълум. Аммо бу қадимий шаҳар ҳеч қачон бировга қарата ўқ отган эмас. Шельда дарёси «Умумий бозор»нинг жон томирларига ўхшаб кетади.

Брюссель ва бошқа шаҳарларда 1250 дан зиёд халқаро ташкилотларнинг бош ваколатхоналари, кўпгина йирик банклр жойлашган. Мамлакат иқтисодиётининг изчил ривожланишида уларнинг ҳиссаси катта.

Мамлакатда тўқимачилик саноати, айниқса, ривожланган. Ҳар йили ўтказиладиган йирик кўرғазмаларга Париж, Лондон, Дюссельдорф, Милан ва бошқа шаҳарларнинг нуфузли ишбилармон вакиллари келишади. Улар француз ва инглиз хонимлари, Германия ва италиялик мода ишқибозлари дидига мос тушадиган кийим-кечакларни харид қиладилар. Рақобат жуда ҳам кучли, аёвсиз. Аммо бичиқчи ва тикувчилар харидорларнинг кўнгил майлларини, бозор об-ҳавосини, талаб ва эҳтиёжни аниқ ҳисобга оладилар.

Нархни маҳсулот эгасининг ўзи белгилайди. Юқоридан биров кўрсатма бермайди. Битта бўйинбоғ Брюсселда 1800—2000 франк туради. Худди шу пулга Актверпенда 2х3 ўлчамли чиройли гилам сотиб олиш мумкин. Франк тўғрисидаги тасаввурингиз аниқ бўлиши учун битта мисол келтираман: созандаларимиздан бири шамоллаб қолди. Люксембургдаги ресторанлардан бирида ундан бир стакан қайнатилган сут учун 140 франк ундиришди.

Товар баҳоси қатъий эмас. Битта кўйлак 300 франк. Икки дона харид қилсангиз 280 франкдан, уч-тўрт дона олсангиз ҳар бирига 250 франк тўлашингиз мумкин. Шундай деб ёзиб қўйилган. Мақсад — маҳсулотни пуллаш, пулнинг тинимсиз ҳаракатини таъминлаш.

Брюссель бозорида шундай воқеа юз берди. Айла-ниб юриб, кийим-кечак растаси олдидан чиқиб қолдик. Раққоса қизлардан бири ўзига кўйлак танлади. Аммо савдо энди пишаётганида кўйлакнинг бир енгида билинар-билинемас нуқсон борлиги маълум бўлиб қолди. Яъни рангли чизиқлар симметрияси у қадар тўғри тушмаган экан. Қарангки, буни харидор эмас, сотувчининг ўзи пайқаб қолди. Ўз ихтиёри билан кўйлак баҳосини тўртдан бирга камайтирди. Энди пул саналаётганда магазин хўжайини келиб савдони бузди. Хўжайин ичкаридан кўйлакнинг бошқа нусхасини олиб чиқди. Энг қизиғи, бенуқсон нусхани ҳам йигирма беш фоиз арзонга сотди!

Хурсанд бўлиб ташқарига чиқдик. Йўлбошловчи тушунтиради: битта нуқсонли кўйлак туфайли фирма ёмонотлиққа чиқиши мумкин.

Ботқоқ устидаги шаҳар

Бир қарашда, Европа шаҳарлари бир-бирига ўхшаб кетади. Мозий нафаси сақланган кўҳна иморатлар, янги замонавий бинолар, ранго-ранг реклама, магазинларнинг тирбанд пештахталари, саёҳатчилар...

Брюссель ҳам шундай. Европага хос «ўжарлик»: шаҳарни бир ҳафта айланиб юриб ҳам иккита бир хил, айнан ўхшаш бинони топа олмайсиз. Реклама кўзингизни қамаштиради. Қаҳвахоналар гавжум. Пивофурушларнинг қўли қўлига тегмайди. Қаёққа қараманг — енгил машина. Улар ҳам худди бинолардай: иккита бир хилини учратиш қийин.

Брюссель чеккасидаги машҳур Хейзел кўргазмалар комплексида жаҳон миқёсида илмий-техника ютуқлари намойиши бўлиб ўтади. Бу воқеага бағишлаб қурилган иншоотлардан бирининг номи Атоимум. У атом таркибининг кашф этилишига бағишланган. Бизга айтишларича, Брюсселни билмоқчи бўлган киши, албатта мана шу улуғвор бинонинг энг баланд молекуласига кўтарилиши керак экан. Очиги, бундай бахт бизга насиб этмади. Аммо делегациямиз таржимони Бахтиёр Абдурахмонов, кинооператор Саидботир Аҳмадхўжаев билан биргаликда шаҳарнинг катта-кичик кўчаларини, мўйқалам соҳибларининг улкан полотноларига ўхшаб кетадиган мовий хиёбонларини, бозор ва расталарини, қадимий иншоотларини хўб томоша қилдик. Пўрим қадди-қомати билан бошқалардан ажралиб турган Европа Иқтисодий ҳамжамиятининг маъмурий биносини, Леопольд III номи билан аталувчи кўчада жойлашган НАТО штаб-квартирасини, камбағаллар, муҳтожларнинг жанубий вокзал атрофидаги ночор уйларини кўздан кечирдик. Бизга ҳамроҳлик қилаётган Марриэт хоним: «Шаҳримиз ифлосланиб бормоқда», деди. Машиналар кўп, ҳаво оғир бўлиши мумкин. Аммо биз буни сезмаймиз.

Биздан Тошкент тўғрисида сўраб қолишди. Бельгияликлар учун наинки Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Фарғона водийси, балки бутун Ўзбекистон, ўзбеклар, Марказий Осиё халқлари тўғриси-

даги энг оддий маълумотлар ҳам янгилик. Очигини айтсам, меҳнаткаш халқ биз ҳақимизда деярли кам билади.

Тошкент, Самарқанд каби Брюсселнинг ҳам қадим тарихи бор. Бизга айтишларича, «Брюссель» сўзи «Бот-қоқ устидаги шаҳар» маъносини берар экан. XII асрда бу ер савдо йўллари утадиган улкан чорраҳа бўлган. Нақл қилишларича, бўлажак шаҳарнинг биринчи биниси пойдеворига қўй ва эчки терилари ёпилган.

Бугун Брюссель ўз ўтмишини яхши эслатади. Шаҳар қиёфасида тош ўймакорлиги, тош ҳайкаллар муҳим ўрин эгаллайди. Брюсселни Европанинг юраги дейиш билан бирга амалдорлар, муҳожирлар, сиёсатдонлар, молиячилар, саёҳатчилар шаҳри деб ҳам аташ мумкин. Баъзи мамлакатлар бу ерда икки-учтадан ваколатхонага эга.

Бельгияда бир миллиондан зиёд муҳожир яшайди. Тирикчилик пайида Африка шимолидан бу ерга келиб муқим яшаб қолган турли миллат вакиллари ҳукуматдан ишсизлик нафақаси оладилар. Улар учун махсус ошхона, қаҳвахоналар мавжуд. Маризет хоним билан суҳбатлашар эканмиз, гапимиз ўзбек халқининг болажонлигига келиб тақалди.

— Бизда туғилиш ғоят кам, — дейди у бепарвогина. — Битта оилага чоракам битта бола тўғри келади. У ҳам асосан африкаликлар ҳисобига.

— Бу жуда ташвишли-ку, — дейман ҳайратланиб.

— Ҳа, ташвишли, — маъюс жавоб қайтаради у.

Муҳожирлар ҳаётига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Сафар арафасида москвалик журналист Владислав Дробковнинг «Йўллар, маданиятлар ва тарих чорраҳаларида» номли тўпламини ўқиб, бу ҳақдаги муҳим маълумотларни ён дафтарчамга қайд этиб қўйган эдим. Мана ўша, муҳожирлар истиқомат қиладиган Жанубий вокзал. Брюсселнинг бу бурчагида Ўртаер денгизи атрофидаги мамлакатлар халқлари ҳаётига оид урфодатлар, турмуш тарзи ҳукмрон. Эркаклар хотиржам, аёллар бўлса анча тўлишиб кетган қадди-қоматларига қарамай югуриб елишади. Тирикчилик ташвишлари ҳали бошларига тушмаган болалар бўлса тўп-тўп бўлиб чопиб юришибди.

Ҳукумат муҳожирлар тўғрисида ғамхўрлик қилади. Аммо улар эҳтиёжларини тўла қондириш мушкул иш. Чунки мусофирларнинг кўпи эски, қулаб бораётган уйларда, тор хоналарда истиқомат қилишади.

Брюссель оқшомини кузатаман. Кеч соат олтилар бўлмай қоронғилик туша бошлайди. Кўчаларда ҳаракат сийракланади. Дўкандорлар дарпардаларни туширадилар. Вазмин жимжитлик ҳукм суради. Хаёлни бўлади-ган садо йўқ. Шаҳар эртанги кун ташвишларини ўйлаётгандек...

Шаҳар ҳаёти сокин кечади. Биров бировга халал бермайди. Ҳамманинг ўз йўли, йўлаги бордай. Йиллар, ўн йилликлар давомида шаклланган ўзига хос турмуш тарзига бирон-бир ўзгариш киритиш қийин.

Бизни ҳайратга солган нарса — муомала маданияти десам, хато бўлмас. Одамлар ўзаро меҳрибон, мулоим, суҳанлари ёқимли. Бақир-чақир, туртиниш-суртинишларни кўрмаймиз. Дўкандорлар харидорларни ҳамиша очиқ чеҳра билан қарши олишади, молларини қиёмига етказиб мақташади. Марказий Осиёдан борган саёҳатчилар асосан арзон-гаров нарсаларни қидирадилар. Олмасангиз хафа бўлишмайди. Аксинча, яна кириб туриш, дея совға-салом ҳам улашишади.

Ўзбекчани биласизми?

«Баҳор» ансамблининг биринчи концерти бельгияликлар «Сите ардент» — ажойиб шаҳар деб атайдиган Льежда бўлди. Ҳаммамиз ҳаяжондамиз. Биз учун махсус ажратилган автобусда Мёз дарёси ёқалаб бораёلمизу хаёлимиз кечки концертда. Созандалар ансамбль ижросидаги биринчи куйни хиргойи қилишмоқда. Қадимги шоҳ саройларини эслатувчи гўзал Намюр шаҳри ортда қолди. Чор-атроф деярли мовий ўтлоқлардан иборат. Дарё гоҳ ёйилиб, гоҳ торайиб боради. Мариэт хоним: «Мана бу жажжи шаҳарчага қаранглар,— дейди, — номи Юн. Унга суқланиб тикиламиз. Шаҳар худди ҳозиргина артиб тозалангандай саранжом-саришта.

Льеж — саноат шаҳри. Транспорт тармоқлари яхши ривожланган. Қурул-аслаҳа, машинасозлик, кимё, қури-

лиш материаллари заводлари билан машҳур. Альберт номи билан аталувчи 130 километрли канал шаҳарни йирик Антверпен порти билан боғлайди ва Шимолий денгизга чиқиш имконини беради.

Шаҳарнинг марказий кўчаларини кезамиз. Ҳашамдор майдонлар, ўрта асрлардан бери сақланиб келаётган архитектура ансамбллари, турли услубларга хос минора ва ибодатхоналар завқимизни оширади. Металл ва прокат ишлаб чиқариш бўйича Европада машҳур «Коккерил Самбр» концерни шу ерда туғилган. Льежлик шиша усталари ўз маҳсулотларини Европанинг деярли ҳамма мамлакатларида, АҚШ ва Японияда, Лотин Америкасида сотадилар.

Льежлик суҳбатдошларимдан бирининг айтишича, шаҳар тарихи қирғин-барот урушлар, вайроналиклар, беаёв ёнгинлардан иборат. Минг йиллик тарих давомида «Сите ардент» неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турган, қўшни қиролликлар ўртасида хомталаш бўлган. Аммо ҳар гал аҳоли минг азоб-уқубатлар билан шаҳарни қайта тиклаган.

Льеж тарихини шу билан якунлаш инсофдан эмас. Мамлакат мустақилликка эришгач, шаҳар ҳаёти янги-ча изга тушган. Оддий халқ орасидан ажойиб санъаткорлар, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар етишиб чиққан. Улар орасида Рим папалари — Етьен IX, Николас III, жаҳонга машҳур қалам соҳиби, комиссар Мэгре тўғрисидаги ажойиб саргузашт романлар муаллифи Жорж Сименон бор.

Биринчи концерт муваффақиятли ўтди. Дўстлик жамияти фаоллари ўзбекистонлик санъаткорлар билан бўлган учрашувни байрамга айлантириб юборишди. Юртимизга бўлган самимий муносабат раққоса қизларни, созандаларни ҳам руҳлантирди.

Концерт бошланишига ярим соат чамаси қолганида ажойиб воқеа юз берди. Делегациямиз раҳбари Сурат ака Мирқосимов: «Аҳмаджон, дафтарчангизни очинг, янгилик бор», деб қолди. Иккаламиз томоша залидан чиқиб миллий санъат намуналари намойиш этилаётган жойга бордик. Истараси иссиққина мулоқим аёл ўзини Лидия Викторовна Беляева деб таништирди.

— Мен сизларни Бельгияда истиқомат қиладиган ҳаммиллатингиз билан таништираман, — деди Лидия Викторовна. Дедию сўзлари бўлинди. Баланд бўйли киши кўзларида дув-дув ёш билан бизни бағрига босиб кўриша кетди.

Лидия Викторовна изоҳ беради:

— Ботир Атраҳмонов. Аслида Раҳмонов, ўзбек, Қашқадарёнинг Китоб туманидан. Урушда ярадор бўлиб асирга тушиб қолган. Фашистлар Германияга ҳайдаб кетишади. 1944 йили ҳарбий асирлар қаторида Бельгияга келтирилган. Босқинчилар уларни энг оғир шахталарга ташлайдилар. Қанча-қанча одам оғир касалликка дучор бўлиб ўлиб кетади. Ёлғизлик, тил билмаслик, эрта тонгдан қора тунгача кўмир қазиш ҳазилакам машаққат эмас. Аммо Ботир ҳаммасига чидайди. Ёруғ кунлар келишини, Ватанига қайтишни, туғилиб ўсган Панжи қишлоғига бир кунмас бир кун кириб боришни, ёр-биродарлари билан дийдорлашишни умид қилади.

Ботир аканинг бошига дўппи кийгизиб, эгнига қийиқ боғлаймиз. Совға-салом берамиз. Аммо суҳбатимиз қовушмайди. Мен Ботир акага қараб: «Ботир ака яхшимисиз, Панжини соғинмадингизми, палов, кўк чой, кўпқарилар эсингиздан чиқмадимми?» дейман. Кейин бу сўзларни русчага ағдараман. Лидия Викторовна французчага ўгиради. Ботир ака французчалаб бир нималар дейди, нафаси тиқилиб кўз ёшларини артади. Лидия Викторовна яна таржима қилади.

Суҳбат давомида Лидия Викторовна бизни бельгиялик турмуш ўртоғи (улар асирликда танишишган) Дефан Хюбер билан таништирди. Дефан айтиб берган мана шу хотирани ўша ердаёқ қоғозга тушириб қўйгандим. «Қиролимиз кўрқоқлик қилиб, мамлакатни фашистлар қўлига топширди. Льеж шахталари маҳбуслар билан тўлиб кетди. Очиғини айтсам, босқинчилардан кўра ўзимизнинг жандармлар ваҳшийлашиб кетишли. Мен рус йигити Павел Кузнецов билан танишиб қолдим. У энгил яраланган эди. Уйимга олиб келиб яширдим. Аммо кўп ўтмай иккаламизни тутиб олишди. Павелга Германия армиясига хизмат қиласан, дейишган эди, рози бўлмади. Бечорани кўз олдимда отиб таш-

лашди. Мени бўлса кўз кўриб қулоқ эшитмаган азобларга солишди. Павелнинг суйган қизи Лидия билан уруш бошларида тушган сурати, соқол олгич асбобларини шу кунгача сақлаб келаман. Қариндош-уруғларидан бирор киши тирикмикан деб жойларга хат ёздим, аммо дараги чиқмади...

Биринчи концерт тафсилотларини, маданият кунларининг боришини, Ботир ака билан бўлган суҳбатимиз мазмунини қоғозга туширдим. Эртасига уни факс орқали Тошкентга узатдик. Дастлабки хабарим адабиёт газетасининг биринчи саҳифасида босилиб чиқди.

Сафардан қайтиб келгач, орадан икки-уч кун ўтиб-ўтмай редакцияга қашқадарёлик бир мўйсафид киши кириб келди. «Келинг, отахон», деб ўрнимдан туришимни биламан, «Ботир акамни кўриб келган сизмисиз», дея кучоқ очиб кўриша кетди. Эргаш ака билан узоқ суҳбатлашдик. Акасининг суратини бағрига босиб, кўзларига суриб томоша қилди. Кейинчалик у Льежга бориб, Ботир аканинг уйида бир ой меҳмон бўлиб қайтди.

Сафар чоғи нималар бўлмайди дейсиз. Эркин Воҳидов Калкуттани томоша қилиб юрганида, серкатнов кўчада бораётган машиналардан бири тўхтаб, шофёр йигит кабинадан бошини чиқариб: «Эркин ака, шу ерда туриб тулинг, ҳозир келаман», деб чақириб қолган экан. Бундан бир неча йиллар аввал Тошкентда чоп этилган болалар китобларини Прагадаги «Албатрос» нашриёти кўргазмалар залида ёзувчи Латиф Маҳмудов билан намойиш қилаётган эдик, бир йигит «Ассалому алайкум, хуш келибсизлар», деб сўрашиб қолди. Билсак, маҳаллий пиво институтида ўқиётган ҳамшаҳримиз экан. Булар, албатта, ўзимизнинг юртдошлар. Аммо Бельгияда бельгиялик йигит ўзбекчани қойиллатиб салом берса, сўзлашув чоғи биз аллақачон унутиб юборган энг нафис, бокира сўзларимизни ёдимизга туширса, ҳайратдан ёқа ушламай иложингиз йўқ.

Муболаға деб тушунманг. Маданият кунларига бағишланган тантанали маросим чоғида айни шундай бўлди. Кортрейкдаги киночилар уйининг муҳташам зали ўзбекистонлик меҳмонлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Театр биносида Баҳодир Жалолов асарлари намоиш этилмоқда. Маданий ёдгорликлар, ўймакорлик, кулолчилик санъати намуналари, миллий тақинчоқлар, либосларга қизиқиш катта. Қизларимиз меҳмонларни боғроғларимиз нозу неъматларидан тотиб кўришга таклиф этмоқдалар.

Бир пайт хушрўйгина ёш йигит: «Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, юртимизга хуш келибсизлар», деб олдимизга келди. Аввалига ўзимиз томондан бўлса керак, деб ўйладик. Аммо...

— Исмиим Йохан, фамилиям Вандевалле, бельгияликман, — деди у сўзини давом эттириб. — Брюгге деган шаҳарда туғилиб ўсганман. Тилингизга қизиқиб қолдим ва уни мустақил равишда ўргандим...

У шундай равон, нафис сўзлардики биз аввалига сеҳрлангандай туриб қолдик.

— Ўзбек тилидан ташқари араб, форс, тожик тилларини ҳам биламан. Ҳозиргача жаҳон халқлари тилларидан ўттиз учтасини ўргандим. Айни кунларда румин тилини мутолаа қилмоқдаман...

Ҳайратимиз чексиз эди. Йохан биз билан бир неча кун бирга бўлди. Туғилиб ўсган она юртига борганимизда йўлбошловчилик қилиб, Брюгге шаҳрини томоша қилдирди. Унинг ҳикоясини қоғозга тушириб бораётганман. Қадимий эҳромларга ҳайрат ила тикиламан. Аммо хаёлим бошқа ёқда. Наҳотки шунча тилни мустақил равишда ўрганган бўлса? Форсча ғазаллар ўқиса, араб имлосида машҳур хаттотлар каби дастхатлар битса?

Кортрейкка қайтгач, театр газакхонасида қўлимга микрофон тутиб узоқ суҳбатлашдик. «Э, қўйинг-е, жуда ошириб юбордингиз-ку», дегувчилар ҳам топилди қолиши мумкин, шу боис, суҳбатимизнинг бир қисмини видеолентага туширганмиз. Ўзбекистон ойнаи жаҳонда намоиш қилинган ўша суҳбатдан бир парча:

— Йохан, ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Ёшим йигирма тўққизда. Бельгияликман. Ҳали уйланган эмасман. Тил масалаларига доир компьютер программаларини ривожлантирадиган «Де вилде» фирмасида хизмат қиламан.

— Ўзбек тилига қандай қизиқиб қолдингиз?

— Биринчи бўлиб турк тилини ўрганганман. 13 ёшимда ота-онам билан Руминияга сафар қилмоқчи эдик, аммо самолётда бўш ўрин йўқлиги учун Истанбулга учдик. Турк болалари билан танишдим. Тилларига қизиқиб қолдим. Бир неча йил ичида туркчани тушунадиган ва сўзлашадиган бўлдим. Кейин форс тилини ўргандим, форсчадан сўнг араб тилини ўргана бошладим. Арабчадан кейин тожик тилига ўтдим. Ундан кейин эса ўзбек тилини ўрганишга киришдим.

— Йохан, айтингчи, сиз ўзбек тилини қанча муддат ичида ўргандингиз?

— Бир йилга етар-етмас ўрганиб олдим. Чунки форс ва тожик тилларидан кейин ўзбекчани ўрганиш анча осон бўлди.

— Тилимизни ўрганишда қайси манбалардан фойдаландингиз?

— Асосан Гент университети кутубхонасидаги китоблардан фойдаландим. Оксфорд университетидан чоп этилган «Ўзбекча-инглизча луғат»дан, русча-ўзбекча ўқув луғатидан фойдаландим. Яна Тошкентда чоп этиладиган баъзи журналларнинг айрим доналарини олиб тураман.

— Биз сизни Тошкентга, Ўзбекистонга таклиф қиламиз. Йўқ демайсизми?

— Жоним билан бораман. Ўзбеклар ҳаётини ўз кўзим билан кўриш, дўстлар орттириш менинг орзуим.

— Йохан, ўзбек рақслари сизга маъқул бўлдими?

— О, мен жами рақсларни завқланиб томоша қилдим. Қизларнинг ҳаммаси чип-чиройлик. Ва яна, улар чиройли безанишган. Кўйлаклари жозибали.

— Ота-онангиз нима иш қилишади?

— Отам математика ўқитувчиси, онам уй-рўзғор ишидаги аёл. Улар бугунги концертни келиб кўришмоқчи...»

Тун яримлаб қолганида биз учун қадрдон бўлиб қолган «Ван Белла» меҳмонхонасига қайтдик. Кайфиятимиз яхши. Ҳофиз Хайрулла Лутфуллаев йўл бўйи қўшиқ куйлаб келди. Шоир Нормурод Нарзуллаев сатрларига ўхшатма қилиб «Мунча равон бўлмаса Бельгиянинг йўллари», дея қўшиқ ҳам тўқидик. Йигитлар

аскияни бошлаб юборишди. Аммо мен худди бир нимани йўқотгандай эдим. Нималигини тополмайман. Қидира-қидира топай деганимда хаёлим яна чувалашиб кетади.

Бир вақтлар Эркин Воҳидов хориждан қайтиб келиб: «Сафарнинг узоғи ҳам бўлмас экан, Маҳмуд мўйловнинг лағмони билан мажлисни жуда ҳам соғиниб кетдим. Четда лағмон ҳам, мажлис ҳам бўлмас экан», деганди. Мен кўмсаётган нарса Эркин аканинг адабиёт газетасида босилган «Ильза хоним» шеъри эди. Шу шеър босилган газетадан бир нусха олмаганимга ёхуд уни ёдлаб олмаганимга ғоят ачиндим...

Бельгияга бориб келганимизга анча йиллар бўлди. Шунга қарамай, қаерда тил муаммосига дуч келсам, биз билан бир жойда, бир мамлакатда туғилиб, шу ерда ўсиб-улғайган, ёши бир жойга бориб қолган, аммо тилимизни ўрганишга хафсала қилмаган айрим ватандошларимизни учратиб қолсам, ёдимга Йохан Валдевалле келади ва унга ғойибона «Отанга раҳмат», деб қўяман...

МАЛИКА ДИАНАНИНГ СИРЛИ ЁЛИМИ

Маликалар маликаси Диана 36 ёшида фожиали ҳалок бўлди. Унинг ўлими бутун қироллик ҳудудида миллий фожиага айланди. Дунё, Элвис Пресли вафотидан бери бундай шоҳона мотам маросимини кўрмаган эди. Миллион-миллион кишилар ҳаётларидаги энг азиз кишиларни йўқотгандай, марҳумани иззату икром билан сўнгги йўлга кузатиб қўйдилар. Айтишлари-ча, мотам кунлари Лондонда бир миллиондан ортиқ гулчамбар сотилган. Бировнинг ёрдамисиз кўчага чиқа олмайдиган беморлар, майиб-мажруҳлар, асримизнинг бедаво дардига йўлиққан бахти қаролар ҳам мотам тутишди. Болалар ўзларининг севимли ўйинчоқларини гулчамбарлар олдида қолдириб, гўзаллик ва раҳмшафқат маликаси билан видолашганлар.

Маҳобатли дафн маросими тўғрисида ҳикоя қилар экан, мухбирлардан бири шундай дейди: «Диана оқбилаккойим бўлиб туғилганди. У ҳаётлигидаёқ бетакрор тимсолга айланди. Жон Кеннеди отиб ўлдирилган кунлар бу ёруғ жаҳон қай аҳволга тушган бўлса, Лондон кўчалари бугун айна шу ҳолатни эслатди. Бетакрор жозибаси билан ҳам киши диққатини ўзига торта оладиган бу аёлнинг ҳаёти фожиавий ҳазинлик билан уйғунлашган эди. У одамлар қалбининг қироличасига ҳам айланганди. Шафқатсиз ўлим эса абадиятга дахлдор этди...»

Бир вақтлар бутун Рим ўрнидан туриб соҳибжамол Анна Манъянини олқишлар билан сўнгги йўлга кузатганини эслаймиз. Гўзал Диана билан хайрлашгани эса бир неча миллион киши кўчаларга чиқди.

Диананинг отаси граф Спенсерларнинг авлоди Жорж Вашингтоннинг шажарасига бориб тақалади. Диананинг болалиги мароқли ўтган. Унинг учун деярли ҳамма нарса муҳайё эди. Аммо олти ёшга тўлганида онаси Фрэнсис болаларини ташлаб, Питер Шэд Кид

исмли бадавлат бир кишининг пинжига кириб кетади. Унинг бу қилмиши гоят ноқобил баҳоланиб, болалар оталари тарбиясида қоладилар. Тақдирнинг айланишини қарангки, вақти келиб Диананинг ўзи ҳам, худди онасидай, оиласидан ажрашди, болалари турмуш ўртоғи Чарльз билан қолди.

Иккинчи эри вафот этганидан кейин Фрэнсис хоним ичкиликка берилади. Дианадан шикоят қила бошлайди. Она ва қиз ўртасидаги муносабатлар мураккаб-лашади.

Диана ва шаҳзода Чарльз 15 йил никоҳда туришди. Уларни илк бор Ладлоу деган жойдаги отчопарда Камилла Паркер-Боул деган қиз — Диананинг яқин дугонаси таништирган эди. Камилла ўшанда Чарльзнинг ўртоғига ошиқу беқарор бўлиб қолган, дугонаси Диана ҳам келажаги порлоқ киши билан турмуш қуришини истарди. Худди шундай бўлди ҳам. Камилла ўша йигитга, Диана эса Чарльзга турмушга чиқди. Малика ва Шаҳзода тўйларидан кейинги бир неча ойларда Камилла Диананинг ёнида, унинг сирдоши бўлиб юрди. Кейин эса... худди шу яқин дугона оиладаги дастлабки можарога сабаб бўлди.

Малика ва Шаҳзода... Улар характер жиҳатидан бир-бирларига у қадар мос эмасдилар. Диана машҳурликни севарди. Унинг жўшқин ва айни пайтда, самимий тўйгулари қироллик саройига сиғмас, бу ердаги анъанавий тартиб-интизомларга бўйсунмасди. Чарльз бўлса босиқ, мулоҳазали бўлиб, оддийгина кийинар, бўш вақтлари боғда куйманиб юришни ёки балиқ овиға боришни ёқтирарди. Бу эса, вужуди эҳтиросларга тўла, кун ўтган сайин тўлишиб, гўзаллик тимсолига айланиб бораётган маликага унчалик ҳам хуш келмасди.

Одатда, машҳур кишиларнинг орқасидан миш-миш деганлари бетўхтов изғиб юради. Машҳурларнинг энг яқинлари ҳам кўпинча бу гийбатларнинг қай бири ҳақиқатга яқину, қай бири уйдирма эканлигини ажрата олмай қоладилар. Малика ва Шаҳзода билан худди шундай бўлди. Оилада салоқат масаласида ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқ айтиб бериш ниҳоят мушкул. Аммо бир нарса аниқки, улар, холисона айтганда, худди сизу биз каби Яратганнинг оддий, хом сут эм-

ган бандалари эди. Бинобарин, уларнинг ҳам худди сизу бизда бўлгани каби кўнгил майллари бор эди, хато ва янглишишлари ҳам ўзларига яраша, бошқа одамларникидан ўтиб тушмасди...

Ўн беш йиллик умр бир текис кечгани йўқ. Диана бир неча бор ўз жонига қасд қилди, қон томирларини кесди, деразадан ўзини пастга отди. Кутилмаганда унинг капитан Жеймс Хюнтга алоҳида эътибори ошкор бўлиб қолди. Капитан Форс кўрфазида жанг олиб бораётган кезлари Диана унга ҳар куни биттадан — жами 100 та ишқий мактуб йўллаган экан. Кейин автомобиллар билан савдо қилувчи Жеймс Гилби пайдо бўлди. Улар орасидаги ярим соатлик ишқиёна телефон суҳбати анча-мунча гап-сўзларни келтириб чиқарди. Шундан кейин хушторлик навбати қадимий санъат асарлари билан савдо қилувчи 51 ёшли, оилали Оливер Хоурга келди.

Оливер шаҳзода Чарльзнинг дўсти эди. Ундан кейин Диананинг алоҳида «эътибори» туфайли регби юлдузи Уилл Карлингнинг оиласи бузилди. Унинг ёш хотини рашк азобларига дош бера олмай Уиллни ташлаб кетди. Шундан сўнг покистонлик хушбичим жарроҳ Ҳаснат Хон миш-мишлар майдонига чиқди. Диана Покистонга келиб, Ҳаснатнинг оила аъзолари билан танишди. Айтишларига қараганда, Ҳаснатнинг ота-онаси ўз ўғилларининг Малика Диана билан дўстлашувини унча хушламаган. Париж ерости йўлида малика билан бирга ҳаётдан кўз юмган Доди ал-Файёд Диананинг сўнгги дўстларидан бири эди. Кўпчилик бу дўстликка умид билан қарашарди.

Машҳурларга ҳавас қилиш кўпчиликка яхши одат. Аммо «машҳурлик» касаллигининг оғир изтиробларини ҳамма ҳам билавермаса керак. Малика Диананинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши, кийинган кийимлари, тановул қилган таоми, юрган кўчаси, тунаб қолган меҳмонхонаси, учрашувлари, айтган-деганлари барака топгур мухбир касбдошларимиз томонидан бетўхтов ошкор қилинарди. Фотомухбирлар унинг бирор бир кутилмаган, ғайритабiiй ҳолатдаги суратига эга бўлиш учун эртаю кеч ортидан изғиб юришарди. Маликанинг ўзи ҳам. Гоҳо суратга олаётганларидан завқ-

лангандай, қадди-бастини бемалол намоиш қилар, гоҳ мухбир зотига қорасини кўрсатмай, эшикданмас, тешикдан қочиб, суратчиларни чалғитиб юрарди.

Париж фожиасидан бирмунча аввал Марио Бренна исмли фотомухбир малика Диана ва унинг кўнглини овлай олган дўсти мисрлик Доди ал-Файёдларнинг ишқий лаззат чоғларини суратга тушириб, асосан олдиқочди суратли мақолалар эълон қиладиган газета-журналларга 4,8 миллион долларга пуллаганди. Демократик ғарб матбуотининг «эркин»лиги Париждаги фожаи чоғида яна бир бор намоён бўлди. Катта тезликда келаётган «Мерседес» машинаси Альма майдондаги туннел устунига урилиб, Диана, Доди ва ҳайдовчи жон таслим қилаётганларида, уларни қувлаб келаётган фотомухбирлардан бири ярадорларга ёрдам бериш ўрнига бу мудҳиш фожиани суратга тушириш билан банд бўлган. Ўша кунидея унинг суратлари Америкада чиқадиган «Нэшнл инквайер» журнаliga 1 миллион долларга тақдим этилган. Аммо журнал муҳаррири бу таклифни рад этган. Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ!

«Шундай бўлишини билардим..!»

Диананинг Кейптаунда яшовчи укаси граф Чарльз Спенсер фожаи содир бўлганидан кейин баёнот бериб шундай деган: «Мен Диана барибир бир куни матбуотнинг қурбони бўлишига ишончим комил эди. Аммо унинг ўлимига фотомухбирлар шу қадар алоқадор бўлишлигини хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Уйлашимча, синглимнинг шахсий ҳаётига оид расмлар учун мўмай пул тўлаган ва бу билан нафс бандаларини яна бир сурат олиб қолиш учун хатарли ишларга рағбатлантирган газеталарнинг хўжайинлари, муҳаррирларнинг ҳам бугун қўли қон...» Таниқли кино юлдузларидан бири бу айбловни янада тўлдирган: «Диананинг ўлимида биз ҳам айбдормиз. Чунки ўша ипирисқи газета-журналларни сотиб олардик...»

Бу сатрларни хотиржам ўқиш қийин. Ғарбнинг эркин матбуоти машҳурларнинг бирортасига кун бермайди — қаерда, қай ҳолатда бўлишмасин, шахсий ҳаётларига аралашади, оилавий ишларини матбуот са-

ҳифаларида бемалол босиб чиқаради. Диананинг укасини олиб кўрайлик. У Кейптаунда истиқомат қила бошлагандан бери, мухбирлар унинг ҳар бир қадами-ни ўлчаб юришади. Кўчага чиққудек бўлса, тамом, ўнлаб фотоаппаратлар ишга тушади. Тоқати тоқ бўлган граф орқасидан эргашиб юрадиган маҳаллий фото-мухбир Шейн Жейсонни судга берди. Машҳур футболчи Марадона бундай «овчилар»дан қутулишнинг иложини топа олмай, охири уйидаги ов милтиғини ишга солди. Россиялик ҳамкасбларимиз ҳаммомда жононлар билан маишат қилаётган мамлакат адлия Вазири Ковалёв жанобларининг кайфиятини бузди. Кўшиқчи Майкл Жексон сураткашлардан безор бўлиб, меҳмонхоналарнинг яширин йўлакларидан фойдаланиб келади. Аммо фойдаси бўлмайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Матбуот одамларнинг шахсий ҳаётига аралашishi керакми? Берухсат, бемаврид тишини кавласа ҳам, туфлисининг ипини боғласа ҳам, ногаҳонда йўталиб қўйса ҳам суратга туширавериши, қўшиб-чатиб ёзавериши мумкинми? Бу қайси ахлоқ меъёрларига тўғри келади?

Россиянинг собиқ президенти қўриқчиси Коржаков жаноблари лавозимидан кетгач, «Ўтиб қолгунча отиб қол», дегандай Ельциннинг шахсий ҳаётига доир воқеа-ҳодисаларни бир-бирига улаб узундан-узоқ эс-даликлар ёзди. Эндиликда яқин хориж бўлиб қолган кўшни мамлакатлардан бирида баъзи ҳамкасбларимиз мамлакат раҳбарларини калака қилишни, узунқулоқ «тулпорга» миндириб газетанинг биринчи саҳифасига босиб чиқаришни журналистикадаги бугунги қаҳрамонлик, матбуот эркинлиги деб тушунадилар чоғи.

Матбуот ҳеч қачон ва ҳеч қерда шахсий манфаатлар йўлида кимларнингдир ўч олиш қуролига айланмаслиги керак. Ҳар бир инсон ўз турмуш тарзини белгилашга, ўзига мақбул амаллар билан машғул бўлишга, нималарнидир рад этиб, нималардандир лаззатланишга ҳақли. Биз киммиз, дилимизда нима бор, гуноҳу савобларимиз қанча — буларнинг бирдан-бир тўғри ажрини чиқарувчи — ягона Аллоҳдир.

Диана — тирик

Бу кўхна дунё ўз бошидан не-не фалокатларни, не-не қиргинбаротларни, офату тўфонларни ўтказмаган дейсиз. Одамзод ўз фаолияти билан дунё бошига не-не балоларни олиб келмади дейсиз. Бўлиб олиш ва эгалик қилиш туйғуси устун келиб, бу жафокаш заминда не хунрезликлар юз бермади экан. Олам ҳамма нарсани кўрган, бошидан ўтказган. Беҳуда ва бефойда қатлиомларда бошига қора ўраб унсиз ва ноласиз фарёд қилган. Она тупроқ буларнинг ҳаммасига гувоҳ. Лекин шундай муносабатлар ҳам бўладики, инсон билан бирга жафокаш дунёнинг ўзи ҳам изтиробдан титраб кетади, вужуди жунбушга келади.

Малика Диананинг ўлими шундай мусибатлардан бўлди. Парижда содир бўлган бу мудҳиш фожиа дунё сиёсий ҳаётини деярли ўзгартириб юборди. Таниқли давлат арбоблари, сиёсатдонлар, қатор ҳукуматларнинг раҳбарлари малика вафоти муносабати билан баёноتلар беришди. Расмий сафарлар бошқа кунларга қолдирилди. Машҳур кўшиқчи Майкл Жексон Бельгиянинг Останде шаҳридаги концертини бекор қилди. Поп-музыка қиролининг бу қарори концерт бошланишига саноқли соатлар қолганида эълон қилинди. У чуқур қайғуга ботиб: «Мен ҳозир шундай бир ҳолатдаманки, саҳнага чиқиб кўшиқ куйлашни, ҳатто хаёлимга ҳам келтира олмайман», деган. Малика ўз ибрати билан жамоатчилик диққат-эътиборини аёллар ўртасида саратон касаллигининг кўпаяётганлиги, СПИД касаллигига чалинаётган болалар сони дунёда тобора ортиб бораётганлиги, пиёдаларга қарши ишлатиладиган портловчи миналарни тақиқлаш ниҳоят даражада зарур эканлигига қарата олди ва бу борада самарали фаолият кўрсатди.

Жанубий Африка Республикаси раҳбари Нельсон Мандела Диана хонимнинг оддий одамлар тақдири билан боғлиқ кўпқиррали маънавий-маърифий интилишларини баҳолаб, ўз мамлакатининг Лондондаги элчихонаси ходимларига мазкур мотам муносабати билан байроқни тушириб қўйишни буюрган. «Малика Диана Буюк Британиянинг энг яхши элчиларидан бири эди»,

деган у. Уэльс маликасининг қатъий саъй-ҳаракатлари билан дунёнинг қатор мамлакатларида, хусусан, Жанубий Африкада, Мозамбик ва Анголада пиёдаларга қарши миналарни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган эди.

Диананинг ўлими дунёдаги энг обрўли нашрлар, киностудиялар раҳбарларини ҳам оёққа турғизди. Париждан олинган дастлабки совуқ хабар ўқиб бўлиниши биланоқ бунақа пайтларда ҳамиша улоқни олиб кетадиган ижодкорларга малика ҳаёти тўғрисида ҳужжатли фильм тайёрлаш, Ди ва До ўртасидаги муҳаббатнинг аччиқ шаробига бағишланган бадий асарлар яратиш топшириқлари берилди. Ҳафта ўтмай дунё 36 ёшида хазон бўлган Диана тўғрисидаги миш-мишу, тахминларга тўлиб кетди.

Ушбу сатрларни бир неча миллион киши Лондон кўчаларини тўлдириб, маликалар маликасини сўнгги йўлга кузатиб кўйишганидан кейиноқ ёза бошладим.

Бу дунёда нима кўп — сир-синоат кўп, ёлғон-яшиқ кўп. Тарих қатларида ҳали шу чоққача очилмаган ёлғонлар, туҳматлар, айро талқинлар тўлиб-тошиб ётибди. Мана мисол, америкалик астронавтларнинг Ойга кўнишини олиб кўрайлик. Инсон ақли бовар қилмайдиган даражадаги мўъжиза. Бир вақтлар собиқ совет иттифоқи дунёда биринчи бўлиб инсон фарзандини ракета ичида фазога олиб чиқди. Кейинроқ космонавт Леонов очиқ фазога чиқиб, америкалик фазошуносларнинг, хусусан, НАСА мутасаддиларининг даммини ичига тушириб юборди. Ана ўшандан кейин нима бўлсада, космосни тадқиқ этиш (тўғрироғи, эгаллаш) пойгаси янада жадаллашди ва америкалик австронавтлар инсоният тарихида биринчи бўлиб Ойга кўндилар.

Мана энди, орадан йиллар ўтиб, фазога учиш фазогирлар учун оддий бир хизмат сафари даражасига келиб қолган бир пайтда бошқа биров эмас, америкалик олиму мутахассисларнинг ўзи ўша — инсон боласининг Ойга кўниши фактини жиддий шубҳа остига олиб туришибди. Э, шу ҳам гап бўлдию десангиз, улар шунақа далилларни келтиришяптики, инкор қилишнинг иложи йўқ. Мана, битта далил: астронавтлар Ойга кўнишгач, АҚШ байроғини Ой сатҳига тикишади. Бай-

роқ енгил шабадада ҳилпираб туради. Ахир, Ойда ҳаво бўлмаса, шамол қаердан эсадию байроқ қанақасига ҳилпирайди?..

Демоқчимизки, Париж ерости йўлларида содир бўлган бу фожиа ҳақида ҳали йиллаб, ўн йиллаб гапирилади ва ёзилади. Ишончим комилки, ҳар гал ақл бовар қилмайдиган янги-янги тафсилотлар, фактлар, рад қилиб бўлмайдиган далиллар келтирилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Диана ўлмаган, Парижда унинг қиёфадоши ўлган, ўзи бўлса Додихон тўра билан океан ўртасидаги яшил ороллардан бирида айшини суриб ётибди, деяётганлар бор.

Начора, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Биз эса, сиз билан, азиз ўқувчи, бу «муҳаббат можаросидан» ўзимиз учун, атрофимиздаги кишилар учун, йиллар ўтиб бизнинг ўрнимизга келадиган касбдошларимиз учун хулосалар чиқармоғимиз керак. Дунёда мавжудлик ва яшамоқликнинг бош боиси ҳам хулоса чиқармоқликда. Одам боласи яхшиликдан ҳам, тубанликдан ҳам, ҳалолликдан ҳам, бузуқликдан ҳам хулоса чиқариши керак. Хулосаларсиз инсоннинг инсонлиги қолмайди.

Биринчи хулоса шуки, бу дунёда ҳамма нарсанинг меъёри бўлиши керак. Меъёр бузилган жойда мувозанат ҳам бузилади, инсон ўзлигини йўқотади. Ишқ-муҳаббатда, эътиқодда, меҳнату илм олмоқликда ҳам меъёр бўлиши керак. Ҳадиси шарифларда айтилади: «Динда ҳаддан ташқари ғулув кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ғулув (қаттиқ) кетганлари сабабли ҳалок бўлганлар». Ҳинд халқининг буюк эпоси «Маҳобҳорат»дан англашиладиган хулосалардан бири шундаки, ўзаро ишонч ва садоқатда ҳам, ота ва фарзанд муносабатларида ҳам меъёр бўлиши керак. Бас, шундай экан, бу фоний дунёни жуда эрта ва бағоят афсусланарли тарзда тарк этган Диана хоним мисолида айта оламизки, машҳурликда ҳам, маъшуқаликда ҳам меъёр даражаларига амал қилмоқлик зарур экан. Инсон боласи туғилиб эсини танибдики, умри давомида ўзини намоен этмоқликка интилади. Меъёрга амал қилиш ана шу табиий ҳаракатга ҳам тааллуқли.

Диана исломни қабул қилмоқчи эди

Кутилганидек, орадан кўп ўтмай Малика Диана ва унинг дўсти Доди ал-Файёдларнинг фожиали ўлими сабабларига бағишланган тахминлар, турфа хил мишмишлар шу қадар кўпайиб кетдики, аслида нима бўлганлигини аниқлаш тобора чигаллашиб бормоқда. Фалокатда вафот этган асли мисрлик Додининг отаси, мултимиллиардер Муҳаммад ал Файёд ўғли ва эҳтимолки, бўлажак келини тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ўзининг хусусий тергов гуруҳини тузди. Мазкур гуруҳнинг эксперти, Александрия шаҳрида истиқомат қилувчи имом Абдул Самир Шоҳ мухбирларга қуйидагиларни сўзлаб берган:

— Шахсан мен тергов ишлари олиб бормайман. Бу иш билан гуруҳимизнинг бошқа аъзолари шуғулланишади. Мен фақат воқеа-ҳодисаларни таҳлил этаман. Сизларни ишонтириб айтаманки, бизнинг хулосаларимиз расмий тергов якунларидан фарқ қилади.

— Ҳозирнинг ўзида бирор нарса дейишингиз мумкинми?

— Доди ал-Файёдга иккита экстремистик исломий гуруҳ «Ислом жиҳоди» ва ҳаммага маълум «Мусулмонлар биродарлиги» дўқ-пўписи қилиб келишгани маълум. Улар Додидан малика билан алоқаларини бас қилишни талаб қилганлар, чунки ислом қонунларига кўра Диана ғайридин ҳисобланади. Мисол учун, айти шу ташкилотлар фаластинликлар раҳбари Ясир Арофатга ҳам доимий равишда дўқ-пўписи қилиб келишган. Чунки Арофат насроний динига мансуб аёлга уйлانган. Бу аёл аллақачон исломни қабул қилган бўлишига қарамай, уларни тинч қўйишмайди. Доди ал-Файёдга келсак, у бундай дўқ-пўписалардан кўрққани йўқ, чунки уни авваллари ҳам бир неча бор кўрқитишган эди.

— Малика Дианани ҳам кўрқитишган эдими?

— Ҳа, кўрқитишган эди. Биздаги маълумотларга кўра, «Хамас» ва «Радикал католиклар иттифоқи» шундай қилган. Кейинги ташкилот фаолияти билан айти пайтда Буюк Британия тергов органлари шуғулланмоқда. Айтиб ўтишим лозимки, ўзингиз ҳам сезиб тур-

ганингиздек, на «Хамас»ни, на «Радикал католиклар иттифоқи»ни ва на бошқа бировни малика Диана билан Доди ал-Файёдларнинг ўлимида айблаётганимиз йўқ. Аммо бизда автоҳалокат атайин ташкил этилганлигини исботловчи аниқ маълумотлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари бор. Бу ишда мотоциклчи-папараццилар айбдор эмас. Улардан ташқари, Доди ва Диана машинаси кетидан бошқа бир автомобиль елдек учиб келаётган бўлса керак. Бу машина тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ.

— Унда нега фотомухбирлар бу ҳақда ҳеч нарса дейишмайди?

— Уларни қўрқитиб қўйишган, ишонмасангиз, қани, бирорталаридан интервью олишга ҳаракат қилиб кўринглар-чи. Полиция ходимлари иштирокидаги расмий матбуот конференцияларидан сўнг журналистлар жим бўлиб қолишди. Улар озодликда юришибди, аввалгидек ўз агентликларида ишларини давом эттиришмоқда, аммо ҳеч ким билан фожиа тўғрисида гаплашишни исташмайди. Биз бўлсак, ана шу журналистларнинг камида иккитаси Буюк Британиянинг махфий хизмат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишганини аниқ биламиз. Бу ташкилотларда Диана ва Додини йўқ қилиш мақсадлари борлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки, баъзи маълумотларга кўра, малика Додига турмушга чиқмоқчи ва ҳатто ислонни қабул қилмоқчи ҳам эди. Бордию воқеалар ривожини айни шу тарзда кетганида бу никоҳ қироллик оиласи шаънига, мамлакатнинг қонунлари, урф-одатларига кучли зарба бўлиб тушарди.

— Диананинг ўлими — бу фожиавий тасодиф, деб айтса бўладими?

— Йўқ, бундай дейиш мутлақо мумкин эмас. Жуда кўп нарсалар ҳозирча ойдинлашгани йўқ. Муҳаммад ал-Файёднинг тергов гуруҳи ўз йўлида кўп говларга дуч келмоқда. Ҳозирча фақат бир нарсани қатъий ишонч билан айтиш мумкин: қироллар оиласига мансуб аслзодалар бундай аҳмоқона автоҳалокатларга камдан-кам дуч келадилар.

Фожиадан уч кун аввал

Малика Диананинг энг сўнги интервьюси ўлими-дан уч кун аввал Франциянинг «Монд» газетасида эълон қилинган эди.

— Қироллик оиласига аъзо бўлганимдан кейин ўзимни аввалгидек бемалол тута олмай қолдим, — дейди малика. — Ўзимни ўзгартиришим жуда қийин бўлди. Шу сабабдан ҳам юқори табақа вакиллари иштирокидаги расмий маросимлардан иложи борича ўзимни четга олишга ҳаракат қиламан. Менга оддий одамлар кўпроқ ёқади, улар билан мулоқотда бўлишдан завқланаман. Буни аслзодалар кечира олмадилар. Мен ҳамиша ўзимга маъқул турмуш тарзига содиқ қолдим. Бу масалада менга ҳеч ким ўз ҳукмини ўткази олмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ички туйғуларимга итоат этман. Отам бизни ҳаммани бирдек тенг кўришга ўргатганлар. Ўғилларимни ҳам худди шу руҳда тарбия қилдим. Улар айнан шундай қилишларига ишонаман. Ўзим эса ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда ҳам, жиддий монеликка қарамай, оддий, муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишга, нажот қўлини чўзишга ҳаракат қиламан. Бу йўлда ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмайман.

Мухбирларнинг «Малика бўлиш осонми?» деган саволига Диана шундай жавоб беради:

— Малика бўлишда одамларга бўлган самимий туйғуларни ифода эта олиш муҳим. Ҳар бир киши ҳурмат-эътибор қозонишга ҳақли ва мен ўзим ҳурмат қилган киши билан учрашишни қувончли воқеа деб ҳисоблайман. Жамият рад этган, аянчли тақдири деярли аниқ бўлиб қолган кишилар олдига уларга жилла бўлса-да, адолат, хурсандчилик ҳада этиш учун атайлаб бораман. Бундай одамларга мен ҳеч қачон жамиятнинг юқори табақаларига хос кибру ҳаво билан қарамайман.

Диана ўз фожиасидан хабардор эди

Совуқ хабар, одатда, тез тарқалади. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситаларининг ҳам ҳиссаси катта. Фарблик ҳамкасбларимиз гоҳо бирор воқеа-ҳодиса содир бўлиб-бўлмасданоқ оламга жар солишади.

Малика Диана ўлими тўғрисидаги илк матбуот хабарлари Париж фожиасидан роса бир йил аввал — 1996 йилнинг адоғида пайдо бўлганди. Ўшанда қатор араб газеталари ўзининг ғаройиб башоратлари билан машҳур мунажжим, тунислик доктор Ҳассен Чарнининг малика Диананинг фожиали тақдирига доир башоратини босиб чиқарган эди. Унда айтилишича, Диананинг умри жуда қисқа, уни 1997 йили даҳшатли ўлим кутмоқда. Таассуфки, худди шундай бўлиб чиқди.

Москвада чиқадиган «Собеседник» ҳафталиги мухбирлари Париж фожиасидан кейин тунислик башоратчи билан суҳбатлашишга муяссар бўлишди.

— Жаноб Чарни, сиз Диана тўғрисида қандай башорат қилган эдингиз?

— Ўз вақтида мен малика Диананинг шаҳзода Чарльз билан ажралишларини айтгандим. Бу уларнинг никоҳи расмий равишда бекор қилинишидан бир неча йил аввал эди. 1996 йилнинг охирида Диана узоқ умр кўрмаслигини, аниқроғи 1997 йили вафот этишини айтдим. Менинг башоратимга кўра, маликани ғоят шафқатсиз ўлим кутаётганди. Минг афсуски, мен ҳақ бўлиб чиқдим. Мен яна, Диана ўз ҳаётининг сўнгги дамларида ишқ-муҳаббатнинг чин шаробини тотиб кўради, дегандим. Диананинг тақдири, ҳаёти фазовий кучлар билан бевосита боғлиқ эди. Мен унинг аянчли тақдирини юлдузларга қараб аниқлагандим.

— Ҳамкасбларингиздан яна кимдир худди сизга ўхшаб Диананинг ўлимини башорат қилган дейишадими...

— Ишончим комилки, мендан бошқа ҳеч ким бу тўғрида оғиз очиб гапира олган эмас. Бошқа мунажжимлар малика тақдирига доир ўз хавотирларини очиқ айтишни истаган эмаслар. Диананинг ўзи башоратчиларга анчайин қизиқиш билан қараган, уларга тез-тез мурожаат қилиб турган. Буни ҳамма билади. Диана мулоқотда бўлган ўша башоратчиларнинг айримларини мен ҳам яхши биламан. Аммо эътибор беринг, уларнинг бирортаси ҳам маликага яқинлашиб келаётган фожа тўғрисида айтишмаган. Бунинг сабаблари менга аён. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шундай машҳур аёлга, ма-

ликага «Сиз яқинда фожиали равишда ҳалок бўласиз», дейишнинг ўзи бўладими? Бунинг учун жуда катта жасорат керак бўларди. Негаки, бир гап билан қаҳр-ғазабга дучор бўлиш ҳеч гап эмас-да. Мен энди очигини айтсам, ўзим ҳам Дианага бу тўғрида бевосита айта олманман. Ким бўлишидан қатъи назар, инсон боласига «Сиз фалон пайтда ўласиз», дейиш нақадар оғир. Аммо мени тўғри тушунинг, айтмаслик янада оғир. Роса узоқ ўйлаб, мулоҳаза юритиб, охири башоратимни матбуот орқали эълон қилдим. Дианани огоҳ этиш зарур эди.

— Башоратингиз эълон қилинганидан кейин малика сиз билан боғланишга ҳаракат қилмадими?

— Менга маълумки, башоратимда айтилган гаплар орадан кўп ўтмай маликага маълум бўлган. Аммо унга мутлақо ёқмаган. Менга айтишларича, Диана мен билан боғланишни истаган. Аммо унга бундай қилмасликни маслаҳат беришган. Бунинг устига, малика асосан яхши башоратларгагина ишонар эди, холос...

— Бошқа таниқли арбоблардан яна кимлар тўғрисида башорат қилгансиз?

— Исроил бош вазири Исҳоқ Рабиннинг фожиали ўлимини, Франсуа Миттеранинг вафот этишини, сайловларда Жак Ширак ғалаба қозонишини айтганман.

Фожиага учраган битта Дианами?

Малика Диана ўз умрини фожиали тугатган XX аср аслзодалари рўйхатини янги бир ном билан бойитди.

Автомобиль ҳалокатида бевақт кўз юмган машҳур кишилардан бири Ироқ қироли, Ҳошимийлар сулоласига мансуб Фейсал ибн Ҳусайн эди. 1921 йилнинг август ойида эндигина 38 ёшга тўлган Ҳусайн Британия раҳнамолигида тахтни эгаллайди ва айни чоғда, унга Англияда ишлаб чиқарилган «Роллс-ройс», «Остин» ва «Бентли» автомобиллар коллекцияси совға қилинади. Бу машиналарни Бағдод кўчаларида яшиндек учириб юриш ёш қиролнинг сеvimли машғулотларидан бирига айланиб қолади.

1933 йил ёзда, мана шундай кўнгилхуш сайрлардан бирида, саратон жазирамасидан толиққан қирол катта

тезликда кетаётган машинани бошқара олмай, ўз бофининг тош тўсиқларидан бирига бориб урилади ва шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмади.

Орадан бир йил ўтгач, Италиянинг Альп тоғлари йўлларида Испания қироли Альфонс XIII нинг ўғли Бурбон ҳалок бўлади. Бечора ота севимли ўғлидан жудо бўлгач, тахт билан боғлиқ барча имтиёзлардан иккинчи ўғли Хуан фойдасига воз кечади.

1935 йилнинг 29 августида (Диана вафотидан роп-па-роса 62 йил аввал) Бельгияда фожиа юз беради. Шу куни қирол Леопольд III ва қиролича Астрид ўз маконларига қайтишаётган эди. Автомобиль ёмғирдан шалаббо бўлган йўлдан чиқиб кетиб, катта тезликда дарахтга бориб урилади. Қирол енгил жароҳат олади, қиролича эса ўша жойнинг ўзида жон таслим қилади. Уларнинг бир қиз, икки ўғиллари бор эди. Онаси вафот этганида бир ёшга ҳам тўлмаган кичик ўғли айни кунларда Альберт II номи билан Бельгияда қироллик қилмоқда.

Ширин изтироблар акси

Диана ҳар оқшом, беҳаловат кун адоғида кундалик ёзар экан. Вақти жуда тигиз бўлса ҳам, шароит қандай бўлмасин, ҳеч бўлмаганда, бир-икки жумла битиб қўйишни канда қилмаган. Малика атрофидаги кишиларнинг эътирофича, Диана ўз кундаликларини ҳаммаша ўзи билан олиб юрар, сайру саёҳатлар, расмий сафарлар чоғи ҳам уларни унутмаган. «Кундалигимдаги ёзувлар мен учун ниҳоятда қимматли, — дер экан малика, — уларда мўъжазгина ҳаётимнинг энг нозик, энг лаззатли лаҳзалари ва яна, энг оғриқли, энг яширин изтиробларим акс этган...»

Қарангки, мана шу қимматбаҳо ва нодир кундаликлар малика вафотидан сўнг сирли равишда йўқолган. Эҳтимол йўқолмагандир, бирор жойда, ишончли кишининг қўлида тургандир? Эҳтимол, маликанинг ўлими баҳонасида мўмай пул ишлаб қолишга интилаётганлардан бирининг ихтиёрига ўтиб, қўшилиб-чатилиб нашрга тайёрланаётгандир. Эрта-индин Америка ёхуд Германияда чоп этиладиган енгил-елпи журнал-

лардан бири айюҳаннос солиб қолса ажаб эмас. Негаки, Диана ҳаётлигида унинг хуш-нохуш суратларини эълон қилиб кун кўрадиган журналларнинг сони ўттиздан ошиқ экан, мана энди, кўпчилигининг шўри қуриди. Чунки, фожиадан кейин кўплаб ҳамкасбларимизнинг виждони қийналди, бундай олди-қочди нашрларни сотиб оладиган ўқувчилар ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқариб олдилар.

Диананинг кундалигига қайтадиган бўлсак, баъзи бировларнинг аста пичирлашларича, унинг қаердалигини бир киши аниқ билиши мумкин эмиш. Бу — узоқ йиллар давомида маликага садоқат билан хизмат қилган, кўп сир-асрорлардан бохабар 42 ёшли Пол Баррел эмиш. Аммо «Пол маликага шу қадар садоқатлики, у ҳеч қачон бу сирни ошкор этмайди», деган фикр ҳам мавжуд. Негаки, кундаликлардаги кўпгина ёзувлар қироллик оиласи ҳаётига бевосита тааллуқли бўлиб, уларни ошкор қилиш кўп нохушликларга олиб келиши мумкин. Пол ҳеч қачон бунга бормаса керак. Баъзилар Пол кундаликларни қиролича Елизаветанинг илтимосига биноан яшириб қўйган, деган тахминни билдирмоқда. Лекин бошқа бировлар, бу шубҳа асоссиз эканини исботлашаётибди. Негаки, кундаликлар билан бирга Диана номига унинг дўстлари, энг яқинларидан келган кўплаб мактублар ҳам изсиз йўқолган. Диана машҳурлик пиллапоясида экан, ҳар куни жаҳоннинг турли бурчакларидан, турфа хил одамлардан турфа мазмундаги хатлар оларди. Ўзи ҳам энг яқинларига эринмай жавоб қайтарарди. Малика ўз номига келган энг қимматли ва кўп маънода аҳамиятли мактубларни еру кўкка ишонмай эъозлаб сақлаб келарди. Ва, шубҳасизки, бу мактубларнинг кўплари бугун малика шахсий ҳаётининг айрим қирраларидан самимий ҳикоя қилиши мумкин.

Олимларнинг таъкидлашларича, инсоннинг қалби, унинг аслида ким эканлиги ёзган мактубларида, хусниҳатида аён бўлар экан. Бу хусусида Фарба ғоят кўп ва жиддий тадқиқотлар ўтказилган. Оламаро машҳур санъат арбоблари, Мопассан, Золя, Байрон, Толстой, Шекспир даражасидаги даҳо ёзувчиларнинг мактублари, турфа хил ёзишмалари, мухлис ва мухлисалар-



Бельгияда чиқадиган "Стандарт" газетаси ходимлари
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги таҳририятида.



Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ Фавқулодда ва Мухтор
элчиси Жан Пол Везиан билан мулоқот.



Тақдир тақозоси билан Бельгияда яшаб қолган ҳамюртимиз Ботир Раҳмоновнинг бошига дўппи жуда ҳам ярашди...



Франциялик тадқиқотчи олим Терри Зарконе адабиёт газетаси меҳмони.



Париж. ИНАЛГО – Шарқ халқлари маданияти тарихи институти масъул ходимлари билан.



Париж. "Темурийлар даври маданияти ассоциацияси" фаоллари, тарихчи олим Люсьен Керен ва Фредерик Бриссанд хоним билан.



Қоҳира. Ватандошимиз, ислом оламида машҳур олим
Насруллоҳ Тарозий домла хонадонида.



Қоҳира. Миср эҳромлари пойида.

нинг ишқ изҳорларига жавоблари улар қалбини бизга ойнадек очиб беради.

Ана шу сатрларни қоғозга тушираётганимда, матбуотда шоввоз ноширлар Диананинг таржимаи ҳолини чоп этишга ҳозирлик кўришмоқда, деган хабар тарқалди. Қарангки, Диананинг ўзи, ҳаёти тўғрисидаги ҳикояси ўз вақтида магнит тасмасига тушириб қўйилган экан. Сарой тарихчиси ва журналистлардан бири 1992 йили шу асосда китоб ёзган, аммо китобга Диана тилидан айтилган ҳамма гаплар ҳам кирмаган. Мана энди улар магнит тасмасидаги бор ҳақиқатни жуда катта пул эвазига ошкор қилишмоқчи. Ўша таржимаи ҳолдан яккаю ягона бир жумла (Магнит тасмасидаги Маликанинг овози): «Мен қанчалар азоб чекканимни дунё билиши керак...»

Шаҳзода

Қиролича Елизавета II нинг тўнғич ўғли Чарльз Филипп Артур Жорж 1948 йили Букингем саройида туғилган. Онаси тахтга ўтирган 1952 йилдан тахт вори си. Қирол Эдуард III нинг 1937 йилги Фармони асосида унга шаҳзодалик олий мақоми берилган. 1970 йилдан Лордлар палатасининг аъзоси.

Шаҳзода қиролича оиласида, мамлакат ичкараси ва ташқарисида ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш билан бир қаторда, кўп соҳаларга катта қизиқиш билан қарайди. У айни пайтда 200 дан ортиқ турли хил ташкилотларга ҳомийлик қилади. Булар — санъат, тиббиёт, маориф, архитектура, тарих, археология, спорт, атроф-муҳитни асраш, меҳнатга лаёқатсиз кишилар муаммолари ва бошқалардир. У ўз маърузаларида исломга буюк маърифий таълимот сифатида қарайди ва Ғарбни Шарқ билан, ислом дунёси билан ҳамкорликка даъват этади.

Бевақт узилган никоҳ торларини ҳисобга олмаганда, у ўзини бахтли ҳисобласа ажаб эмас.

Тахт — бахт дегани эмас...

Қирол бўлиш нақадар яхши, қиролича ёки малика бўлишлик ундан-да гўзал. Еганинг олдингда, емаганинг ортингда. Атрофингни ўраб турувчи аъёнлар ҳукмингга интизор. Айтганинг муҳайё. Аммо тарихдан маълумки, кўплаб қиролу қироличаларнинг ҳаёти фожиа билан тугаган. Шухрат пиллапояларининг энг чўққисиди уларни энг мудҳиш, қонли воқеалар, фитнаю фасодлар кутиб турган. Бу тўғрида кўплаб китоблар ёзилган. Мана, улардан бир парчалар:

Мария Стюарт — Шотландия қироличаси

...Эрталаб соат саккизда эшик тақиллади. Мария Стюарт чўккалаган ҳолда ибодат қилаётган эди. Иккинчи марта тақиллаганда у эшикни очди. Оқ таёқ ушлаган шериф остонадан ҳатлаб ўтар экан, тавозе билан бошини эгиб: «Хоним, лордлар мени жўнатишди, сизни кутишмоқда», деди. Шундан кейин десангиз, Шотландиянинг асл қизи, қиролича Мария Стюарт католик динига сифингани учун бошини кундага қўйгани — Фотерингей авахтаҳонасига йўл олди.

Авахтаҳонада туни билан болғанинг овози тинмади. Залдаги стол ва стуллар ташқарига олиб чиқилди. Хонанинг тўрига қора чит ёпилган сўри тайёрланиб, қора духобадан ёстикча ҳам ҳозирлаб қўйилди. Қиролича ана шу ёстикчага тиззасини қўйиши керак эди. Девор ёнида эса қоп-қора уст-бош кийган жаллод ва унинг ёрдамчиси чурқ этмай ўтирибди.

Мария Стюарт залга хотиржам кириб келди. У ёшлик чоғиданоқ оғир-босиқ юришга кўниккан эди. Бошини юқорига кўтарган ҳолда дадил дор ўрнатилган ерга зинапоядан чиқди. У ўн беш йил давомида тахтга ана шундай тарзда кўтарилишга кўникканди. Юзга яқин оқсуяклар эса жазонинг ижросини сабрсизлик билан кутиб туришарди.

Икки аёл уни ечинтира бошлади. Қиролича уларга кўмаклашди. Унинг ашаддий душмани Сесил кейинчалик қуйидагиларни ёзади: «Стюартда қўрқувдан асорат

ҳам йўқлигига қойил қолдим. Назаримда, у бу бевафо дунёдан тезроқ кетишга шошилаётгандай кўринарди...»

Қиролича икки ёрдамчиси билан хайрлашди, кўк-рақларини кериб, чор-атрофга бир сидра назар ташлади, сўнг духоба ёстиқчага чўккалаб, овозини чиқариб, дуо ўқиди. Сўнгра у бошини кундага қўйиб, икки дўнғакчани эҳтиётлаб қучоқлади. Ҳар қандай одамни ҳаяжонга соладиган бундай оғир паллада ҳам Мария Стюарт қироличалик ҳолатидан тушгани йўқ. Китобларда тасвирланган воқеаларга ишонманглар. Одам ўлдир-иш, сизлар ўйлагандай, оппа-осон иш эмас. Бу учига чиққан ваҳшийликдир. Жаллод дастлаб ойболтани нотўғри урди. Иккинчи марта ҳам мўлжалга тегмай, қон чор-атрофга тирқираб оқа бошлади. Жаллод ниҳоят учинчи уринишда бошни танадан жудо қилиб, уни атрофидагиларга кўрсатиш учун сочидан ушлаганида, қўлида парик қолиб, қонга беланган бош ёғоч сўридан пастга думалаб кетди. Жаллод иккинчи марта эгилиб Мариянинг бошини юқорига кўтарганида залда ўтирган дворянлар кекса қироличанинг тап-тақир бошини кўришиб, юраклари ҳалқумига тиқилди. Бу мудҳиш воқеа 1587 йилнинг февраль ойида юз берган эди...

Карл I — Англия қироли

Олий суд қиролни ўлим жазосига ҳукм қилди. У бирор гап айтмоқчи бўлганди, прокурор Брадшоу ҳукм эълон қилинганидан кейин қиролнинг сўзлашга ҳуқуқи йўқлигини маълум қилди.

1649 йилнинг 30 январни тонгида Уайтхолнинг хилват хоналаридан бирида Кромвел раҳбарлигидаги бир гуруҳ инқилобчилар қатл учун жой ҳозирлашар эди. Кромвел буйруқни ёзди, қолганлар имзо чекишгач, уни жаллодга тутқазди.

Шу паллада тўрт соат мириқиб ухлаган Карл тўшакдан турди.

— Тайёргарлик кўрайлик, — деди ёрдамчиси Гербертга. Ёрдамчи шоша-пиша кийиниб, қиролнинг сочини наридан-бери тараган бўлди.

— Бошим танамдан жудо бўлишига оз вақт қолган бўлса ҳам, аввалгидай яхшилаб тарагин, — деди у ёрдамчисига. — Янги куёвлардай бежирим кийинайин.

У қалинроқ кўйлак беришларини илтимос қилди.

— Қиш чилласи, ташқари совуқ, — деди у, — аёзда қалтираб турсам, халойиқ ўлимдан кўрққанидан талвасага тушяпти, деган хаёлга бориши мумкин. Ортимдан бундай гап қолишини асло хоҳламайман.

Епископ саҳари мардонда келиб дуо ўқишга киришди. Қирол ҳам ихлос билан сизинди. Тунги соат бирда полковник Геккер келди.

— Кетаверинглар, — деди қирол полковникка, — ортингиздан ўзим бораман.

У меҳмонлар кутиладиган залда икки қатор бўлиб саф тортиб турган зобитларни оралаб ўтди. Зобитларнинг ортида эркак-хотин аралаш оломон тўпланганди. Залнинг сўнгида эса қора мато ўралган дорга чиқадиغان зинапояда матросча йўл-йўл кўйлак кийган, бошига қора ёпинган иккита жаллод узун сопли болтани ушлаб туришарди.

Қирол сўрига мағрур тарзда чиқиб, атрофда тўпланганларга қаради. Сўнгра пахмайган сочини оҳиста қалпоғининг остига қистирди. Қисқа дуо ўқиб, бошини кундага қўйди. Ойболтанинг ўткир тиғи бир зарб билан каллани танадан айирди.

— Мана, сотқиннинг боши! — дея жаллод қони сирқираб турган каллани тепага кўтарди.

Уайтхол атрофидаги оломон ҳаяжонини яширолмай, дорнинг остига яқинлашиб, рўмолчаларини қиролнинг қонига ботириб олишга интиларди. Барча тарқалиб бўлгач, бошсиз мурдани тобутга солишди. Тобут эса бу ерда беш кун турди. Бу мудҳиш ҳодиса 1649 йилнинг феввалида содир бўлди.

Людовик XVI — Франция қироли

Париждаги саройга инқилобий Коммуна эгалик қила бошлади. У халқ кўзгалонини бошқариб, галабага эришди. Коммуна аъзолари низом чиқариш мажлисига қатнашиб, ҳокимлик қилиш ўз қўлларига ўтганлигини айтишди.

Людовик XVI тахтидан айрилди. Мажлис аҳли Люксембург саройини қароргоҳ қатори унга берган эди, бироқ Коммуна уни қамоққа олиб, Темпел авахта-хонасига жўнатди. Қиролнинг бошқа вазирлари ҳам ишдан олиниб, ўрнига вақтинча ижроия қўмита тuzилди.

17 январь кун эрталаб соат 8 да 36 соатлик мажлисдан сўнг, Миллий Конвентнинг президенти Қирол Людовик XVI ўлим жазосига ҳукм этилганлигини эълон қилди ва ҳукми бир кун ичида ижро этиш бўйича декрет қабул қилди.

Қирол ҳукми хотиржамлик билан эшитди. Оқшом у хотини, қариндошлари, фарзандлари билан хайрлашди. Йиғи-сиғидан кейин Людовик шахсий диндор мулозими билан тунги соат иккига қадар Тангридан узр-маъзур сўраб, ўзини ўлимга тайёрлади. Ибодатдан бўшагач, уч соат хотиржам ухлади. Эрталаб Коммунанинг иккита комиссари уни инқилоб майдонига олиб келишди.

Людовик XVIнинг ҳайкали турган майдонга дор тикилди. Атрофни зобитлар ўраб олди. Тумонат одам. Людовик дор остига бамайлихотир яқинлашиб, кўйлагини шартта ечди. Ўша кезларда чиқадиган ўта таъсирчан сиёсий газеталардан бири қуйидагиларни яширмай ёзди: «Людовик тахтдан кўра кундага бошини қўйган чоғида дадилроқ кўринишда эди». Жаллод унинг елкаси оша тушган сочини қайчилаб, қўлини боғламоқчи бўлганида қирол «Бундай қилишга рози эмасман», деб қаршилик кўрсатди. Ойболта бир зумда хизматини ўтади. Жаллод қонга бўялган қиролнинг калласини осмон узра кўтарганида атрофдагилар «Яшасин республика» деб қичқиришди...

Эркинлик ниқоби остида ўтган бу қонли воқеа 1793 йилнинг январиди юз берди.

Мария Антуанетта — Франция қироличаси

Франциянинг сўнгги қироли Людовик XVIнинг шўрини қуритган робесперчилар ниҳоят унинг бева-си — қиролича Мария Антуанеттани судга чақиришга муваффақ бўлишди. Оғмачи лаганбардорлар инқилоб-нинг даҳшатли эпкинисида рост гапни айтишга ботин-май Мария Антуанеттани давлат сотқини, респуб-ликанинг ашаддий душмани деган гуноҳ билан айб-лашди.

У зиммасига қўйилган гуноҳни эшитиб, вужуди муз-лаб кетди. Ҳайъат раисининг саволига чурқ этмай, бо-шини чайқади. Уни турмага қамашди. Ҳибсда ётган вақтида қайнисинглисига фаройиб, ўта мазмундор мак-туб йўллади. Мазкур хат роса 21 йилдан сўнг, Людовик XVIII нинг қўлига тегди.

Эрталаб соат 8 да эшикни тақиллатишди. Қироли-ча диндорнинг хизматига муҳтож эмаслигини айтди. Соат 10 да хонага Самсон исмли девкелбат жаллод кириб келди. Мария сочини қайчилашга қаршилиқ қил-мади.

Соат 11 ларда турма дарвозаси олдига арава келиб тўхтади. Қўли орқасига боғланган қироличани ўша аравага ўтқазишиб, атай халойиққа кўрсатиш учун аста-секин майдонга олиб келдилар. Самсон бир қўлига қал-поғини ушлаган ва иккинчи қўлига қиролича боғлан-ган арқонни ўраб олган эди.

Арава дорнинг остига келиб тўхтади. Мария ҳеч ким-нинг кўмагисиз сўрига кўтарилди. Қиролича бир вақт-лар Версалнинг мрамар зиналаридан баланд пошнали туфлиси билан қандай тақиллатиб чиққан бўлса, дор остига ҳам худди шундай тарзда мардона одимлаб кел-ди.

Жаллод унинг бошини кундага рўбарў қилди. Дами кескир пичоқ қироличанинг бошини кесди. Майдонга тўпланганлар оёққа қалқди. «Яшасин республика» де-ган садолар янгради...

Бу даҳшатли фожиа 1793 йилнинг октябрь ойида рўй берди.

Ва ниҳоят...

Диана... Энди уни афсоналардан яралган, гўзал хаёллар оғушида туғилган соҳибжамол, меҳр-муҳаббат рамзи ҳам дейишмоқда. Тўғри-да, оч-ночорликдан силласи қуриган миллион-миллион оддий кишилар кўз ўнгида чинакам мўъжиза юз берди — тақдирнинг инояти билан оддий ошпаз, ўрама гўшт ва ўрисча карамшўрва пиширишга астойдил ўқиган, болалар боғчасида оддий тарбиячилик қилган, арзимаган пулга опасининг уйини тозалаб юрган қиз маликалар маликасига айланди-қолди.

Аммо бу фоний дунёда буюк бахт онлари билан буюк қоқилишлар, ақл бовар қилмайдиган кўргиликлар ҳам бор ва улар ҳаминиша ёнма-ён юради. Беадоқ бахт соҳибаси Диана хонимнинг пешонасида ҳам шунанга «шўр» жойлари бор экан-да. Шаҳзода Чарльз билан никоҳлари арафасида тахт ворисининг «аллибара» лақабли гўзал ва хушбичим оти ўлиб қолади. Қизини шундаки, отнинг ўлимини биринчи бўлиб... Диана сезади ва бу тўғрида Чарльзга айтади. Унинг гапига эътибор беришмайди. Аммо бир неча соатлардан кейин от жон таслим қилади. Эндиликда баъзи бировлар бу воқеани «бўлажак никоҳнинг бехосиятлиги» далолати эди, дейишмоқда.

Энди Малика фожиасининг «мисрча» тахминларига эътибор берайлик. Бадиий адабиётлардан маълумки, Мисрнинг келажак авлодларга мўлжалланган бойлигини талон-тарож қилгани учун руҳлар ношуд Гармаҳисни қаттиқ жазолашган. Баъзи башоратчилар Диананинг ўлимини ҳам худди шу — фиръавнлар ўчи билан боғлашмоқда. Гап шундаки, Тутанхамон қабрини... инглизлар очиб, руҳини безовта қилишди. Диананинг Кенсингтон саройидаги коллекциясида қадимги Миср тарихига оид қимматбаҳо осори-атиқалар анчагина эди. Диана ва Доди «Риц» меҳмонхонасида «Альма» ерости йўли томон юришар экан, Конкорд майдонида ўрнатилган қадимги Миср ёдгорлиги ёнидан ўтишган. Фожиадан бир муддат аввал мазкур ёдгорликка қасддан зиён етказилиб, таҳқирланган эди...

Мана, сўнгги «xabар»лардан бири. Маликанинг ўли-
мидан уч кун аввал — 28 август куни Уэльсдаги Маун-
тэн Эш қишлоғи полицияси маҳкамасига 74 ёшли со-
биқ шахтёр, ҳозирда эса нафақачи Эдвард Уильямс
кириб келади ва маъмурларга шундай дейди: «Малика
Диана яқинда ҳалок бўлади. Бу фожиа менга аён
бўлди...»

Полициячилар чолни мазах қилиб кулишади, аммо
унинг маҳкамага келганини, айтган сўзларини даф-
тарга аниқ ёзиб қўйишади: «Мен тепаликда турган эдим.
Бирдан шамол туриб, совуқ бўлиб кетди. Кўз олдимда
ерости йўли намоеён бўлди. Одамларнинг ташвишли чеҳ-
раларини кўргандай бўлдим. Чақмоқ чақа бошлади.
Шундан кейин малика Диананинг юзини кўриб қол-
дим. Уни дафн этиш учун олиб кетишаётгандек туюл-
ди. 28 август, соат 14.12».

Малика Диана фожиасида сир-синоат, жумбоқ ва
бошқа ғайриоддий ҳолатлар шу қадар кўпки, улардан
бирини ечмоқ мақсадидаги оддий ҳаракатнинг ўзи ҳам
бу сир-синоатни янада мураккаблаштириб юбормоқда.
Афтидан, бу фожиа америкаликларнинг Ойга қўни-
шидай ёки президент Кеннедининг отилишидай умри
боқий сир-синоат бўлиб қолаверади, чоғи. Сўнгги сўз
шуки, малика Диана вафотидан кейин шахзода Чарльз
Камилла Паркер-Боул билан никоҳдан ўтишди!

ҲАЁТ ЧАРҲИ АБАДИЙ АЙЛАНАДИ...

Машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов ижоди билан таниш бўлмаган китобхонни топиш қийин бўлса керак. Адиб ижоди бадиий адабиёт ихлосмандлари қаторида бошқа касб эгаларини ҳам оҳанрабодек ўзига тортади. Бунинг боиси шуки, Айтматов қаламига мансуб асарлар, публицистик мақолаларда наинки бугуннинг, айни чоғда эртанинг ҳам муҳим, бошқалар айтишга журъат эта олмаётган муаммолари тадқиқ этилади. Адиб ҳамиша халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб етилган, айтилмаса бўлмайдиган гапларни топади ва катта ижодий, гражданлик жасорати билан жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этади. Унинг ҳар бир чиқишида аниқ ижтимоий позиция, тиниқ ва ўткир нуқтаи назар бўлади. Айтматов ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳсга киришишдан чўчимайди, кимларнингдир тайёр, бировга озор етказмайдиган хулосалари ёки муносабатига муҳтож эмас. У ҳамиша ўз гапини айтматовчасига дангал ва ошқора айтиб келган. Шу боис ҳамки, адиб асарлари каби публицистик чиқишлари ҳам кўпинча кучли мунозараларга, баҳсларга сабаб бўлади. Айтматов ижодига бағишланган тадқиқотлар адиб китобларидан салмоқли эканлигининг боиси ҳам шунда.

Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг ҳам севимли адибларидан. У бизда, ҳатто она юртидагидан кўра маълум ва машҳур десак, муболаға бўлмас. Айтматовнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўз вақтида катта маҳорат билан ўгирилган, неча ўн минглаб нусхада қайта-қайта босилиб чиққан. Айтматов қалбан ҳам, ижодининг руҳи, мавзулари, қаҳрамонларининг ўй-хаёллари билан ҳам бизга яқин. Адиб қиссаларининг воқеалари асосан қирғиз диёрида кечса-да, уларда бир вақтлар ягона Туркистон номи билан аталган қадим минтақага бевосита дахлдорлик бор. Айтматов ўртага ташлаётган муаммолар, уни ташвишга солаёт-

ган, ўйлантираётган жумбоқлар қирғизу қозоққа, ўзбеку тожикка, туркману қорақалпоққа баробар тегишлидир.

Чингиз Айтматов миллий адабиёт ривожини тоғ чўққилари қадар юксакликка кўтара олган, ноёб истеъдоди ва ижодий жасорати билан дунёни ҳайратга сола билган адиблар сирасига киради. У адабиётдаги мафкуравий бир хилликни, мафкуравий анъанавийликни қутилмаганда бузиб ташлади. У ўз ўқувчисини ҳамма учун таниш бўлиб қолган равон, бехатар йўлларга эмас, чағир тошлардан иборат машаққатли сўқмоқларга, баланд довларга етаклади. Китобхонни ортиқча қийнамайдиган, толиқтирмайдиган энгил ечимлардан воз кечиб, дастлабки ҳикоялари, публицистик мақолаларидаёқ ҳаётда текис йўллар, бахтли интиҳолар билан бирга қалтис тасодифлар, хавфли бурилишлар, боши берк кўчалар, етиб бўлмас манзиллар ҳам борлигини қайд этди.

Айтматов ижоди, адабиётшунос олим ва таржимон Асил Рашидов тўғри таъкидлаганидек, «ўз-ўзидан, қуппа-қуруқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчисидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани сингари, унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароитда ва янги тарихий заминда юзага келди ва тез суръатлар билан равнақ топа билди». Айтматов адабиётга қирғиз адабиётидаги, тоғ ва дашт ўлкаси деб ном олган бу қадим тупроққа ёндош бошқа миллий адабиётлардаги, хусусан, ўзбек адабиётидаги энг сара тажрибаларни чуқур ўзлаштирган, мағзини чаққан ҳолда кириб келди, десак хато бўлмайди. Муҳими шундаки, Чингиз оға собиқ тузумнинг қон-қонимизга, онг-шууримизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганлигини бошқалардан кўра эртароқ пайқадди. Адабиётшунос олим Қ. Бобулов айтганидай, Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғаларнинг бешигида улғайган бўлса-да, бундан буён (яқинлашиб келаётган янги шароитда) бу иссиқ бешикда тинч, бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини сезган эди.

Тадқиқотчи олим К.Асаналиев Айтматов ижодига хос хусусиятлардан бирини мана бундай изоҳлайди: «Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодига ёлғон аралаш-

тирмаган, қаҳрамонларига ҳеч қачон ёлғон бир сўз ҳам демаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни таг-тугига айтиб олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинсўз, ростгўй ёзувчи. Қаҳрамонига, асарига нисбатан аёвсизлиги ёзувчига хос оқ нијатдан, турмушда учраб турадиган зиддиятларни сийпаламай, тараб-бутамай асл ҳолича айтиш мақсадидан келиб чиқади».

Ўзбек китобхонлари Айтматов ижодини айна шу фазилатлари учун ҳам севиб қолишган. Чунки, етмишинчи йиллар бошларида бундай жасоратга бизда ҳам зарурат йўқ эмасди. Ёзувчи халқимиз тарихи, маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши биледи, янада аниқроғи, яхши ҳис этади, буюк алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланади. Ўзбеклар диёрини, унинг одамларини худди ўз юртидай, оға-иниларидай қадрлайди. «Қадимий ўзбек маданияти ўзининг ажойиб ютуқлари билан азалдан ҳам машҳур, — деб ёзган эди у. — Ўзбеклар Ўрта Осиёда тенги йўқ ирригатор, деҳқон сифатида танилган. Ўзбек меъморлари фусункор Самарқанд ва Бухорони бунёд этдилар. Ўзбек халқи орасидан ўрта асрнинг машҳур астроном олими Улуғбек, абадий барҳаёт Алишер Навоий етишиб чиқди. Кейинчалик демократ шоир ва ёзувчиларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқдики, улар орасида Муқимий, Фурқат каби улкан адиблар бор. Буларнинг ҳаммаси ўзбекларнинг маданияти, фани, санъатига тааллуқлидир, буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг миллий хазинасидаги дурдоналардир».

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг жасоратли меҳнати, ақл-заковати, тарихи ва буюк келажаги тўғрисида ўнлаб мақолалар ёзган. Машҳур «Пахтанинг ойдин йўли» мақоласи ўша йилларга хос меҳнат жасоратини ўзида тўла ифода этганди. Унда гап фақат пахта ҳақида, ўзбеклар уни қойиллатиб экиши-ю, тер тўкиб йиғиштириб олиши хусусида эмасди. Айтматов ўшанда катта минбардан туриб халқимизга, унинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳурмат-этиборини изҳор этган эди.

Ёки бошқа бир мисол. 1990 йили Ўш ва Ўзганда қонли қиргин содир бўлганида Чингиз Айтматов ай-

рим адиблар сингари ўзини четга олмади. Можародан жафо чеккан ҳар икки томоннинг дардига дарддош бўлиб, улар ёнида турди. Икки туркий қавмни тўқнаштириш аслида кимларга керак бўлиб қолганини тушунтирди, радио ва телевиденида, матбуот саҳифаларида мақолалар ёзди. «Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди, — деб ёзган эди Айтматов «Известия» газетасида эълон қилинган «Жаҳаннам узра қарғалар фарёди» мақоласида. — Миллий низолар шуниси билан кўрқинчилики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қилади. Шу билан бирга кўр-кўрона ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўш уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юкумли касаллик — нафрат вабосини урчитади. Нафрат вабо каби урчигандан сўнг, худди тоғдан тушган сел оқими янглиғ бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-идрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси бу. Шунда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга айланади. Яраштирувчининг фожиаси ана шунда».

Айтматов, гарчи шундай деган, шу сатрларни ёзган бўлса-да, ўзбек адиблари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар билан бирга яраштирувчилик масъулиятини зиммасига олди, катта гражданлик жасорати билан ўртадаги низо урчиб кетмаслигига ўз ҳиссасини қўшди. Энг оғир пайтда «Биз адиблар... китоблар саҳифаларида одамийлик уруғларини экишга ҳаракат қилдик, аммо ҳаёт бизни қонли ўримга дучор қилди», дея тан олди. Ҳаёт китоблардагидан кўра мураккаб, оғир эканлигини эътироф этди.

Адабиётшунос олим, Чингиз Айтматов ижодининг нозик тадқиқотчиларидан бири Ғайбулла Саломов ўзининг «Мен сув ичган дарёлар» китобида Айтматовнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига меҳри-ю ўзбекларнинг Чингиз оғага бўлган муҳаббатини жуда чиройли тасвирлайди: «Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп. Зўр, иқтидорли, инсон қалбини ларзага солувчи соҳиби қаламлар ҳам оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматов-

чалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсту қадрдони сифатида бундай одамохунни топиш қийин. Бутун марказий матбуот (собиқ иттифоқ матбуоти дейилмоқчи) зўр бериб «Ўзбеклар иши» ҳақида оғиз кўпиртириб ёзиб турган бир пайтда... у қайғумизга қайғудош, елкамизга елкадош, бағримизга бағирдош бўлиб, жумҳуриятимиз, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатни айтишга журъат этди... Юз йиллар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бундай ғурур, таскин ва ҳамдардлик билан айтган ҳалим сўзларини унутмайди. Унутолмайди. Дориломон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, оға, қардош, биродар кўп. Бироқ айтадилар-ку, «Мол дўстинг бош-қа, жон дўстинг бошқа» деб... Чингиз ўзбек халқининг жон дўсти».

Чингиз оғанинг халқимизга бўлган меҳру муҳаббатни чиндан ҳам чексиздир. У юртимизга тез-тез ташриф буюради, халқаро анжуманларда қатнашади, қаламкаш дўстлари билан ижодий суҳбатлар қуради. Содир бўлаётган ўзгаришлардан худди шу эл фарзандидай фахрланади. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори ошиб бораётганидан мамнунлик изҳор қилади. Президент Ислом Каримовнинг Туркистон бирлиги ғоясини биринчи бўлиб қувватлаган ҳам Чингиз Айтматов бўлди. Шу мавзуда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултойида Айтматов маънавий бирлик заруриятини қатъий ҳимоя қилди, маънавий бирлик — янги тарихий шароитда миллий юксалиш ва тараққиётга элтувчи ягона тўғри йўл эканлигини ғоят куюнчаклик билан изоҳлаб берди.

— Биз, адабиётчилар янги тарихий шароитда янги муаммоларга дуч келдик, — деб ёзади адиб. — Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамият олдидаги ўрни ва масъулияти кечагидан тамомила фарқ қилади. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари тамомила ўзгариб кетди. Ҳозир, айтишим мумкинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун минтақада, бутун дунёда ўзига хос тозариш жараёни давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Та-

мойиллар ҳам, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қадриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Қуриб қолаётган, кўзлари ёпиб ташланган булоқлар, чашмаларнинг кўзлари очилмоқда. Умумбашарий тафаккур онг-шууримизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми? Мумкин эмас! Адабиёт энди чинакамига халқчил, миллатпарвар, маънавий тараққиётимизнинг садоқатли хизматкори бўлиши керак. Адабиёт учун, Сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди. Буни қўлдан бой бермайлик...

Сир эмаски, — давом этади Айтматов, — авваллари биз, зиёлиларнинг борди-келдиларимиз, ижодий мулоқотларимиз яхши эди. Ютуқларимиз, ўй-хаёлларимиздан бохабар эдик. Декадалар, маданият кунлари ўтиб турарди. Энг яхши асарларимиз, романлар, қиссалар, драмалар, шеърий китобларни таржима қилардик. Киночиларимиз, рассомларимиз бир-бирларига жуда яқин эди. Энди-чи? Буларнинг ҳаммаси деярли тўхтаб қолди. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан, ёш ўзбек адиблари ижодида қандай ютуқлар бор, улар не мавзуларни қаламга олмоқдалар, қандай янги йўналишлар мавжуд — бундан биз томондаги тенгдошларингизнинг хабари йўқ. Ва, аксинча, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмуни, ғоявий-бадиий савияси қандай — буни сизлар билмайсизлар. Бу кетишда бир-биримиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бир-биримизни танимай қоламиз. Бориб-бориб, бир-биримизга ишончсизлик, ҳадик кўзи билан қараш бошланади. Мен асло бўрттираётганим йўқ. Бепарво юраверсак, бир-биримизга интилмасак, шу даражага тушишимиз аниқ. Бу — тузатиш қийин бўлган катта маънавий фожиа бўлади...»

Ўзбекистонда «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Марказий Осиё мамлакатлари маданият арбобларининг маънавий бирлашиш ҳаракати бошланганида Чингиз оға бу ҳаракатни фаол қўллаб-қувватлади. Бу юрт бизнинг, ҳаммамизнинг ота маконимиз. Бу ерда одамлар қандай яшаётганлигини, эзгу ниятларимизни, қадриятларимизни дунё билсин, керак бўлса, ан-

доза олсин, деган фикрни ўртага қўйди. Зиёлиларнинг янги маданий ҳамкорлик ташкилоти тузилиши муносабати билан ёзилган мақолада Айтматов шундай дейди: «Адабиётда бизнинг оптимиздан истеъдодли, янги-ча фикрлай оладиган ёшлар келмоқда. Менинг қадим Туркистоннинг ДУНЁга айтадиган СЎЗИ бўлсин, ўз уйимизда ўралашиб юравермайлик, дунёга чиқайлик, ўрни келса уни ҳайратга солайлик, деган гапларимни ёш издошларимиз қандай қабул қилишаркин? Устозларга эргашиш, уларнинг йўлидан бориш — яхши нарса. Аммо эргашишда ҳам эргашиш бор. Сиз, ёшлар, биздан ўзиб кетишларингиз керак. Биздан кўра яхши, зўр ёзишингиз керак. Кекса адиблар эгаллай олмаган чўққиларни забт этиш имконияти сизларга берилган. Ўз вақтида бизнинг авлод жуда эҳтиёткорлик қилган, асаримга қандай сюжет, қандай конфликт топсам экан, деб бошини кўп қотирган. Бугун бўлса, қаёққа қарама — сюжет, мавзу. Марҳамат, ёзинглар, янги романлар, қиссалар, драмалар, шеърый китоблар яратинглар. Бир-бирингиздан ўрганинглар, бир-бирингизнинг энг яхши асарларингизни дунё тилларига таржима қилинглар.

Лекин бундан, ким нимани хоҳласа ёзвериши мумкин экан-да, деган фикр келиб чиқмайди. Афсуски, айни шундай ўйлайдиган, хаёлига келган нарсани, бу гап ҳаётда борми-йўқми — парвойига ҳам келтирмай ёзиб ташлаётган, пешма-пеш чоп эттираётган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Бундай ижод намуналарини ҳаётнинг ўзи тўлқинларни ёриб олға интилаётган қудратли кемадай, чеккага улоқтириб ташлайди. Бир кун келиб кўрасизки, қанча-қанча қоғозларни қоралаб, қанча-қанча китобларга муаллиф бўлган адибдан ҳеч нима қолмайди. Бу ҳам бир фожиа, ижод эркинлигининг фожиаси. Такрор айтаман, бадиий ижод учун ҳали ҳеч қачон бугунгидек кенг майдон бўлмаган. Ёш ижодкорларга ҳавасим келади. Авваллари бирон бир райком котибини бир оз танқид қилиб қўйишнинг ўзи зўр азаматлик, қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Энди бўлса — танқид оддий бир ҳолга, гоҳо болалар ўйинига ўхшаб қолди...»

Чингиз Айтматовнинг қатор бадиий асарларида, хусусан публицистик мақолаларида ҳали энди белги бераётган, ниш ураётган ёки ниш уриши эҳтимоли бор «касалликлар» тўғрисида гап боради.

Масалан, у етмишинчи йилларнинг бошларидаёқ икки йирик давлат — АҚШ билан собиқ Иттифоқ ўртасида, ўша йиллар тили билан айтганда, империализм билан социализм орасида бораётган қуролланиш пойгаси оқибатида инсоният ҳаётига, она заминга, еру сувга, экологик муҳитга етказилаётган зарар тўғрисида куюнчаклик билан ёзган эди. Мақола М.Горбачёвнинг қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати ҳеч бир истисносиз ҳаммамизни мафтун этган, бутун дунёда овоза бўлиб турган, одамлар қалбида умид учқунларини уйғотган бир пайтда ёзилган. У пайтда ўтган йилларнинг мудҳиш янглишишларини айтиш, ошкор қилиш анча мураккаб иш эди. Зиёли у ёқда турсин, катта сиёсат бошида турганларнинг ичида ҳам яқдиллик йўқ эди. Адабиётнинг эҳтиёткорлик билан, беозор йўллардан мулойим бораётганлигининг сабаби ҳам шунда эди. Тўғри, Айтматов социализмни тўла рад этган эмас, унинг «танлаб олса бўладиган» томонлари борлигига ишончи сўнмаган, аммо ҳар қалай, жамият ҳаётида келиштириб бўлмайдиган жиддий зиддиятлар, мантиқсизлик мавжудлигини матбуот орқали баён қилган. Шунинг ўзи катта гап эди. Социализм ғояларидан бундай нуқсон қидиришнинг ўзи — тасаввур қилиб бўлмайдиган «шаккоклик» эди, ўшанда.

* * *

Дунёга машҳур кўплаб адиблар ижодида бадиий публицистика алоҳида аҳамият касб этади. Улуғ Алишер Навоий бобомиз Самарқанд, Астробод шаҳарларида истиқомат қилаётганларида турли кишиларга, дўст-қадрдонларга ёзган мактубларини тўплаб, «Муншаот» номи билан алоҳида китоб қилганлари маълум. Ўзбек бадиий публицистикаси тадқиқотчиларидан бири Очил Тоғаевнинг фикрича: «Бу мактублар буюк адибнинг турли ҳолат ва вазиятлардаги кайфиятини реалистик акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир... Навоий хатларида ўз Ватани, халқи

ҳақида ғамхўрлик туйғуси билан яшаган, халқ аҳволини яхшилаш тўғрисида кўп ўйлаган... гражданин шоирнинг оташин овози эшитилиб туради...»

XX аср демократик адабиётининг илғор вакиллари-дан бири шоир Фурқат ижодида бадиий публицистика (ёзувчи публицистикаси) яққол кўзга ташланади. Шоирнинг Кашмирдан йўллаган мактублари ўша давр публицистикасининг ноёб намуналаридир. Бу намуналарни илмий ўрганиш шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида янада батафсил маълумот берибгина қолмай, балки унинг ижодий-ижтимоий қарашларини, маънавий-ахлоқий дунёсини ҳам ойдинлаштиради. Худди шу фикрни А.С.Пушкиннинг «Арзирумга саёҳат», Лев Толстойнинг «Жим туролмайман», Владимир Маяковскийнинг «Мен кашф этган Америка» асарлари мисолида ҳам айтиш мумкин.

Таниқли француз романчиси Эмиль Золянинг ҳаддан ташқари батафсил ва зерикарли услубда ёзилган «Жерминал», «Ругонлар карьераси», «Ҳаёт» романлари, жиддий тортишувларга сабаб бўлган «Насл назарияси» муаллиф ижоди тўғрисидаги тасаввуримизни чалкаштириб юбориши мумкин, лекин «Бальзак хотираси», «Республика президенти жаноб Феликс Форга мактуб» («Мен айблайман»), «Қурбақа», «Ёшларга муурожаат», «Бўлажак министр» каби ўткир тилли сиёсий памфлетларини ўқиганингизда адиб дунёқараши ҳақидаги фикрларингиз бағоят тиниқлашади.

Чингиз Айтматов публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гап кетганда, адабиётшунос Л. Толкуновнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиздир: «Бизнинг ахлоқий-этик очерк ва мақолаларимиз ўқувчини жуда бўлганда ҳис этишга ўргатади. Албатта, бу яхши. Аммо шу билан кифояланиб бўлмайди. Энг муҳими, одамларни маълум бир муаммолар устида ўйлашга, фикрлашга ўргатиш зарур». Аниқ, конкрет ҳаётий муаммолар мушоҳадасидан иборат Айтматов публицистикаси ўқувчини, айти юқорида айтилгандай, ўйлашга, фикрлашга, баҳс-мунозарага чорлайди, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисалардан тегишли хулоса чиқаришга даъват этади.

Шу боисдан ҳам адибнинг йирик публицистик мақолалари, хусусан, ўтган асрнинг реал воқеаларига бағишланган ўй-мулоҳазалари бадиий асар каби қизиқиш ва мароқ билан ўқилади. Айтматов услубининг жозибаси шу қадар кучлики, ўқувчини ўзига бутунлай жалб этади.

«Чингиз Айтматов публицистикаси — ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билим савияси жуда кенг, жаҳон адабиёти дурдоналарини кўп ва ҳўб ўқиб, мағзини чаққан, гражданлик туйғуси кучли, мамлакат тақдирига чуқур дахлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказувчи, далил, ҳодиса ва жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур юксаклиги ҳамда теранлигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи дониш, етук, истеъдодли ёзувчининг публицистикасидир, — деб ёзади адабиётшунос С.Умиров. — Унинг очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари қамровининг кенглиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган далил ва мисоллар, босиқ ва эҳтиросли, чўнг ва тигдор фикрларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тилининг соддалиги, ширадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги... ва яна кўп фазилатлари билан ажралиб туради...»

Чингиз Айтматов ижодини кузатган кўпдан-кўп олимлар, мутахассислар адиб ўзининг ҳар бир янги асарида тамомила янги шакл ва мазмунга эришаётганини таъкидлашади. Ўқувчи ҳар гал янгича талқинга, кутилмаган ечим ва хулосага дуч келади. Бу нарса унинг публицистик мақолаларида ҳам кўзга ташланади. Ўқувчи Айтматовнинг суҳбатлари, сафар таассуротларини ўқир экан, айна Айтматовга хос ижтимоий-фалсафий умумлашмаларга, воқеа-ҳодисаларнинг конкрет таҳлили ва тадқиқига, қиёсий мушоҳадалар, аниқ ва қуйма ифодаларга дуч келади. Бунда шуниси эътиборга моликки, публицист суҳбатдошининг ҳар қандай ўткир, кутилмаган саволларига ҳам ўзига хос вазминлик, босиқлик билан ишонарли тарзда жавоб қайтаради ва бундай очиқ, мураккаб мулоқотдан ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини четга олмайди. Кўтарилаётган масаланинг

бирон-бир жиҳатини четлаб ўтмайди, аксинча сўзни, баҳсни ўша масаланинг нозик ўзагидан бошлайди. Бу жиҳатдан қараганда, Айтматов ўқувчиларига нисбатан анча «бешафқат». Чунки у енгил ечимлар, анъанавий усуллар ўқувчини дангаса қилиб кўяди, деб ҳисоблайди.

Адиб ва публицист Айтматов ўз ижодида мана шу мезонга ҳамиша амал қилади. Ўқувчини ҳозирги мураккаб оламнинг ўткир муаммолари сари дадил етаклайди, ўзи каби ўқувчи ҳам бу муаммолар қаршисида изтироб чекишини, азобланишини, йўл-ечимлар қидиришини, топганида биргалашиб роҳатланишини истайди. Иккинчидан, Айтматов ўз ўқувчиларини талабчан мураббий каби тарбиялаб, онг-шуурини тиниқлаштириб, янги фикрлар, қарашлар билан бойитиб боради, улар дунёқараши тобора тиниқлашиб боришини истайди, бир даража ёки бир ҳолатда узоқ вақт қолиб кетишини истамайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи олдига ҳар гал янги-янги вазифалар қўяди. Улар мағзини чақишга, моҳиятини англашга даъват этади.

— Гоҳо замонавий мавзуда ёзилган, аммо у ёки бу адабиётнинг миллий анъаналарига тўла мос келмайдиган асар муаллифига ола кўз билан қарашади, — дейди Ч. Айтматов суҳбатларидан бирида. — Менинг «Новый мир» журналида босилган «Бўтакўз» ҳикоямни айни шундай қабул қилишди. Ҳурматга сазовор адиблардан бири: «Бу қанақа одамлар ўзи? Хулқи, характеридан кимлигини билиб бўлмайди. Қирғиз ҳам эмас, ўрис ҳам, бориб турган дурагай», деб қолди. Бу эътироз, ҳатто тўғри бўлганида ҳам, хафа бўлмасдим. Чунки, синчиклаб қаралса, тушуниш мумкин: қаҳрамонларим — ўша қирғизлар, фақат янги авлод, янги давр қирғизлари. Юқоридаги эътирозлар эса миллий маҳдудликка олиб келади. Ахир шароитни, вақтни, конкрет ҳолатларни, касб-корни ва ниҳоят, энг муҳими — янги одамлар руҳий оламини ҳисобга олиш керак-ку. Одамларнинг айни фикри-зикрида, табиати, хулқ-атворида ғоят чуқур ўзгаришлар юз берди. Биз энди, турли миллат вакиллари, ҳаётнинг жуда кўп томонларига ягона нуқтаи назар билан қараймиз, хулосаларимиз, баҳолаш ўлчовларимиз бир хил. Ахир,

қачонгача, масалан, қирғиз адабиётида тезак тутуни, қимиз, кўй, тери ҳиди каби «миллий ўзига хослик»-нинг «мажбурий» атрибутлари билан, худди бир вақтлар айрим рус ёзувчилари пўстинли мужикка ёпишиб олганларидай, фахрланиб юрамиз. Бугун бизга бензин, машиналар, тракторларнинг ҳиди анча яқин, механизациялаш, тараққиётнинг замонавий суръатлари билан боғлиқ нарсалар ҳаётдан кетаётган, йўқолаётган нарсалардан кўра бизга яқинроқдир...

Айтиш зарурки, Чингиз Айтматовнинг «Бўтакўз» ҳикояси эмас, бошқа бир қатор асарлари, жумладан, «Жамила», «Юзма-юз» қиссалари ҳам шундай эътирозларга сабаб бўлган. Бунинг ўзига хос «сабаб»лари ҳам бор. «Бўтакўз» ҳикояси қаҳрамонларига эътибор беринг: «Академик» лақабини олган, «ҳозиргача арванинг шотисини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган» Камолнинг сўзлари: «Нега таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувоқзор, шўр босиб ётган кенгликларни кезиб чиқишим керак экан? Қаёққа назар ташлама — қуп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдоқ дала. Бу ерда одамзод учун нима бор? Унинг яшаши учун бошқа жой қуриганми?»

Абубакирнинг таърифи: «Мунча баджаҳл, мунча захар бўлмаса. Юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари арслон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг ғажиб ташлайди».

Садабекнинг хотини Алдей (Садабек билан Абубакир уришиб қолганида Абубакирга): «Қани, тегиб кўрчи! Кўзларингни ўйиб олайки, ўзингни ўзинг танитай қолгин».

Сақмончи қиз: «Ўзимнинг ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди. Кўзиларим ҳам зилол сув қанақа бўлишини билсин дедим! Кўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман...»

Камол: «Вақти-соати етса, мен ҳам ўқимоқчиман. Бироқ мен механизация мактабига кираман...»

Бир қарашда Чингиз Айтматов ҳақиқатан ҳам миллий адабиёт анъаналаридан четга чиқаётгандай. Ахир,

қаёқдан келиб қолди бунақа дурагай қахрамонлар — қирғиз бўлса, овулда яшасаю шу чоққача бўйинтуруқни билмаса? Қачондан бери яйдоқ дала, шuvoқзору янтоқзорлар унга бегона бўлиб қолди? Қаёққа кетмоқчи? Ҳамма кетаверса, ҳамма университетда, механизация мактабида ўқиса, яйловда ким қолади, чорвани ким боқади? Бу ҳам майли, қирғизлар шунақами — заҳар, баджаҳл, кўзлари важоҳатли, сал нарсага қонга тўлади. Аёл киши «кўзингни ўйиб оламан», деб турибди. Жамила қозоқ йигити билан қочиб кетди, унга эрининг укаси кўмаклашди. Урушдан қочиб келган биринчи киши қирғиз бўлиб чиқди. Бу нима? Миллат шаънини ерга уриш эмасми?

Бу саволларнинг жавоби Чингиз Айтматов асарларининг мағзидан келиб чиқади: ҳаёт, одамлар ўзгармоқда. Дунёвий воқеа-ҳодисалар онг-шууримизда, турмуш тарзимизда ўз ифодасини топаётир. Инсоният тақдири ягоналик томон юз бурди. Аммо бу — ҳамма нарса умумлашмоқда, бир-бирига қўшилмоқда, дегани эмас. Чингиз Айтматов дейдики, ҳар бир миллий адабиёт олдида умуминсоний, умумбашарий вазифалар билан бирга, фақат шу адабиётга хос бўлган миллий вазифа ҳам туради. Аммо «миллийлик» тушунчасини тўғри англамоқ лозим. Чунки бугун бу тушунча инсон ҳаётининг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шундай экан, «миллий вазифа» замирига қандайдир «миллий алоҳидалик, маҳдудлик» тушунчасини сингдириш, бир миллатнинг иккинчи бир миллатга нисбатан гўеки улуғлигини исботлашга уриниш каби ҳаракатларни мутлақо оқлаб бўлмайди. Бундай ҳаракатлар, охир-оқибатда, маънавий қашшоқликка олиб келади. Бордию «миллийлик» дейилганда гап у ёки бу миллатнинг қадим мозийдан то шу кунларгача етиб келган урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, айни шу халққа, шу миллатга мансуб турмуш тарзи, таомиллари, лутфи, тили, иймон-этиқоди ва сажиясини, яъники миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш устида бораётган бўлса, бундай ҳаракатларни умуминсоний тараққиёт манфаатларига мос келмаслик деб баҳолаш мутлақо ўринсиз. «Умуминсоний маданиятнинг, ҳатто бир зарраси йўқолса, унинг ўрнини тўлдириш мумкин эмас», дейди адиб.

Чингиз Айтматов ижодини чуқур таҳлил этган таниқли адабиётшунос олим Қамбарали Бобулов: «Чингиз Айтматовнинг қирғиз адабиётига кириб келишини ҳеч ким сезмагандек ва ҳатто унинг дастлабки ҳикояларига ҳеч ким эътибор бермагандек бўлди, — деб ёзган эди. — Аммо зийракроқ ўқувчи қирғиз адабиёти остонасида аниқ гражданлик ва ижодий позицияга эга бўлган таланти ёзувчи турганлигини пайқашни қийин эмасди».

Бу фикрни Айтматов журналистикага ҳам худди шундай кириб келди, деб давом эттириш мумкин. Унинг дастлабки мақолалари студентлик йилларига тўғри келади — қишлоқ хўжалик институтининг талабаси, бўлажак агроном, кутилмаганда қатор луғатлар, олий ўқув юртлари учун тайёрланган дарсликлар, турли қўлланмалар ва рус классик ёзувчиларнинг қирғиз тилига ўгирилган асарларида йўл қўйилган нуқсонларни танқид қилиб майдонга чиқади.

Ёзувчи шундай хотирлайди: «Қишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган пайтларимда газеталар учун жуда кўп мақолалар ёзганман. Ёшлар ҳаётига оид бир қатор муаммоларни дадил кўтариб чиқар эдик. Газеталарда босилаётган мақолаларнинг саёзлиги, қуруқ, ҳеч кимга кераксиз гаплардан иборатлиги мени ажаблантирарди. Бунақада газеталарни ҳеч ким ўқимай қўйиши мумкин-ку, дея хавотирга ҳам тушардим. Шуларни ўйлаб, одамларни қизиқтира оладиган фактларни тўплаб, мақола ёзишга киришганман. Баъзан яхши чиқарди, баъзан эса айтмоқчи бўлган фикримни ифода эта олмай қийналар эдим. Бир нарса ҳамон эсимда. Институтдан аввал, Жамбулдаги зооветеринария техникумида ўқиб юрган кезларим «Кўксой» совхозига амалий машғулотлар ўтказиш учун чиқар эдик. Билсангиз керак, чорвада қирқим деган мавсум бўлади. Қўйларнинг юнгини олиб давлатга топшириш керак. Вақт зиқ, иш жуда унумли уюштирилган эди. Мен ўзим ташкил этган «Қирқимчи» газетасининг муҳаррири эдим. Ким қанча ишлади, ким ишламай кунни кеч қилди, кўрсаткичлар, натижалар, мусобақа ғолибларини ёзиб, такасалтангларнинг суратларини чизиб, зўр қилиб чиқарар эдик...»

1959—1960 йиллари Ч.Айтматов «Литературный Кыргызстан» журнаliga муҳаррирлик қилади. Айтматов имзо чеккан журнал номерлари билан танишган киши уларда кескин сифат ўзгариши юз берганлигини сезиши мумкин. Журнал материалларида илмий таҳлил, ошкора баҳс-мунозара кучаяди. Матбуотда бўлажак адибнинг «Тянь-Шанлик аёл», «Инсонга таъзим эт, Зарафшон», «Нон, инсон ва она юрт ҳақида» очерклари, «Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар», «Чўпоннинг янги ўтови қани?» фельетонлари, «Ҳаётнинг буюк ҳақиқати», «Янги доvon» каби йирик таҳлилий мақолалари эълон қилинади ва улар Айтматовнинг иқтидори журналистикада ҳам бадиий адабиётдаги каби баланд эканлигидан далолат беради.

Инсон ва табиат мавзуси Айтматовни то ҳануз безовта қилаётган муаммолардан биридир. Бу муаммо ўтган аср ўрталаридаёқ жаҳоннинг ҳамма ерида одамларнинг мураккаб ташвишларидан бирига айланган эди. Расмий маълумотларга кўра, кейинги 30—40 йил давомида дунё миқёсида 200 дан ортиқ ҳайвонот тури бутунлай йўқолиб кетган. 600 хил ҳайвон ва қушларнинг қирилиб битиш хавфи бор. 80 хил парранда, 1500 га яқин ноёб ўсимликлар тамомила йўқолиб битиш арафасида турибди. Бу рақамларга ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўрмонларни, ботқоққа айланган экинзорларни, қаровсиз боғ-роғларни, шўр ва зах босган майдонларни, кесилиб битаётган арчазорларни, қуриётган дарёлар, қўллар, сойлару чашмаларни қўшадиган бўлсак, муаммо нақадар ташвишли эканлиги ойдинлашади. Шу боисдан ҳам журналист ҳаяжонда: «Боғда, хиёбонда ёки кўчада ўсаётган дарахтга кўпчилик озор етказмайди, чунки унга одамларнинг меҳнати синган. Ўрмонда бўлса, дарахтларни ҳеч ким ўтқазмаган, парвариш ҳам қилмаган. Гўё эгасиздай, ҳеч кимникидай ўзлари униб, ўзлари ўсиб ётибди. Шунданми, уларга ачиниш йўқ — хоҳлаган одам синдириб, кесиб кетаверади. Ҳозирча ўрмон етарли, аммо ҳар битта дарахт ёнига биттадан қоровул қўйишнинг иложи йўқ. «Қоровул» одамнинг ўзида, онгида бўлмоғи керак. Буни уларга англатиш, англатиш, англатиш зарур».

Айтматов публицистикасида тилнинг жимжимадор, безакли ифодалари, тагдор, қочиримли лутфлар, сўз

ўйинлари, атайин ўйлаб топилган мафтункор иборалар кўзга ташланмайди. Унда фикр жўшқинлиги, илмийликка яқин мушоҳада, ҳаётий умумлашмалар ус-тунлик қилади. Унинг фикрича, ёзувчи нечоғли муҳим мавзуга қўл урмасин, шаклда новаторлик қилмасин, агар истеъдодсиз бўлса, ўқувчига айтадиган гапининг салмоғи бўлмаса, ёзганлари барибир афтодаҳол бўлиб қолаверади. «Бундай асарлар маҳорат билан ёзилган бўлса-да, маънавий ва бадиий тўлақонликка даъво қила олмайди, — дейди адиб.

— Одамлар қандай ишлаётганини, хўжаликка доир қандай муаммоларни ҳал этаётганларини тасвирлаш — замонавийликнинг ўзи, деб ҳисоблайдиган ижодкорлар бор. Шундан кейин қарабсизки, оддий электр соқололгичдан бошланиб, то космик йўлдошгача — ташқи белгиларни тасвирловчи зерикарли занжир бошланади. Эсимда, бир муаллиф Москвани биринчи бор кўраётган қаҳрамони поезддан қайси вокзалда тушгани, метронинг қайси бекатларидан ўтгани, қайси кўргазмаларни бориб кўргани, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилганини эринмай ёзди. Мана шу замонавийлик эмиш».

Чингиз Айтматов бадиий асарларида ҳам, публицистик мақола ва суҳбат-интервьюларида ҳам меҳнат кишилари, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига жиддий эътибор беради. Меҳнат кишисининг ҳақ-ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қиладики, мен буни публицистиканинг асосий хусусияти деб биламан. Шу жиҳатдан қараганда «Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар» сарлавҳали очик хати ўз вақтида кагта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Унда урушда ҳалок бўлган жангчининг қизи Асилгул Абдалиеванинг аянчли тақдири тасвирланган. Публицист бу гал меҳнат кишисининг хўрланиши, ҳуқуқининг поймол этилишига қарши исён кўтаради.

...Асилгул эндигина 14 ёшга қадам қўйган эди. Дугоналари қатори ҳар куни қишлоқ мактабига қатнар, сўнг эса амакисига уй юмушларида қарашар эди. Бир куни мактабдан келаётганида нотаниш бир кимса йўлини тўсиб чиқади. Қизнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай олиб қочиб кетади. Асилгул ўзига зўрлик билан

уйланиб олган «эри» — қўшни колхозлик Деҳқонбой Биримқуловникидан неча бор қочишга ҳаракат қилди, аммо «куёв» билан тил бириктириб олган амакиси Ашим Барпиев бунга йўл қўймайди. Кейинчалик маълум бўладики, Асилгулнинг олиб қочилиши унинг розилиги билан бўлган экан.

Деҳқонбой ишёқмас, ялқов, ичкиликка муккасидан кетган бир кимса эди. Уйига маст ҳолда келиб, Асилгулни бўлар-бўлмасга калтаклайди, тинимсиз ҳақоратлайди. Яшаб турган уйларини ичкилик туфайли орттирган қарзини тўлаш учун сотиб юборади, ишда бир аёлни уриб, қамалиб кетади. Асилгул онаси ёнита қайтади, сотувчи бўлиб ишга жойлашади. Бу орада қамоқ муддатини ўтаб қайтган Деҳқонбой яна Асилгулга ёпишади. Рад жавобини олгач, қизнинг қариндошларини ишга солади. Деҳқонбой билан ярашишни истамагани учун амакиси Асилгулни ишдан бўшаттиради. Сабр косаси тўлган Асилгул колхоз ҳайдовчиси Анорбой ёрдамида шаҳарга йўл олади, қоронғи тунларнинг бирида ҳамқишлоғи Чингиз Айтматовнинг эшигини қоқди.

Бу воқеа адибни ҳаяжонга солади. Наҳотки рост бўлса? Наҳотки овулда кўнгли ўксик бир қизни ҳимоя қиладиган бирорта одам топилмаган бўлса? Хўжалик раҳбарлари, қизча отасининг қуролдош дўстлари, қолаверса, қишлоқ кенгаши ходимлари қаёққа қарашди экан? Журналистнинг очиқ хати ҳар қандай юз-хотирлардан холи, ўқиган ҳар қандай кишини бифарқ қолдирмайдиган даражада таъсирчан ва аини пайтда, самимийлиги билан ҳам ўқувчини ҳаяжонга солади.

Бундан кўринадики, бадиий публицистика Чингиз Айтматов ижодининг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Унинг газета ва журналларда эълон қилинган кўпдан-кўп мақолалари, суҳбат-интервьюлари алоҳида китоб ҳолида бир неча бор нашр этилган. Бу тўпламлар ёзувчининг бадиий асарлари каби мароқ билан ўқилади. Гап шундаки, публицист-адиб жамиятда, дунёда кечаётган турфа хил жараёнларга биринчилардан бўлиб муносабат билдиради. Теран мушоҳадаси, бой ҳаётий тажрибаси ва ўзининг таъбири билан айтганда, «ички бир сезим билан» воқеа-ҳодисаларни

шарҳлайди. Чингиз оға иштирок этган кўпдан-кўп анжуманларда, давра суҳбатлари ёки матбуот конференцияларида бир нарсага амин бўлганман — адиб суҳбатдошларининг фикрини диққат билан тинглайди, саволлар нечоғли мураккаб бўлмасин, бирортасини жавобсиз қолдирмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг мустақил фикрини айтади. Ўринсиз тортишмайди, ҳис-ҳаяжонга берилмайди.

Бир вақтлар кимнингдир «Ҳатто пайғамбарлар ҳам ҳаммага ёқмаган», деган гапини эшитган эдим. Чингиз Айтматовни бутун дунё хурмат қилади, китобларини пешма-пеш нашр этишади. Бирор-бир адабий анжуманда қатнашадиган бўлса, мухлислари учун байрам бўлиб кетади. Аммо... ўз ватанида бундай эмас. Изоҳига ожизман, лекин Бишкекда «Айтматовни айблаш академияси» ташкил этилгани, баъзи матбуот саҳифаларида унинг шаънини ерга урувчи бўлар-бўлмас мишмишларнинг мунтазам чоп этилиши, шоввоз ноширлардан бири «Айтматовнинг маъшуқалари» номли тўплам чиқаргани факт. Бир галги учрашувда бу тўғрида гап очилган эди, Чингиз оға ўзига хос вазминлик билан «Бундай пасткашликларга эътибор бермайман, ожиз, ношуд, қўлидан бошқа бирорта фойдали иш келмайдиган, фиску фасодни касб қилиб олган одамгина шундай қилади», деб қисқа ва лўнда жавоб қайтарди.

Чингиз Айтматов ижодини ўрганувчилар орасида унинг бадиий публицистикасига қизиқаётганлар ҳам оз эмас. Янглишмасам, бу мавзуда бир неча номзодлик диссертациялари ёқланган. Қирғизистонлик бир гуруҳ тадқиқотчилар бундан бирмунча муддат аввал («Кассандра тамғаси» нашр этилмасидан олдин) бир неча минг киши иштирокида сўровлар ўтказишган. Унинг натижаларига кўра, сўралганларнинг 77 фоизи Чингиз Айтматовни қирғиз адабиётидаги энг сеvimли ва сермахсул ёзувчи деб эътироф этишган. Ундан кейинги ўринларни Али Тўқомбоев (34%), Т. Сидиқбеков (30%), Темирқул Уметалиев (28%), Насриддин Бойтемиров, Суюнбой Эралиев, Тўлаган Қосимбековлар (24% дан) эгаллашган. 77 фоиз киши «Собиқ иттифоқ миқёсида энг сеvimли ёзувчингиз ким?» деган саволга, Айтма-

тов, деб жавоб қайтаришган. Тадқиқотдан яна шу нарса маълум бўладики, сўровларда иштирок этган 14—20 ёшлиларнинг 31 фоизи, 21—30 ёшлиларнинг 48 фоизи, 31—40 ёшлиларнинг 39 фоизи, 41—55 ёшлиларнинг 57 фоизи ва 56—75 ёшлиларнинг 87 фоизи Чингиз Айтматовнинг публицистик руҳдаги мақолаларини унинг бадиий асарлари каби мунтазам ўқиб борадиган эканлар. «Чингиз Айтматовнинг асарлари сизга қандай таъсир кўрсатди?» деган саволга 54 фоиз киши «Маънавий-ахлоқий ўсишимга», 46 фоиз киши «Бадиий-эстетик қарашларимнинг шаклланишига (ўсишига), 13 фоиз киши эса «Ақлий-интеллектуал ривожимга ёрдам берди», деб жавоб қайтаришган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Чингиз Айтматовнинг кўплаб публицистик мақолалари собиқ тузум даврида ёзилган, бинобарин, шу тузумнинг мақсад-муддаоларига бевосита хизмат қилган. Буни унинг ўзи ҳам инкор этмайдди. Масалан, йирик публицистик мақолаларидан бирида адиб қирғиз халқининг бугунги бахтли тақдирини, фаровон ҳаётини бевосита Октябрь воқеалари билан боғлайди. Шулар туфайли жафокаш элим пешонасига офтоб тегди, келажак сари йўлини топиб олди, дейди. Мен бу гапларни танбеҳ маъносидан айтаётганим йўқ. Бундай гаплар деярли ҳаммада бўлган. Гап шундаки, журналхонларда Чингиз ога кейинчалик уларга бирор-бир муносабат билдирганми, деган савол туғилиши ҳам табиий. — «Менинг кўплаб публицистик мақолаларим аввалги замоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёзилган ва буни мутлақо инкор қилиб бўлмайди, — дейди у суҳбатларидан бирида. — Бинобарин, уларнинг ҳаммасини бир хилда баҳолаш мумкин эмас. Аммо айтишим жоизки, ўшанда ҳам имконият ва имкониятим даражасида кўнглимда бор гапни айтишга ва ёзишга ҳаракат қилганман, узоқроқни кўришга интилганман. Бугун энди айни шу масалани анча-мунча нордон гаплар бўлаётганидан хабарим бор ва мен буни тўғри тушунаман. Ҳар ким ўзи тўғрисидаги ҳақиқатни ўзи айтиши керак...»

Бундан англашиладики, публицистикада, бадиий ижодда ҳам айтилмоқчи бўлган фикрнинг мавжудлиги ва уни айта олиш маҳорати муҳим экан. Қозонда бўлса

чўмичга чиқмай қолмайди. Бунга мисоллар кўп. Баъзи муаллифларимизнинг «Биз ҳам қараб турмаганмиз, ёзмоқчи бўлганмиз, ammo йўл беришмаган, имкони бўлмаган...» қабилидаги гаплари нари борса кўнгил юпанчидан бошқа нарса эмас.

Тошкент Давлат университетини битираётган йилим Чингиз Айтматовнинг публицистик маҳоратини ўрганиш мақсадида ҳозирги Бишкек шаҳрига бориб, марказий кутубхонада бир муддат ишлаганман. Ўша пайтлари қирғиз киночиларига бош бўлиб турган Чингиз оға кутубхона раҳбарларига «Ушул жигитге жардам бериниз», деган икки энлик хат ёзиб берган. Ишим битгач, ийманибгина у кишининг идорасига келдим. Раҳматли шоир Жўлон Мамитов Чингиз оғанинг ёрдамчиси экан, менинг Турсунбой Адашбоевга ҳамқишлоқ эканлигимни билиб, ёзувчи билан яна бир бор учрашишимга кўмаклашди. Минг хижолат билан ичкарига кирдим. Чингиз оға муқовасига «Бунин» деб ёзиб қўйилган китобни ўқиб ўтирган экан.

— Хўш, йигитча, ишларинг битдими? — сўради у мен билан қўл бериб сўрашар экан ва жавобимни кутмай қирғизчалаб деди:

— Маға қандай суроо бар?

Шу ерда айтиб қўяй. Биринчи учрашувимизда мен у киши билан қирғиз тилида сўзлашишга ҳаракат қилган эдим. Бундан у киши кўп хурсанд бўлди:

— Тил билуу абдан жақши. Арекет қил.

Саволларим анчагина эди. Ҳаяжон босиб, янглишиб қолай дедим. Биринчи бўлиб «Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар» фельетонидаги Асилгулни эсладим ва унинг кейинги тақдирига қизиқдим. Чингиз оға бўлган воқеани бир бошдан гапириб берди. Асилгул ҳозир овулда яхши яшаётганини, яқинда ундан мактуб олганини айтди.

— «Сарвқомат дилбарим»даги Асал образининг прототиби шу Асилгул бўлса керак, — деб сўрадим.

— Асал тўқима образ, — деди у, — ammo сен тўғри пайқабсан, Асилгулнинг Асалга ўхшаган жойлари бор.

Бу гапдан сўнг бир оз дадиллашдим:

— «Момо ер»даги Тўлғаной очеркларингиздан би-

рининг қаҳрамони Телегей Алмамбетовнага ўхшаб кетади...

— Буни-да яхши пайқабсан, — деди ёзувчи ва ён дафтаримга фикрларини ёза бошлаганимни кўриб, туншунтира кетди:

— Сен яхши билишинг керакки, ёзувчи бадиий асар устида иш бошлар экан, ҳаётда бўлиб ўтган, кўз ўнгида кечган, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, одамларнинг тақдирлари, қийинчиликлар, адолатсизликлар кўз ўнгидан ўтади. Асар сюжетини ишлашда шу воқеаларнинг таъсири, албатта, бўлади. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ёзган китобларни ўқиган бўлсанг керак, уларнинг энг йирик полотнолари бевосита ҳаётнинг ўзидан олинган. Тошкентда бўлганимда, менга Ойбек Алишер Навоий тўғрисида роман ёзишдан аввал бу генийнинг (Айтматовнинг таърифи) ҳаётини чуқур ўргангани ва илмий мақолалар ёзганини айтиб беришган. Менда ҳам шундай бўлган бўлиши мумкин, буни тўғри сезибсан. Лекин бундан бадиий асарда фақатгина ҳаётда юз берган, бўлиб ўтган воқеалар акс этади, асар қаҳрамонларининг жонли прототиплари бўлади, деган фикр келиб чиқмайди. Бу тўғрида адабиётшуносларнинг фикри бошқача бўлиши мумкин, аммо менинг ўйимча, бадиий асар, энг аввало, ёзувчи тафаккурининг меvasидир.

Бир вақтлар матбуотда Чингиз Айтматовнинг «Чўпоннинг янги ўтови қани?» деб номланган танқидий мақоласи эълон қилинган эди. Унда олис яйловларда қиш-қировли кунларда қўйчивонлик қилаётган чорвадорларга хизмат кўрсатишнинг аҳволи қаттиқ танқид қилинган. Худди шу ҳолатни адабнинг «Алвидо, Гулсари» повестида ҳам кўраимиз.

Шу ўринда ўзим кузатган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Айтматов қаламига мансуб очерк ва мақолалар аксарият ҳолларда муаллифнинг ўзига хос «кириш сўзи», газетхонга, воқелик кечаётган заминга ёхуд очерк қаҳрамонига қаратилган лирик муножаати, поэтик хитоби билан бошланади: «Зарафшон, Зарафшон, қадимий дарё, бошингдан не-не воқеаларни ўтказмадинг...», «Фаллакор қадрдоним! Сен ҳозир даладасан, сен ҳозир йўлда рулни моҳирлик би-

лан бошқариб бормоқдасан, сен ҳозир гуриллаб ишлаётган дон омборидасан, кечалари уйқу нималигини билмайсан, мамлакатимизнинг тарихи ва тақдири шу кунларда сенинг қадоқ қафтларингга боғлиқ. Сен ҳозир ғалла етиштирмоқдасан. Бу иш инсон зотининг мангу ва ўлмас ишидир. Бордию тенги йўқ оқин бўлганимда ҳам бу меҳнатни қалбан англаганимдек, юракдан ҳис этганим даражасида куйлай олардим, деб айта олмайман...», «Телегей Алмамбетовна, сиз ҳақингизда менадан аввал ҳам ёзишган. Аслини олганда, сизнинг тарихингизни ҳаётнинг ўзи аллақачон ёзиб қўйган, биз бўлсак, жуда бўлганда уни қоғозда такрорламоқдамиз, холос...», «Салом, ривоят ва афсоналар ўлкаси — хаёлан мурожаат этдим мўғул ерига...»

Устюрт ҳақида ёзилган публицистик мақола ҳам адибнинг ўзига хос лирик хитоби ва мавзуга кириш шарҳи билан бошланади: «Устюрт, Устюрт, қозоқлар сени шундай аташган. Салом, Оролдан то Каспийгача қулоч ёзган бепоён кўриқ. Салом, оқ буғдой, умринг узоқ бўлсин, оқ буғдой... Ҳаётим шундай кечдики, Жувалидан узоқ-узоқларга кетдим. Қанча узоқ кетмайин, оқ буғдой ўсадиган бу ерни унутмадим. Буғдой ўрилишини соғинганимда худди денгизни соғингандай уни соғиниб эсладим, нотаниш тупроқ, нотаниш денгизлар оша ўзга мамлакатларга учганимда Жували доимо хаёлимда турди. Қозоқларнинг бутун Ўрта Осиёда машҳур «Оқ буғдой» кўшигини эшитганимда ўзимча хурсанд бўлиб, Жувалини ўйлаб кетардим...»

Бундай лирик чекинишлар Айтматовнинг бадиий асарларига ҳам кўчган: «О, муаззам Энасой дарёси! Сенинг қаърингга тоғни қулатса, у бир харсангдай жо бўлади. Агар юз йиллик қарағайни ташласа, уни чўпдай оқизиб кетасан. Кел энди, икки қум заррасини — икки инсон боласини бағрингга олгин. Уларга ер юзида жой йўқ. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Агар юлдузлар одамга айланиб қолса борми, осмон уларга торлик қилиб қолади. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Ол, бу болаларни, улоқтириб кет. Қўй, улар бу манфур дунёмизни гўзалликда, тоза қалб билан, болалик ҳисси билан, ҳаёсиз ёвуз ният ва ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгур-

масданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб-укубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам гам-аламига сабабчи бўлиш уларга насиб этмасин. Ол буларни, ола қол буларни, кудратли Энасой...»

«О, Анорхой, о бепоён дашт! Нега сукут сақлайсан, нималар ҳақида хаёл сурасан? Асрлар давомида нималарни сир сақлаб келаяпсан, олдинда сени нималар кутмоқда?».

«Соҳил бўйлаб чопаетган олапар» асаридан: «Шамол, эсавер, кетиб қолма. Номинг нима билмайман, Аткичх Урхон бўлганида номингни айтиб берарди. Аммо сен менга ака бўл. Кетиб қолма, шамол, ўзингни бошқа ёққа олиб қочма. Ахир сен қанча хоҳласанг, шунча узоқ эсаверасан-ку. Шамол, менга мадад бер, кетиб қолма... Сени яхши кўраман, юлдузим. Сен жуда баланд ва узоқдасан... Ёлвораман, кетиб қолма, бир жойда тўхтаб тур, ҳеч сўнма. Сен томонга сузиб кетяпман! Тўлқинлар, сиз қайиғимни ҳайдаб боряпсиз, сиз ҳозир қандай яхшисиз. Мен сизларни аки Милхун тўлқинлари деб атайман! Аки Милхун тўлқинлари, кетиб қолманг, йўлдан адашманг...», «Олам-олам бўлиб яралгандан буён кун тунга ҳомила бўлиб, тун кунга ҳомила бўлган замонлардан буён аҳвол шу — икки кудратли куч ўртасидаги олишув давом этади: бундан буён ҳам шу, куну тун, туну кун, токи ер билан сув бор экан, улар абадулабад шундай курашаверади...»

«Кунда» асаридан: «Сўзларимни тингла, эй она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай букюрган бўлса, тирикликни шундай адо эт!»

Адиб қаламига мансуб асарларда бадиий публицистикага хос элементлар у ёки бу шаклда кўплаб учрайди. Қуйидаги мисоллар адибнинг «Қиёмат» асаридан олинган: «Ҳаёт чархи абадий айланиб туради, ҳамма нарса келади ва ҳамма нарса кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англлатмоқчи, ифодаламоқчи, ўзидан нишон қолдирмоқчи бўлади...», «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган за-

монлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина етишганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади! Шунинг учун биз айта олмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган».

Бу мулоҳазаларга батафсил тўхталаётганимнинг боиси шуки, адиб ижодида бадиий асар ва бадиий публицистика деярли уйғунлашиб кетган, кўп ўринларда бири иккинчисига, муаллиф ибораси билан айтганда, «ҳомила» бўлган, бири иккинчисини тўлдирган ёхуд давом эттирган. Шу сабабли ҳам адиб ижодини унинг публицистик мақолалари билан бирга ўрганиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Айтматовнинг бутун ижоди, йирик маданият арбоби сифатидаги фаолияти урушни лаънатлаш, инсониятни бу ёвуз хатардан халос қилиш ғояси билан суғорилган. Биргина мисол. Собиқ мафкура хуружга минган етмишинчи йилларнинг охирида Софияда Болгария ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан «Ёзувчи ва дунё: Хельсинки руҳи ва маданият арбобларининг бурчи» мавзуида дунё адибларининг халқаро учрашуви бўлиб ўтади. Ана шу анжуманда қирғиз адиби Чингиз Айтматов сўзлаган нутқни, ҳеч муболағасиз, адибнинг катта жасорати, деб баҳолаш мумкин. Негаки, Айтматов кутилмаганда жаҳоннинг икки қудратли давлати ўртасида олиб борилаётган шиддатли, аммо маъносиз қуролланиш пойгасининг аянчли оқибатларидан сўз очади. Бу пойганинг адоғи йўқ, дейди. Ўтган асрнинг етмиш еттинчи йилида айтилган гап бу.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус қўмитасининг апартеид сиёсатига қарши махсус сессиясида қатнашган Чингиз Айтматов бу сиёсатни XX асрнинг энг шармандали воқелиги, деб баҳолайди. Биз бунга бефарқ қараб тура олмаймиз, бировларнинг бошқа бировларга нисбатан адолатсизлигини, зўравонлигини, мақсадига эришиш учун қурол кучидан фойдаланаётганлигини, меҳнатни биров қилиб, ҳузурини бошқалар кўраётганини, одамлар ўз ерлари неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганини мутлақо оқлаб бўлмайди, дейди. Унинг фикрича, халқлар тари-

хи ва тақдирини, маданиятини, турмуш тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ муаммоларни дўқ-пўписа билан, қурол кучи билан, чеклашу тақиқлар билан ҳал этиб бўлмайди. «Азалдан маълумки, — дейди публицист, — эзилган одамгина қул эмас, уни эзаётган, хўрлаётган эзувчининг ўзи ҳам қул. У ўз зўравонлигининг қулидир. Кимки ўзгалар эркини чекласа, у ўзининг эркини ҳам чеклайди. Бундай зўравонда ички эркинлик бўлмайди».

Чингиз Айтматов уруш муаммоларига бағишланган неча ўнлаб мақолаларида, суҳбатларида айна шу ҳақиқатни такрор-такрор айтишдан чарчамайди. Бадий адабиётда бўлса, «Жамила», «Момо ер», «Эрта келган турналар» каби ўлмас асарлари билан урушни лантлайди.

Шу ўринда унинг яна бир буюк гапини эслатиб ўтмоқчиман. — «Тарихнинг нотантилиги шундаки, — дейди адиб уруш мавзуидаги суҳбатларидан бирида, — инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиғи қурийди. Афсуски, бу қурбонлар халқ хотирасида умумий бир тарзда қоладилар, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймиз? Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати ҳам шунда».

Бир вақтлар машҳур қирғиз драматурги Мар Бойжиев адабиётнинг миллийлик хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, «Чингиз Айтматовнинг миллий мавзуда бадий асар яратиш тажрибаси бизга ҳалақит қилмоқда. У бу ишни шу даражада қойилмақом қилиб бажардики, бундан бу ёғига биз учун иккита йўл қол-

ди, холос, у ҳам бўлса ё бу мавзуда Айтматовдан ўтказиб ёзиш (аминманки, бунинг сира иложи йўқ) ёки бу ишга мутлақо қўл урмаслик», деган эди. Мана шундай баҳога сазовор бўлган адиб кейинги йилларда миллийликдан сезиларли даражада узоқлашди, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Москва газеталаридан бирида эълон қилинган мақолада «Айтматов собиқ Иттифоқнинг парчаланиши арафасида ўзини четга олди, узлатга чекинди, ўзи мансуб бўлган миллат тақдирига бепарво қараб, Европанинг гўзал ва осойишта гўшаларидан бирида роҳатини қилиб юрибди», деган фикр олға сурилади. Бундай қарашларни Бишкекдаги адабий гурунгларида ҳам эшитиш мумкин.

Айтматов ўзини четга олди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Ёзувчи қаерда яшамасин, қандай ҳолатда бўлмасин, миллий туйғуларидан воз кеча олмайди. Элчи сифатида дунё мамлакатлари бўйлаб кезар экан, жаҳоннинг нуфузли минбарларида, энг аввало, ўз халқи, миллати манфаатларини собитлик билан ҳимоя қилади. Лекин...

Кейинги беш-ўн йил ичида Қирғизистонда жиддий воқеалар рўй берди. Жамият ҳаётида табақаланиш жараёни кучайди, тор ҳудудий манфаатлар, маҳаллийчилик кайфиятлари устуворлик қилди. Мамлакатнинг қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари сусайди. Парламентга ўтказилган сўнгги икки сайловда номзодлар овоз тўплаш учун номақбул жамики воситалардан фойдаландилар. Айрим жойларда мансаб учун кураш ошқора савдога айланди. Бир вақтлар «Демократия ороли» деб ном олган мамлакат ҳаётида кўча митингбозлиги, демократик тамойилларни суиистеъмол қилиш, мансабни зўрлик, зўравонлик билан эгаллаш каби хатти-ҳаракатлар кўзга ташланди.

Албатта, бу ҳолат бир кеча-кундузда юзага келгани йўқ. Қирғизистонлик кузатувчиларнинг фикрича, бу — узоқ йиллик сиёсий фаолиятсизликнинг, огоҳсизликнинг, узоқни кўра олмаслик қусурининг натижасидир. Аҳволнинг шу даражага келишида эса маъмурлар билан бирга зиёлиларнинг ҳам айби бор. Уларнинг кўзи очиқ, виждони уйғоқ бўлиши керак эди. Бу энди менинг шахсий фикрим эмас, қўшни мамлакатда бугун

мавжуд бўлган фикр. Мана шу нуқтада Айтматовга нисбатан айрим эътирозлар билдирилмоқда ва бу эътирозларда маълум асослар ҳам бор, деб ўйлайман. Менинг назаримда, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаётидаги танглик чуқурлаша бошлаган кезларда Айтматовнинг бир вақтлар жуда мағрур янграган таъсирчан сўзи, фикри, аниқ позицияси зарур бўлди ва бу нарса узоқ кутилди. Жамият ҳаётида асоссиз ҳиссиётларни жиловловчи, тўғри йўлни кўрсатувчи, парокандалик ва бошбошдоқликнинг йўлини тўсувчи сўзга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу эҳтиёж бугун ҳам бор. Афсуски, бу сўз янграмади. Айтматов, энг аввало, миллий ёзувчи, миллий зиёлиларнинг карвонбошиси сифатида мамлакатда кечаётган мураккаб жараёнларга, миллатлараро муносабатларда юзага келаётган муаммоларга нисбатан ўз қарашини баён қилмади. Болғачининг минг уришию босқончининг бир уриши, деганларидек, Айтматов мамлакатдан узоқда бўлса-да, бу борада ўзининг кенг ва самарали имкониятидан фойдаланиши керак эди.

Нега шундай бўлди, деган савол туғилади. Айтматовнинг ашаддий мухлислари фикрича ҳам, бунинг сабаби адибнинг Европа бағрига, европача турмуш тарзига анча чуқур сингиб кетганида. Бу ҳол фақат Айтматовгагина хос эмас, миллий илдизлардан йироқлашиш ҳар қандай миллий ёзувчини ҳам шу ҳолга солиши тайин.

Бишкекда ҳокимият ўзгаргач, Айтматов содир бўлган воқеаларни «ҳақиқий инқилоб» деб баҳолади. Унинг фикрича, воқеаларнинг мантиқий ривожини айни шунга олиб келаётган эди. Одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечими чўзилиб кетди, бу борада бирор бир жўяли ўзгариш бўлишига ишонч қолмади. Халқ ўз ҳолича, раҳбарлар ўз ҳолича яшай бошлади. Айни шу нарса одамларнинг тоқатини тоқ қилди. Муҳолифатнинг даъватлари бу қадар кучли самара бериши қийин эди. Аммо у сабр-бардоши тўлиботошган халқ ҳаракатига раҳбарлик қилиб, ўз умрини яшаб бўлган тузум фаолиятига чек қўйди. Президент маъмурияти, ҳукумат ўзининг ожизлигини кўрсатди.

Айтматов содир бўлган инқилобнинг бош сабабларидан бири мамлакатнинг иқтисодий ночор аҳволи деб ҳисоблайди: «Биз собиқ иттифоқ ҳудудидаги энг камбағал мамлакатмиз. Буни бутун дунё билади. Камбағаллик, ишсизлик одамларни жунбушга келтиради. Улар ўз тақдирларини ўзгартириш учун исён кўтаришгача етиб борадилар. Яна бир муҳим сабаб — бу коррупциянинг мамлакат миқёсида чуқур илдиз отиши. Ҳамма соҳада, ҳамма тармоқларда бу иллат урчиб ётибди, усиз бирор-бир ишни битириб бўлмайди. Коррупция мамлакатда яккаҳоқим бўлиб қолди. Бу ҳол яхшиликка олиб бормаслигини англаш керак эди, порахўрликнинг илдизлари қирқилиши зарур эди, афсуски бундай бўлмади.

Чингиз Айтматов мухбирлардан бирининг Қирғизистонда ҳокимият тепасига янги кучларнинг келиши мамлакатда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф эта оладими, деган саволига қуйидагича жавоб қайтаради: «Оппозиция ҳокимиятни қўлга киритди ҳам дейлик (ушбу суҳбат бўлаётган пайтда Бишкекда март инқилоби ҳали ниҳоясига етмаган эди), бордию у бугунги тарихий вазиятни тўғри баҳолай олса, унинг қўлида мамлакатни, жамиятни янгича ривожлантиришнинг мукамал дастури бор бўлса, бу инқилобни ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлади. Бордию бундай дастур бўлмаса, янгилар ишни «собиқ»лар билан ҳисоб-китоб қилишдан бошласа, ишончим комилки, орадан кўп ўтмай одамларнинг уларга нисбатан ишончи сўнади. Янги ҳокимият аввалги тузум йўл қўйган хатоларни бартараф этиш режаларини аниқ-равшан эълон қилиши зарур. Бунинг ўрнига, мана, биз келдик, голиб бўлдик, ёмон раҳбарларни қувиб солдик, деб тураверсалар, дастлабки кунлари бунга қулоқ осиллари мумкин, ammo кейинчалик бунақа қуруқ гердайиш ўтмайди...»

Март инқилобидан кейинги воқеалар Айтматовнинг бу хавотири асосли эканлигини кўрсатди.

— «Ҳар қандай жиноят, ахлоқсиз хатти-ҳаракат ирсият ўтлоқларида қайта униб чиқиш фаслини кутиб ётади. Охир-оқибат, аслидан кўра юз чандон, минг чандон ёвуз, тажовузкор куч юзага келади ва унга гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам дучор бўлади...» Чингиз

Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» асаридан (қирғизлар уни «Шайтоннинг эн тамғаси» деб ўгиришди) англашиладиган асосий маъно — шу. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар», «Асрни қаритган кун», «Қиёмат» каби «Кассандра тамғаси» ҳам ўқувчилар орасида, адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди, бири иккинчисига зид мулоҳазаларга сабаб бўлди. Кўплар янги асарни Айтматов фалсафий қарашларининг улкан чўққиси деб баҳолади, кимлардир эса уни ҳазм қила олмади ва рад этди. В.Бондаренко исмли муаллиф «Наш современник» журналида эълон қилинган «Насл-насабини билмаган Чингиз» («Чингиз, не помнящий родства») сарлавҳали мақоласида асар муаллифини миллий адабиёт, халқ манфаатларига нисбатан сотқинликда, бу ҳам етмаганидек, кўчирмачиликда, манқуртликда (!) айблади. «Кассандра тамғаси»ни бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ, адиб хаёлига келиб қолган ва тутуруқсиз услубда битилган алмойи-алжойи гаплар йиғиндиси, дейишгача бориб етди. Унинг фикрича, бир вақтлар тоғ ва дашт қиссаларини ёзиб, бизни Жамила, Дониёр, Илёсларнинг беғубор муҳаббатига ошно қилган Айтматовнинг, энди эса миллийлик булоқларидан баҳра олмай кўйган Айтматовнинг миллий ёзувчи сифатидаги умри аллақачон тугаган.

Бундай айбловларни бир четга суриб, асарнинг ўзига қайтадиган бўлсак, маълумки, унинг воқеалари бир неча кун ичида содир бўлади. Американинг «Трибюн» газетасида ўзини «Само роҳиби» деб атаётган рус олими Филофейнинг Рим папасига мактуби эълон қилинадию бутун жаҳон оёққа туради, одамлар жунбушга келадилар. Олис фазодан туриб ердаги ҳаёт, одамлар, авлодлар, зурриётлар тақдирига аралашаётган кимсани лаънатлайдилар. Филофейни ерда туриб қўллаб-қувватлаган футуролог олим Роберт Борк шафқатсизларча ўлдирилади.

Филофей ким, унинг Рим папасига мактуби нима ҳақда эди? Маълум бўладики, уни бир вақтлар ўз туққан онаси (отасининг кимлиги номаълум) аёзли қиш кунларидан бирида болалар уйи эшигига ташлаб кетади. «Ўшанда, — эслайди Филофей, — қалин қор эди. Мен ўша субҳи содиқ пайтини эс-эс биламан, десам,

бунга ҳеч ким ишонмайди, албатта. На илож, тўғриси-ни гапираман. Ўшанда қулогимга онамнинг қадамлари остида қорнинг гарч-гурч овози эшитилган. Ёдимда, онам ўша қиш куни, каллаи саҳарда шоша-пиша қадам ташлар эди. Эсимда, у безовталаниб мени бағрига босар, дам-бадам сесканиб чўчиб тушар эди, онам юрагининг қўрқинч аралаш гупиллаб урганини менинг но-раста танам сезар эди...»

Етимхонада чақалоққа Андрей Андреевич Крилцов деб ном беришади. У Руза шаҳрининг чеккасидаги Малеевка қишлоғидаги болалар уйида тарбияланади. Ўқиш-ни битиради, билимини кунт билан оширади ва иқтидорли биолог олим бўлиб етишади. Фанда қутилмаган кашфиётлар қилади. «Менинг омадим чопди, — дейди у ўз мактубида, — бу соҳада манфаатдор ташкилотлар ёрдами ҳам чакки бўлмади, лекин бу ҳақда алоҳида гапирамиз, мен бўлсам, муваффақиятлардан илҳомланганимдан, шиддат билан, куч тўплаган қовоқ арига ўхшаб, фан пайкали устида парвоз қилар эдим; мен кашфиётдан кашфиётга учиб, олдинлари ҳеч кимга маълум бўлмаган фикр-ғоялар шовқинидан гангиб юрар, ана шу соҳада абадийлик сир-асрорининг муаллифи — Оллоҳ таолонинг ўзини ҳам орқада қолдиришга тайёр эдим. Мен илмий экспериментлар доирасида бўлса-да, ота-оналар хоҳлашадими-йўқми, кимнинг ёруғ дунёга келиши, қандай туғилиши, қандай ота-оналардан туғилишини шахсан ўзим ҳал қилар эдим, уларнинг уруғларидан нима ярата олишимни билишса эди...»

Гапнинг лўндаси, биолог олим Крилцов илмий изланишлар борасида ақл бовар қилмайдиган даражага етишади, чорва молларини сунъий қочиришга ўхшаш, сунъий уруғлантириш йўли билан ота-оналари, насл-насаби номаълум одамларни яратиш мумкинлигини исботлайди. Кўп ўтмай олимнинг бу ҳулосаси ва тажрибалари билан Марказий Комитет, бошқа тегишли ташкилотлар қизиқиб қоладилар. Крилцовни партия Марказқўмининг мафкуравий масалалар ва халқаро коммунистик ҳаракат бўйича секретари Вадим Петрович Конюхов суҳбатга таклиф этади. Олимнинг кашфиётига юксак баҳо бериб у шундай дейди: «Сизнинг кашфиётингиз, таъбир жоиз бўлса, қўлбола биология-

нинг кашфиётлари — бу одам табиатига чуқур кириб бориш, аслида эса, инсон шахсини қайта қуриш, шахснинг келиб чиқишини, жамиятдаги ўрни ва ролини ўзгартириш, кейинчалик эса сунъий туғиладиганлар матричасига асосан бутун инсониятни қайтадан яратиш имконияти демакдир...»

Марказқўм котиби масалани кўндаланг қўяди: «Бутун дунёда коммунизм ғалаба қозониши учун бизга ота-онаси номаълум, сунъий етиштирилган иксзурриётлар керак. Иксзурриётлар феномени сиёсий жиҳатдан ҳайрон қоларли даражада порлоқ истиқболга эга. Бу шундай ўткир куч бўладики, у биздан фарқли ўлароқ, орқа-олдига қарамасдан, қўрқинч ва шубҳа нима эканлигини билмасдан бутун дунёда коммунизм ғалабаси учун курашади. Оила ва бошқа қариндошлик алоқаларини эски, зўравонлик дунёсининг қолдиқлари сифатида худди ана шу иксзурриётлар тарих ахлатхонасига улоқтиради... Болалар сунъий йўл билан, ота-оналарсиз бунёд этилади, тегишлича тарбия қилинади... Иксзурриётларнинг шубҳасиз афзалликлари шундаки, улар... коммунистик байналмилалнинг зарбдор кучи бўлиб қолади ва худди ана шу одамлар ғарбга ҳал қилувчи зарба беражак!»

Крилцов Марказқўм биносидан бўшашиб, жони қийноққа тушиб чиқади. Кейинчалик унинг ўзи бу учрашувни «ўзим иштирокимда менга уюштирилган фитнес», деб баҳолайди. Зиммасига юкланган вазифа — иксзурриётлар етиштириш ишини оммавий равишда йўлга қўйиш оқибат-натижада нималарга олиб келишини ким олдиндан айта олади? Эҳтимол, — дея ўйлайди у, — бу тажрибалар инсониятнинг асрлар давомида, неча-неча авлодлар ҳаётида армон бўлиб қолган тенглик истакларини рўёбга чиқарар? Эҳтимол, чиқармас, аксинча бўлар! Ҳаётни бузиб, тўзғитиб юборар. Ахир, ўзига аёнки, иксзурриётлар «бу ёруғ дунёда ҳамма учун ва ҳар бир киши учун авлодлар тажрибасининг давоми бўлмиш тарих ғилдирагининг ҳаракатини тўхтатиши, оталикка, оналикка чек қўйиши, ҳамма нарсага барҳам бериши керак...»

Кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳолат: Одам Ато билан Момо Ҳавводан сўнг Ота билан Она ўзига хос қувғинга учрамоқда.

Олим буларнинг ҳаммасини кундай равшан тушунади. Аммо на Марказқўм котибига ва на ўзига эътироз билдира олади. Чунки бутун ҳаёти давомида энг юқори доираларнинг, тегишли ташкилотларнинг ҳомийлигида ўз тажрибаларини ўтказиб келди, уларнинг моддий ва маънавий кўмагига суянди. Энди эса орқага чекинишга имкони ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ! Демак, ишга киришиши керак. Шундай бўлади ҳам. Турли жинойтлари учун узоқ йилларга қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумалардан танлаб олиниб, иксзурриётларни етиштириш иши бошлаб юборилади. Маҳкумалар бу ишга рози бўладилар, чунки сунъий йўл билан тайёрланган оталик уруғидан бола туғиб берсалар, қамоқ жазоси камайтиради. Талабгорлар исталганидан кўра ҳам кўп бўлади, олим улар ичидан мақбулларини танлайди. Деярли ҳеч ким эътироз билдирмайди. Эътироз билдирган аёл эса қурбон бўлади...

Олим шундан кейин халқаро экспедиция таркибида космосга парвоз қилади, илмий кузатувлар дастури яқунлангач, ерга қайтишдан бош тартади. Чунки олис фазода туриб, ўзининг нима иш қилиб қўйганлигини аниқ тасаввур этади. Вақт-соати етиб, иксзурриётлар ўзларига оид бор ҳақиқатни англаб етишлари, ёруғ оламга нима мақсадда, ким томонидан ва қай тарзда келтирганликларини тушуниб қолишлари мумкин. Ана ўшанда бу насл-насабсиз, «тегишлича» тарбия қилинган авлодда исён руҳи уйғониб, «бу тўнғиз қўпгур» дунёга ўт қўйиш истаги пайдо бўлмасмикин? Филофей орбитал станция ичига ўрнатилган махсус лаборатория имкониятларидан фойдаланиб, яна бир даҳшатли ихтиро қилади: ҳомиладор аёллар қорнидаги зурриётлар ўзлари ҳақида товуш-белги бераётганлигини аниқлайди, ҳомилалар билан махсус нур орқали алоқа ўрнатади. Улар исёнини тинглайди: «Эрким ўзимда бўлганида туғилгандан кўра туғилмасликни афзал кўрардим. Яшашни истамайман, дунёга келишни хоҳламайман. Бордию мени туғилишга мажбур этсалар, унда менинг тақдирим пешанамга ёзилганидек бўлади. Ўйланглар, ҳал қилинглар, энг аввало, онам ҳал қилсин...»

Бундай чинқириқ-раддия — олам олам бўлганидан бери муттасил давом этиб келаётган ҳукми азалга нис-

батан шаккоклик, инсон қалбини ларзага солади! Ҳали тирик жонзот шаклу шамойилига кириб улгурмаган, тўла ниш урмаган уруғ безовта! Ўзини фазо роҳиби деб эълон қилган Филофейнинг ихтироси шундаки, ҳомила ўзининг аянчли тақдиридан хабардор! У ёруғ оламда не-не адолатсизликларга, азоб-уқубатларга дуч келишини, ота-онаси, ота-онасининг ота-оналари, ўтмиш аجدодлари қилган фаҳш, қабиҳ ишлар, гуноҳларнинг мантиқий маҳсули ўлароқ, ўзи ҳам шу қабиҳ ишларга қўл уришини, бундай аянчли тақдир унинг қониди, ирсиятида борлигини билади. Билади ва шунинг учун ҳам талвасага тушиб чинқиради. Ҳали туғилмаган бундай боланинг онаси пешанасида ана шу чинқириқ белгиси — холтамға пайдо бўлади.

Филофей махсус нур орқали бундай тамғали аёллар бутун дунёда тобора кўпайиб бораётганини, унинг фазодан туриб йўллаётган сўроқларига туғилишдан бош тортаётган кассандра-эмбрионлар тобора кўпроқ жавоб қайтаришаётганини аниқлайди. Ва ўз ихтиросидан ўзи даҳшатга тушиб, Ерга халоскор қидириб мурожаат этади. Токи аҳвол шундай экан, унинг олдини олиш, пешанаси азалдан шўр ҳомилалар тақдирини ҳал қилиш лозим! Ўша чинқираётган зурриёт умрини сунъий равишда тугатиш ва ҳомилани олиб ташлашдан осони йўқ. Аммо бу — яратган Эгамнинг иродасига қарши чиқиш, тирикликнинг мангу барқарорлигига раҳна солиш деган гап. Лекин туғиладиган гўдакнинг аянчли тақдирини кўриб-билиб туриб, у одамлар бошига не-не жабру жафолар олиб келишини сезиб туриб, хотиржам юравериш-чи? Бунинг ўзи ҳам жиноят эмасми?!

Ўз ихтиросидан ўзи жунбушга келган Филофей Рим папаси орқали бу саволни бутун инсоният олдига қўяди. Унинг асл фожиаси мана шу саволдан бошланади. Чунки одамлар — Оталар ва оналар уни рад этишади. Топган ҳақиқатига қўшиб, лаънат ботқоғига отишади. Уни тушунган биргина олимни мажақлаб ташлашади. Қўлларига тош, темир, дуч келган нарсани ушлаб Роберт Борк хонадонига бостириб келаётган ваҳший оломон орасида пешанасида холтамғаси бор аёллар ҳам кўринади. Улар «қорним — меники, ҳеч кимнинг ара-

лашишига ҳаққи йўқ», деб қичқирадилар. Филофей, гарчанд бугун инкор этилган муаммо эртага яна пайдо бўлишини билса-да, лаънатланган ҳақиқат тўла ҳақиқат бўла олмаслигини англаб етади. У Оламнинг мангу жумбоғи — одамнинг оламга муносиблик учун кураши самараларини тушунгандай бўлади. Ва, албатта, ўзини ўйлайди. Ким эди? Ташландиқ бир бола. Отаси ким эканлиги номаълум. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси унинг ҳам пешанасига ёзилган, қон-қонига аввалдан сингдириб қўйилгандир? Эҳтимол, туғилмасидан олдин у ҳам она қорнида талвасага тушиб чинқириқ белги бергандир? Эҳтимол, ўша аёз куни етимхона эшиги олди-га ташлаб кетган онаси пешанасида ҳам холтамға бўлгандир?

Демакки, буларнинг ҳаммаси — азалий қисмат. Ундан тониб, қочиб қутулиб бўлмайди. Унинг умри, ихтиролари ердан узоқда, само бўшлиқларида интиҳо топиши керак. Қазонинг аччиқ шаробини ўз ихтиёри билан ўша ерда ичиши зарур. У ўзига мана шундай интиҳо ҳукмини ўқийди. Орбитал станциядаги барча ҳужжатларни, тадқиқот натижаларини, кассандра-эмбрионлар сирини йўқ қилиб, Ер билан ўтказган телемулоқоти сўнгида очиқ фазога сакраб, мангу бўшлиқ сари йўл олади. У одамлар барибир бир куни бугун лаънатланган тамға сирини билиб оладилар, Роберт Борк ўлган бўлса-да, уни тушунишга ҳаракат қилган, қилаётган Энтони Юнгер ёлғиз эмас, деб ўзига-ўзи тасалли беради.

Кўриниб турибдики, асарда адибнинг фалсафий-мантиқий мушоҳадалари бадиий-фантастик тафаккур тарзида ифода этилган. Аммо бундан Крилцовнинг ихсзурриётлар яратиш борасидаги тажрибалари, ўзини само роҳиб деб эълон қилган Филофейнинг ихтироси — ҳомилалар чинқириғи тўлалигича хаёлот меваси, деган фикр келиб чиқмайди. Сабабки, ана шу икки муҳим воқеа, аслида, ҳаётийликка жуда-жуда яқин...

Чингиз Айтматовнинг муҳолифлари адибни «Қиёмат»да ҳам, «Кассандра тамғаси»да ҳам беҳуда айюҳаннос солаётганликда айблашади. Зурриётлар билан боғлиқ бундай мудҳиш тажрибаларни инсон зоти, ҳатто тасаввурига ҳам келтириши мумкин эмас, дея қўлла-

рини бигиз қилишади. Ю.Бондаренко юқорида қайд этилган мақоласида ёзувчи бошига мағзава тўкишдан чарчамайди, уни бу дунёдаги энг ношуд қаламкашга чиқаради ва: «Чингиз оғанинг онаси пешанасида ҳам эҳтимол бир пайтлар кассандра тамғаси бўлгандир-у, бунга ҳеч ким эътибор қилмагандир. Бай-бай-бай, эътибор қилишганида борми, бола бечора туғилмаган бўларди, «Кассандра тамғаси» деган сохта асар ёзилмасди, биз уни ўқимасдик, бинобарин, бугунгидек ноўрин шов-шув ҳам келиб чиқмасди», дея аччиқ киноя қилади.

Савол қўяйлик: Крилцовнинг иксзурриётлар етиштириш соҳасидаги тажрибаларини тасаввур қилиш қийинми? Қийин эмас! Бундай тажрибалар, таъбир жоиз бўлса, ҳаётда у ёки бу шаклда бор ва бўлган! Жаҳоннинг икки йирик давлати қурол кучи билан бир-бирига ҳезланиб турган пайтлари махфий лабораторияларда инсонни тирик роботга айлантириш режалари тузилган, тажрибалар ўтказилган. Рухга таъсир ўтказиш йўлида анча-мунча муваффақиятларга ҳам эришилган. Матбуотнинг сўнгги хабарларига қараганда, биз сиз билан «Амфибия одам» фильмини кўриб, орзулар қанотида сузиб юрганимизда, ғарб олимлари, ҳарбий саноат комплекси мутахассислари инсон танасига сунъий сузгич ўрнатиб, уни бўлажак сувости жангларига ҳозирлаганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин! Демак, хотиржам бўлишга эрта.

Яна бир мулоҳаза. Асарда Кассандра тамғаси мажозий маънода келтирилган бўлса-да, бугунги аччиқ бир ҳақиқатга жуда-жуда яқин туради. Инсон ўзининг но муносиб хатти-ҳаракатлари — ёвузлиги, зўравонлиги, ўз моҳиятидан чекинаётгани, ер, сув, ҳаво, моддий неъматлар биргина ўзига эмас, ўзидан кейин келадиган, шу заминда кун кечирадиган юзлаб, минглаб авлодларнинг ҳам ризқи-насибаси эканлигини унутиб қўяётгани боис қодир Эгам бизни турфа хил ишоралар, белгилар билан огоҳ қилаётганини наҳотки тушунмасак? Ногаҳоний ўпирилишлар, ер силкенишлари, офатлар, яқин қавмлар бир-бирини қатлиом қилаётгани, бола отага, ота фарзандига қурол ўқталаётга-

ни — огоҳлик белгилари эмасми?! Инсон бу билан ўз қиёмат кунини ўзи белгилаб қўймаётганмикин, деб ўйлайман.

Бадиий асар ёзишдан туб ният, жўнгина айтганда, кишилар онгига, руҳий дунёсига таъсир ўтказиш эмасми?! Тўғри, «соф бадиий» асарларни ўқиш ҳаммага ҳам хуш келади, уларнинг, бир қарашда, бировга санчиладиган «ниши» йўқ, ўқувчилари ҳам кўп — мавзу бир-икки авлоддан кейин ҳам эскирмайди. Аммо тарихий давр кишининг истак-хоҳиши билан ҳисоблашмас экан. Чингиз Айтматов каби забардаст адибларнинг чекига одамлар — бутун жамият кишиларининг руҳий дунёсини, маънавиятини поклаш миссияси тушди. Чингиз оға бор куч-имконини ана шунга йўналтирган, бадиий асарлари билан, публицистика соҳасидаги фаолияти билан, қолаверса, таниқли жамоат арбоби сифатида ҳам ана шу мақсад йўлида хизмат қилиб келаяпти.

Замон шундай келдики, одамлар Жан Жак Руссо қахрамонларига ўхшаб сентиментал ҳисларини бир-бирига ўн-йигирма саҳифалик мактубларда битиб ўтирмайди. Ҳозир тўла маънода рационализм ҳукм сурмоқда. Шундай экан, нозик лирик кечинмалар тасвирига эмас, ишонарли ва қатъий позицияга эга бўлган публицистикага, руҳан унга ҳамоҳанг бўлган бадиий асарларга эҳтиёж кучайиши табиий, албатта.

Шу ўринда адибнинг «Известия» газетасида эълон қилинган «Асослар емирилмоқдами?» деган мақоласини эслатиб ўтай. Мақола шахсга сиғиниш ва унинг жамият, одамлар тақдиридаги аянчли оқибатларига бағишланган. Жамият, давлат ва одамлар ҳаётидаги барча ижобий ўзгаришларни фақат бир киши номи билан аташ, уни кўкларга кўтариб мақташ, ҳар сўзи, иборасини қонундай қабул қилиш, сиғиниш, сўзсиз итоат охир-оқибатда халқ онгини заҳарлаши, тараққиёт йўлларини ёпиши ва натижада жамият аста-секин таназзулга юз тутиши ғоят ишонарли тасвирланган.

Ч. Айтматов собиқ иттифоқ пайтида шахсга сиғинишнинг расмий равишда қораланишини «жасоратли ёриб ўтиш», деб баҳолайди. Чунки бутун халқ «улуғ доҳий» ва унинг кўпдан-кўп маслакдошлари тўғрисидаги ҳақиқатдан воқиф бўлдилар. Коллективлаштириш

ниқоби остида қилинган жинойтлар, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар очиб ташланди. Лекин таассуфки, орадан кўп ўтмай «жасоратли ёриб ўтиш» сабоқлари онгли тарзда сиёсий сукут ила унутилди. Шўролар салтанати ўзининг сўнги кунларигача шахсга сиғиниш касалидан халос бўла олмади, десак муболаға бўлмас. Нега шундай бўлди?

Сталин тарафдорлари уни ҳимоя этар эканлар (бундай кишилар ҳозир ҳам орамизда кўп, мақола асосан шу хусусда), биринчи навбатда «Доҳий бўлмаганида иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозона олмасдик», деган қатъий фикрни ўртага қўйишади. Ч. Айтматов бунга жавобан шундай дейди: «Бордию бош қўмондондан ўзга бир талантли саркардамиз бўлганида, бизнинг ғалаба қозона олмаслигимизни ким исботлаб бера олади?» Унинг фикрича, Сталин бўлмаганида ҳам ДнепроГЭС, Магнитка ва бошқа шу кабилар қурилар эди, чунки бундай иншоотлар тараққиётнинг тарихий зарурати эди.

Мақолада кишини ўйлантирадиган, баҳсга чорлайдиган бир қатор мулоҳазалар ўртага ташланган. Публицист шахсга сиғиниш билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар моҳиятини очар экан, ўқувчини бу борада ўз фикрига эга бўлишга даъват этади. Худди шу мақсадда Сталин тўғрисида халқ орасида кенг тарқалган машҳур латифалардан бирини келтиради. Келтирганда ҳам, уни ўз номидан эмас, фронтда доҳий номи билан жон олиб, жон берганлардан бирининг тилидан келтиради. Эмишки, кунларнинг бирида Сталин яқинларини тўплаб, уларга дебди: «Сизлар халқни қандай бошқаришни билмай бошингизни қотириб юрибсизлар. Одамларни гаҳ деганда қўлга кўнадиган, чизган чизингиздан чиқмайдиган, нима десангиз сўзсиз бажарадиган қилиш учун каллани ишлатиш керак. Подшо худо эмас, аммо худодан кам ҳам эмас, деган гапни эшитмаганмисизлар? Ҳозир мен сизларга халқ билан қандай муомала қилиш лозимлигини кўрсатаман».

Доҳийнинг ишораси билан унинг олдига товуқ олиб келишибди. Буюк раҳнамо унинг патларини битта қўймай юлибди. Товуқ бечора қип-қизил жишга айлангач, қўйиб юборибди. У бўлса қутулганига шукур қилиб, тўғри келган томонга қочиш ўрнига, кунлишиб

доҳийнинг этиги кўнжларига суркалиб туриб қолибди. Доҳий донни қаёққа қараб сочса, ўша ёққа бурилари-миш.

— Халқ мана шундай бошқарилади, — дебди Сталин.

Гарчи бу эл оғзидаги бир ривоят бўлса-да, айтиш лозимки, шахсга сифиниш йиллари одамлар айна шу ҳолатга туширилган эди. Фақат бир киши ягона ҳукмрон, фақат у ҳукм чиқаришга, одамлар тақдирини ҳал этишга ҳақли эди. Одамлар у чизган чизиқдан чиқмас, чиқа олмас ва ҳатто чиқишга ҳаракат ҳам қилишмасди. Оқибат шу бўлдики, бутун бир мамлакат зулмат пардаси остида қолиб кетди, тараққиёт тўхтади, фикр исканжага олинди, неча миллион кишининг ёстиғи қуриди, айрича бир сўз деганлар, ҳатто дейишга чоғланганлар ҳам «халқ душмани» сифатида Сибирга жўнатилди. Энг ачинарлиси — урушда мағлубиятга учраган давлатлар қисқа давр ичида ўзларини тиклаб олдилар, ғолиблар эса сохта шиорлар, ҳавойи орзуларга кўмилиб қолаверди. Бунинг боиси шуки, узоқ вақт давом этган, инсон онгига сингдирилган сиёсий-ижтимоий тобелик бора-бора маънавий тобеликка ҳам айланган эди. Айтматов бундай тобеликни инсоннинг энг оғир фожиаси деб ҳисоблайди. Чунки, адибнинг фикрича, вақт ўтиши билан инсон маълум маънода шароитга кўникади, ҳатто ундан ўз ожизлигининг ўрнини қоплаш учун тасалли ҳам топади. Аҳвол мана шундай тасаллигача бориб етганидан кейин, курашиш, ўзлигини намоён этиш туйғусидан айрилган одамни қайта ўзгартириш ғоят қийин бўлади.

Айтматовнинг фикрича, маънавий қуллик тоталитар воситалар орқали инсон руҳига бетўхтов сингдилар экан ва бунинг оқибатида бир кишининг шахсига сўзсиз, илоҳий итоаткорлик даражасида сифиниш юзага келар экан, бу ҳолат бора-бора кўплар учун ҳаётда аслида худди шундай бўлиши керакдай, бошқача бўлиши мумкин эмасдай туйилиб кетиши ҳам мумкин. Одамлар узоқ йиллар мобайнида хўрланса, бу шафқатсиз ўзбошимчаликка қарши чиқишга ўзларида куч топа олмасалар, охир-оқибат шу ёвузликка кўникадилар, уни илоҳийлаштиришга тайёр бўладилар. Бу

ҳам майли, бу мудҳиш куч билан хаёлан биргалашиш майли юзага келади. Шахсга сифиниш ҳаётӣ меъёрга айланади.

Чингиз Айтматов миллий адабиёт нуфузини юксак тоғ чўққилари мисол баланд кўтара олган, миллий мавзуда қандай ёзиш керак, нимани ёзиш керак, ўқувчи эътиборини қай муаммоларга қаратмоқ лозимлигини бошқалардан кўра аввалроқ, теранроқ англаган ва бу вазифаларни қойилмақом қилиб бажарган жасоратли адибларимиздан бири. Тўғри, у бошқа қаламкаш дўстлари қатори собиқ тузумнинг мафкуравий тарбиясини олган, шу мафкурага шубҳасиз хизмат қилган, унга ишонган ва коммунистик тарбия тамойилларини ижодида акс эттирган ёзувчи. Аммо адиб қаламига мансуб асарларни синчковлик билан мутолаа қилган зукко ўқувчи улардан бир қарашда кўзга у қадар ташланмайдиган кўплаб огоҳ-ишораларини топа олади.

Бундан кўп йиллар муқаддам, ҳали қайта қуриш сиёсати бошланмасидан ҳам аввал Айтматов ўз суҳбатларидан бирида: «Ҳақиқий тарих мана энди бошланади, фақат эндигина бизнинг жамият амалда нечоғли етук, ўзи қўлга киритган ютуқларга эгалик қилишга нечоғли қодир эканлиги кундай равшан бўлади. Биз ғалаба қозонишимиз керак. Бу мисли кўрилмаган ғалаба бўлади», деган ва бу билан ўша йиллар сиёсатдонларини ҳам, ҳозиржавоб, лаббайчи адабиётшуносларни ҳам жиддий ташвишга солган эди. «Айтматов нима демоқчи? Гап қанақа тарих устида бормоқда? Нега энди у ҳақиқий тарих бўлади? Нима, бизнинг бугунги кунларимиз, босиб ўтган шонли йўлимиз, тарихимиз ҳақиқий эмасми? Айтматов ниманинг устидан, кимнинг устидан ғалаба қозонмоқчи?» деган савол ҳаммани ўйлантирганди.

Дарҳақиқат, разм солсак, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталаридан бошлаб инсоният ҳаёти ўзининг янги, тамомила ўзгача палласига кирди. Бу, энг аввало, ошкоралик эҳтиёжининг юзага қалқиб чиқишида кўринди. Бу эҳтиёж маъмурлар томонидан маълум вақт кун тартибига қўйиладиган шунчаки сиёсат эмас, инсон ҳаётининг туб моҳиятини белгиладиган, замону макон танламайдиган зарурат эди.

Чингиз Айтматов қаламига мансуб асарлар, публицистик мақолалардан фикримизга ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, «Кассандра тамғаси»ни, таниқли қозоқ адиби Мухтор Шохонов билан суҳбатлари йиғиндиси — «Овчининг қояда қолган кўз ёшлари» асарини яна бир бор эсга олайлик. Кейинги асарда муаллифлар инсон ҳаётининг мангу ҳақиқатлари, эзгуликлар, умумбашарий қадриятлар тўғрисида ва айни пайтда, инсон ўз умри давомида дуч келадиган жумбоқлар, зиддиятлар, кутилмаган чигалликлар тўғрисида фикр юритадилар. Абадият фақат келажакдами ёки бизнинг бугунги кунларимиз ҳам абадиятми, нега бу дунёда ечимдан кўра жумбоқ кўп, оддийликдан мураккаблик бисёр, нега яхшилик ва эзгулик ёвузлик ва хунрезлик билан ёнма-ён юради, буларнинг ҳаммаси одам боласи пешанасига нақшланган қисматнинг кўринишларими ё бошқача ҳам бўлиши мумкинми, деган саволларга жавоб ахтаришади.

Айтматов ижодида, хусусан публицистик мақоаларида «умумбашарий қадрият», «умумбашарий онг», деган иборалар кўп учрайди. Адибнинг фикрича, инсон ўзини, ўзлигини унутмаган ҳолда бошқалар тўғрисида ҳам ўйлаши, бошқа юрт одамлари ҳақида ҳам худди ўзи тўғрисида қайғургандек қайғуриши, бошқаларнинг қувончу шодликларидан лаззатланиши, ташвишу мусибатларидан изтироб чекиши, дарди билан дардланиши, нияти билан ниятланиши, умрни қандоқ ўтказмоқ лозим, дунёни яхши томонга ўзгартириш учун нималар қилмоқ керак, деган саволлар уни ҳамиша ўйлантириши, ташвишга солиши зарур. Бунга эришмай туриб, янги дунёни қуриб бўлмайди. Инсоният давлатлар, тузумлар билан боғлиқ турфа хил айричаликлардан, миллий алоҳидалик даъволаридан баланд кўтарилса, маҳдудликка берилмаса, бу дунёда ўзи каби бошқаларнинг ҳам яшашга, ўзига мос ва мақбул турмуш тарзини белгилашга ҳақли эканлигини тан олса ва шу маънода, бошқаларга нисбатан кўнглидаги шубҳа-хавотирни йўқотса, фақат шундагина унинг шуурида умумбашарий тафаккур голиб келади. Фақат шундагина ҳаётимизда чинакамига янги давр бошлади...

СИЁСАТ ВА МАНФААТ

Дунё минтақаларида юз бераётган айрим воқеаларни кузатган киши сиёсат деганларининг «англаб бўлмас сир» эканлигига яна бир бор ишончи комил бўлади. Негаки сиёсат вазиятга қараб, у ёки бу мамлакатнинг шахсий манфаатидан келиб чиқиб, кутилмаганда ўзгариб ҳам кетаверади. Вазият тақозоси билан бой-бадалат давлатнинг ҳам дўпписи тор келиб қолса, узоқ-яқинлигига қарамай, ўзига бошқа минтақалардан ҳамкор қидиради, аммо иши битиб, эшаги лойдан ўтиб олганидан кейин, кунига яраган ўша ҳамкорини ора йўлда ташлаб ҳам кетаверади.

Кейинги ўн беш-йигирма йиллик тарихга назар ташласангиз, унинг саҳифаларидан бундай ҳолатга бир эмас, бир неча мисоллар топишингиз мумкин.

Таажжубли жойи шундаки, сиёсатдонлар дунё минтақаларида содир бўлаётган айнаи бир хил воқеани, зарур бўлиб қолса, ҳеч иккиланмай бир неча йўналишда талқин ҳам этаверадилар. Катта давлатларнинг катта ўйинларида қарта яхши чийланмай, «қирол» ўрнига «аёл» суқилиб қолса ва бунинг оқибатида кимдир асоссиз жабрланса, ҳеч ким жабрдийдадан узр сўрашни ўзига эп кўрмайди.

Собиқ Югославия ҳудудини аёвсиз бомбардимон қилиш чоғида ва ёки шундай ҳаракатлар Афғонистонда содир этилганида ҳарбийларнинг «янглишишлари» билан қанчадан-қанча тинч аҳолининг ёстиғи қуриди. Аммо ҳеч ким бу хатони тан олиш учун оғиз жуфтламади. Айнаи шундай кунлар Ироқ халқи бошига тушганида, бу «қатли ом»га Ироқда оммавий қирғин қуроллари бетўхтов ишлаб чиқарилаётгани, омборларда тўлиб-тошиб ётгани ва эрта-индин улар катта давлатлар ҳаётига жиддий хавф солиши мумкинлиги асос қилиб олинган эди. Фарбда бу васваса шу қадар авж

олдики, умрида Ироқ тугул Яқин Шарқ тўғрисида тасаввурга эга бўлмаганлар ҳам тинчини йўқотди. Ҳарбийлар Ироқни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди, ammo мамлакатда бундай қуролларнинг мавжудлиги тасдиқланмади. Шундай бўлса-да, ҳеч ким ҳали-ҳануз «Маъзур тутгайсиз», дея бошини қашлаб ҳам қўйгани йўқ.

Қочқинлар масаласига келсак, янада тушунарсиз бир ҳол. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бундан роса эллик беш йил аввал қабул қилган халқаро конвенциясида кимлар қочқинлар бўлиши, уларга қандай вазиятда қочқинлик мақоми берилиши аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Андижонда содир этилган ноҳуш воқеалар гирдобига тортилиб, қуролли отишма ваҳимасида, жиноятчиларнинг зўри билан бошқа бир давлат ҳудудига ўтиб қолганлар, наҳотки шу мақомга тўғри келса? БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссияси вакиллари миллий, этник тўқнашувлар, қиргинбарот урушлари, очлик, табиий офат туфайли туғилиб ўсган жойларини ташлаб, бошқа ҳудудларда жон сақлашга мажбур бўлаётганлар ҳақидаги маълумотларни яхши биладилар. Ammo улар ҳеч қачон, одамлар, аёллар, норасида гўдаклар Африкада очликдан силласи қуриб ўлаётганларида ҳам «Ўзбекистонлик қочоқлар» деб аталаётган гуруҳ тўғрисида қайғураётганларидек ваҳима кўтармаганлар.

Бундан равшан бўладики, борди-ю Андижон воқеаларида ҳеч ким қўшни давлат ҳудудига ўтишни ўйламаганида ҳам, бу ишни мажбуран амалга оширган бўлур эдилар. «Андижон операцияси» муаллифлари қуролли жангариларнинг бир қисмини қочоқлар ниқоби остида мамлакат ташқарисига олиб чиқиш ва улардан кейинчалик кенг мақсадларда фойдаланишни ўйлаган. Мана, гап қаерда. Ўзбекистон билан қондош, ёндош бир мамлакат раҳбариятига мисли кўрилмаган тазйиқ ўтказиш йўли билан кейинчалик у ердан бошқа бир мамлакатга олиб кетилганлар орасида ўз уйини, онасини, болаларини соғинган, сиёсий ўйин тўрига илиниб қолиб, эндиликда қилган ишидан пушаймон бўлаётганлар, қўйиб беришса, уй-уйига қайтиб, борди-ю айби бўлса тавба-тазарру қилиб, айби бўлмаса,

бундан кейин сал ҳушёр юрадиганлар йўқ, деб ким айта олади?! Бундай пайтда адолатли ҳакам бўлиши даркор бўлган, оқни оқ, қорани қорага ажратиб беришга даъват этилган БМТнинг тегишли ташкилотлари бу ҳолатдан беҳабар бўлмасалар керак.

Америка Қўшма Штатлари Ироққа қўшин киритганида бу нуфузли ташкилотнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмади. Американинг БМТдаги доимий элчиси Жон Болтон ўз вақтида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Америка манфаатларига хизмат қилсагина фойдалидир», деган фикрни очиқ-равшан эътироф этган эди. Жаноб Болтон большевик эмаслиги аниқ, аммо унинг бу фикри большевикларнинг «Бизга маъқул нарсаларгина яшашга ҳақли, бошқасини рад этамиз ва янчиб ташлаймиз», деган шиорини эслатади.

Чех Республикаси Президенти Вацлав Клауснинг Умумевропа Конституциясига доир мулоҳазалари бу жиҳатдан жуда ҳам муҳим. «Умуман, ягона Европа давлатини ташкил этиш ғоясидан воз кечиш керак, — дейди жаноб президент. — «Европа давлатлари ташкилоти» бўлса, мақсадга мувофиқ кўринади. Лекин шундай бўлганда ҳам, ЕДТнинг мақсади қандайдир мафкуравий ёинки ғоявий қадриятларни бошқа бир давлат ҳаётига мажбуран тиқиштириш эмас, бир неча мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўлиши керак...»

«Ягона Европа уйи» ғоясининг барбод бўлиши сабабларига тўхталар экан, Вацлав Клаус шундай дейди: «Бу уй, гарчи европаликларнинг яшаши учун қурилаётгани айтилса-да, аслида улар учун эмас, Европа иттифоқидан фойда кўрадиган зодагонлар, қитъанинг нуфузли сиёсатдонлари учун қурилаётган эди. Катта бир қитъанинг бениҳоя марказлашиб кетиши қатор ноҳушликларга, жумладан, одамлар ҳаётига бюрократиянинг кириб келишига сабаб бўлиши аён ҳақиқат. Ҳеч бир халқ ўзи тўғрисида бошқа биров, бошқа бир жойда ижросини мутлақо назорат қилиб бўлмайдиган қарорлар қабул қилишини истамайди. Ҳаммани бир сафга тизишга, бир мақомга йўрғалатишга уриниш — келажакга йўқ ишдир».

Назаримда, кейинги пайтларда айрим ғарб давлатлари ташқи сиёсатида бошқа бир халқ, бошқа бир давлат ҳаётига тааллуқли жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, воқеалар ривожини ўз манфаатларига мос йўналишда ушлаб туриш ҳаракатлари сезилмоқда. АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиларидан бири жаноб Эскудеронинг гапларини эслайлик: — «Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, энг аввало, айти шу жараённинг илдизига болта уради...»

Бошига кулфат тушган одамнинг аҳволига ачинган бўлиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, инсоф билан айтганда, жирканч ишдир.

МАҒЗАВА

Одамлар қаерда яшамасинлар, турмуш тарзлари қандай бўлмасин, бир-бирларининг ҳаётига, урф-одатларига, яхши-ёмон ишларига ҳамиша қизиқиб келганлар. Яхши амалларидан ибрат олганлар. Бундай қизиқшнинг замирида, шубҳасиз, эзгу ният ётган. Зеро, турли миллат, маданият ва диний эътиқод вакиллари-нинг ўзаро яқинлашувидан эзгулик ва бағрикенглик келиб чиқади.

Бундай алоқалар зарурати бугунги мураккаб дунёда янада катта аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмас. Фақат бир шарти шуки, томонлар алоқага ўз манфаатини ўйлаб, иккинчи томонга томонинг тепасидан туриб нописанд назар ташламаслиги керак.

Америка Қўшма Штатларининг кўпгина олийгоҳларида Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари тарихи, тили, маданияти, урф-одатларини ўрганувчи кўплаб илмий-тадқиқот марказлари мавжуд. Газетамиз саҳифаларида улар фаолияти, ибратли ишлари, эришадиган ютуқлари тўғрисида туркум мақолалар эълон қилганмиз.

АҚШнинг Виржиния университетида ҳам Осиё ва Яқин Шарқ минтақасида яшовчи халқларнинг тили ва маданиятини ўрганувчи кафедра мавжуд экан. Биз буни яқинда шу кафедра доценти Шон Т. Лайонз жанобларининг матбуотда эълон қилинган ғаройиб бир мақоласини ўқиб билиб олдик. Тилимизни, маданиятимизни ўрганишадиган бўлишса, оталарига раҳмат, яхши ниятлари ўзларига йўлдош бўлсин дедик. Аммо...

Аммоси шуки, муҳтарам доцент жанобларининг бу мақоласи, ҳурмат билан айтганда, кўлига биринчи марта чўмич ушлаган шогирд боланинг чучмал бўтқасига ўхшаб кетади. Бу эътирозимизни бундан бошқачароқ ҳам айтиш мумкин — бу бўтқани ё кимдандир тепки

еб, ишидан қувилган ношуд шогирд бола пиширган ёки бўлмаса, ўта тажрибали ошпаз атайлаб, иштахани бўғиш мақсадида тайёрлаган. Нега деганда, олим одам, агарки у чинакам олим бўлса ва ўзини ўзи жилла ҳурмат қилса, ҳеч қачон бировга туҳмат қилмайди. Туҳмат учун эса ҳамма жойда, жумладан, Америкада ҳам жазо белгиланган.

Гап шундаки, жаноб Лайонз қаламига мансуб мақолада мамлакатимизда нашр этилаётган бир қатор газеталар, шу жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳам Ўзбекистон ҳукуматини, мамлакат раҳбариятини қўллаб-қувватлаётганликда айбланади. Муҳтарам доцентга ўзбек матбуотининг Андижон воқеаларига муносабати, газеталаримизда мамлакатимиз, халқимизнинг тинч ҳаётини издан чиқаришга бўлган уринишлар кескин қораланаётгани, бу тўғрида оддий газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари эълон қилинаётгани ёқмайди.

Савол туғилади — жаноб Лайонзнинг бу қадар ҳукм-фармолик қилишга, суверен бир давлатнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятига баҳо беришга ва ҳатто уларга айблов эълон қилишга ҳуқуқи борми? Қачон ва ким томонидан берилган бу ҳуқуқ? Биздаги маълумотларга қараганда, у киши ҳозирча мамлакатимизда чиқаётган бирорта газета ёки бошқа бир нашрнинг муассиси эмас, ошкора, балким енг учиди бирор нима узатиб, кимнингдир оғзини мойлаб қўйган жойи ҳам йўқ. Мақола мазмунидан кўриниб турибдики, бу олим акахонимиз адабиёт газетасини мунтазам ўқиб бормайди. Ўқиб борганида эди, ҳар қалай, олим деган номи бор экан, олимлик принциpidан келиб чиқиб, илмий кузатувнинг қиёслаш усулидан озроқ фойдаланганда бундай сассиқ мағзавага ҳожат бўлмасди.

Фарбда бой-бадавлат одамлар йирик нашрларни ўз тасарруфларига оладилар, керагича ва ундан ҳам ортиқ харажат қиладилар, таҳририят эса «еган оғиз уялар» дегандай, нашрнинг принципиал йўналишини белгилашда хўжайиннинг хоҳиш-иродасини, сарф-харажати, албатта, ҳисобга олади. Бу энди ҳаммага аён ҳақиқат. Бордию жаноб Лайонз шундай мақомга эга

бўлганларида, биз ҳам бу қоидага чурқ этмай амал қилиб, тақсирим, буюрсинлар, нимани ёзайлик, қандай ёзайлик, дея қуллуқ қилар эдик. Майли, бусиз ҳам холис фикрни, адолатли танқидни қабул қилишга тайёрмиз. Ўзбек матбуоти, шулар қаторида, адабиёт ва санъат газетаси ҳам, бугун мукамалликка эришиб бўлди, ўз вазифасини қойилмақом қилиб бажармоқда, ҳеч қандай камчилиги йўқ, дея олмаймиз. Камчилигимиз етарли. Буни яхши биламиз. Юпанчимиз шундаки, ҳарҳолда, аста-секинлик билан бўлса-да, олдинга қараб бораяпмиз. Жамият тараққиёти суръатларидан орқада қолаётганимиз йўқ. Холис ниятли кишилар фаолиятимизни холис баҳолаб турибди.

Доцент жаноблари, борди-ю сиз узоқдан туриб сўқаетган мантиққа асосланадиган бўлсак, демак, биз ҳам бошқа ишларимизни йиғиштириб қўйиб, масалан, 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган жиноят ташкилотчиларини оқлашимиз, бу мудҳиш террорни қоралаб мақолалар ёзган Америка матбуотини, уларда фаолият юритаётган ҳамкасбларимизни сотқинликда айблашимизга, устиларидан мағзава тўкишимизга тўғри келади. Сиз айтаётган кўрсатмаларга амал қиладиган бўлсак, Лондонда портлашлар содир этган кимсалар ҳақида ёзаётган нашрлар ҳам қип-қизил сотқин бўлиб чиқади. Кўнгиллари яна нимани тусайди? Қимматли вақтларини аямай, бизга бундан буён нима иш қилишимизни, қайси йўлдан юришимизни, кимни оқлаб, кимни қоралашимизни, бўш вақтларимизда нима билан шуғулланишимизни ёзиб юборсалар, ҳўб иш бўларди-да. Газетамизда ижодкорларнинг янги асарларидан парчалар эълон қиламиз, маданий ҳаётни ёритамиз, сатира ва юморга эътиборимиз кучли. Балки, бу ишларни қўйиб, «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деган янги рукн очиб, сиз ва сиз тоифа «устоз»ларнинг «доно» маслаҳатларини бериб борганимиз маъқулдир. Дарвоқе, ҳажвга қалайсиз? «Шум бола»нинг чойхонасида бир отамлашсак бўларкан. Ўйлаб кўринг. Бундай деяётганимга асло хафа бўлманг. Негаки, мақолангизни ўқиган одамнинг, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, камида бир ҳафта кўнгли айнийди. Чун-

ки, сиз тўккан мағзава, агар билсангиз, мағзава сифатида ҳам ўта сифатсиз.

Яна бир гап шуки, касбимиз этикасига биноан, масалан, мен ҳеч қачон Америка, Канада ёхуд Бразилияда чиқаётган бирор-бир нашр фаолиятига баҳо бермайман. Улар нимани ёзишади, қандай ёзишади, нимадан тийилишади ва нимадан тийилишмайди, бу уларнинг ички иши. Ҳар бир нашр ўз муштарийлари олдида ҳисоб беради. Муштарийларнинг баҳоси — баҳо, танқиди — танқид. Бинобарин, бизнинг газета ҳам ўз ўқувчилари олдида масъулиятли.

Гапимизнинг хулосаси шуки, жаноб Лайонз борди-ю тухматдан холи бўлмаган мазкур мақоласини тайёрлашда бирорта шогирд боланинг «холис» хизматидан фойдаланган бўлсалар (мақолани ўқиган одамда айни шундай тасаввур туғилиши аниқ), афсуслар бўлгайким, шогирд танлашда ҳам бир оз янглишилган кўринади.

Алқисса, қаердаки бўёқчининг ишига сувоқчи аралашдими, ишнинг пачаваси чиқди деяверинг.

ОЛТМИШ ЙИЛДА СЎНМАГАН УМИД

Қўқонлик биродаримиз Ҳошимжон бир куни редакцияга қўнғироқ қилиб қолди. Салом-алиқдан сўнг:

— Бельгиядан меҳмон келган. Ҳамюртимиз Обид қори ака. Сизни йўқлаяптилар, иккимизни ярим соатга қабул қила оласизми? — деди.

— Албатта, — дедим хурсанд бўлиб, — қачон келасизлар?

— Пешиндан кейин ўтиб борамиз.

... Обид қори ака билан эски қадрдонлардай кўришдик. У киши аввалига бир оз ийманиб турди. Мени йўқлаганларининг боиси Тошкентда «Ўзбекистон—Бельгия» дўстлик жамиятининг таъсис этилганлигидан хабар топганлари экан. Мен суҳбатни қовуштириш мақсадида жамият фаолияти, бельгияликларнинг юртимизга ташрифлари, бундан бир неча йил аввал қадим Фландрия тупроғида ўтган жумҳуриятимиз маданияти тўғрисида, Брюссель, Гент, Кортрейк, Брюгге, Антверпен, Льеж шаҳарларидан олган таассуротларим ҳақида сўзлаб бердим. Кейин ҳафталик фаолиятига тўхталдим, мустақиллик одимларидан гап очдим.

Меҳмон шундан кейингина кўнгил дафтарига қўл урди.

ОБИД ҚОРИ АКА ҲИКОЯСИ. Асли қўқонликмиз. Дадам ва онам тахминан 1930 йили Ватанни тарк этишган. Амударёдан ўтишаётганда қўлларидаги бир ярим яшарлик қизалоқлари оқиб кетган. Афғонистонда, Бомбейда, Маккаи мукаррамада, кейин Туркиянинг Одина вилоятида истиқомат қилишган. Мен Талқон шаҳрида туғилганман. Ота-оналари асли тошкентлик бўлмиш Муҳайёхонга уйландим. Бундан бир неча йил аввал Бельгия ҳукуматининг таклифига биноан ўша ердаги турк ва араб болаларига сабоқ бериш учун Брюсселга бордим ва муқим туриб қолдим. Асосан тафсир мутахассисиман. Бельгия олийгоҳларида бошқа муқаддас китоблар қатори Қуръони карим ҳам ўрганила-

ди. Дунёвий динлар тарихидан сабоқ ўтувчи юқори ма-лакали муаллимлар Байтуллоҳда нозил этилган бу буюк инъомнинг мангу барқарорлиги, илоҳий қудратини эътироф этадилар. Ана шундай сабоқларга ёрдамчи, маслаҳатчи тариқасида мен ҳам таклиф этиламан.

Учта фарзандим бор. Қизим Хулиё Брюссель уни-верситетининг олмон филологияси факультетида, ўғлим Эркин Темур тиббиёт факультетида ўқийди. Кичик қизим Муяссар ўн ёшда.

Хорижда туғилган одамнинг Ватан туйғуларини сиз-лар тасаввур ҳам қила олмайсизлар. Туркистон деган юрт, Фарғона деган водий, Кўқон, Марғилон деган жаннатга қиёс жойлар... Гўзал Шоҳимардон, осмонта-лош чўққилар, шарбат боғлар, сойлар, булоқлар... Бу-ларнинг ҳаммаси отамиз, онамиз ҳикоялари, ватан-дошларимизнинг ўксик хотиралари ила шууримизга сингган. Дадам раҳматли бизни Ватанни соғиниб яшаш-га ўргатдилар. Кўчага чиқдик дегунча Фарғона кўчалари-дан, бозорда Фарғона бозорларидан, тўй-ҳашамлар-да фарғонача тўй-ҳашамлардан гап очардилар. Нон есак, «Эҳ, қани энди Марғилоннинг сўлқилдоқ патиридан бир жуфт бўлса», дердилар-да жиззали, қалампирли оби нонлар, ёғли патирлар, ширмой кулчалар тўғри-сида сўзлаб кетардилар. Гуруч пиширилган кунни хона-донимизни Кўқон ошпазларининг таърифи, юз кило-лик қозонларда биқиллаб қайнаётган палов ҳиди бо-сиб кетарди. «Фарғонада анорни мана бундай сўйиша-ди, қовунни мана бундай тилимлашади, узумни мана бундай осишади», дея таърифлаганлари таърифлаган эди. Онам эса Ватандан гап очилди дегунча кўзларига ёш олардилар. Отам табиатан анча тезкор, сўзидан қайт-майдиган одам бўлганлари учунми қайтиш тўғрисида деярли сўз юритмасдилар. Бу туйғу онамизда кучли эди. Қаерга бормайлик, қаерда яшамайлик, ишимиз юришса ҳам, юришмаса ҳам, қозонимиз қайнаса-қай-намаса ҳам дуолари шу эди: «Илоҳим Ватанни кўриш ҳаммамизга насиб этсин. Биз етолмасак, сизлар етинг-лар, болаларим...»

Ватан тўғрисида ота-оналаримиз ҳикояларидан бош-қа «ҳикоя»лар ҳам бор эди. Тўғриси, бу «ҳикоя»лар юрагимизга ғулғула солар, атак-чечаклик пайтимиздан бошлаб эшитиб келганларимизга тўғри келмас, Тур-

кистонга оид узоқ-юлуқ маълумотларимизни остин-устун қилиб юборар эди. Бу юрт аллақачон даҳрийлар маконига айланган, мусулмонларни қириб ташлаган, тирик қолганлари кофирларга қўл бериб, уларнинг йўриғига юришган. Кимки қайтиб борса оёқ-қўлини боғлаб узоқ Сибирияга сургун қилишади...

Туркистон тўғрисидаги хабарлар орасида бундан-да оғирроқлари учраб турарди. Баъзан «йўқ, бундай эмас», дегувчилар ҳам топилиб қолар, амма уларнинг шивирлаб айтган бу сўзлари ватандошларимиз кўнглидаги хавотирни бартараф қила олмасди.

Отамиз Туркиянинг Одина шаҳрида вафот этдилар. Акам Муҳаммадсобит Амриқода муқим туриб қолди, укам Олмонияга кетди. Бельгияда уй-жойли бўлганимдан кейин онамни ҳам олиб кетдим. Кейинги йилларда Туркистон тўғрисидаги хабарлар яхши томонга ўзгара бошлади. Рўзномадар юртимизда кўп хайрли ишлар бошлангани, дини исломга эркинлик берилиб, масжид ва мадрасалар қайтадан очилаётганини ёза бошладилар. Тўғриси, онам иккимиз тинч туролмай қолдик. Олмонияда яшаётган ўзбеклардан маълумотлар олиб Ватан сари отландик. Онамнинг ёшлари саксондан ошган...

Обидхон акани тинглаб ўтирибману хаёлимдан жавобсиз не-не жумбоқлар чарх уради. Ватанни ташлаб кетишдан ўзга чора йўқмиди? Неча юз минглаб кишилар гирифтор бўлган бу аччиқ қисматнинг боиси нима?

Инсон бардоши билан ҳам улуғ. У турмуш қийинчиликларига чидай билади. Экини битмаган деҳқон умидсизланмайди, Худо хоҳласа келгуси кузда ишлари юришиб кетса ажаб эмас. Фарзандидан айрилган онанинг оҳи оламини тутади, аммо ношукурлик қилмайди, илоҳим қолганларига умр бер, ўзинг паноҳингда асра, дейди. Омади чопмаган киши сабрнинг этагидан тутади, дардга чалинса Худойимдан мадад сўрайди.

Инсон бардошига қиёс йўқ. Чунки бу бардош яратган эгамга бўлган муҳаббатдан қудрат олади.

Инсон фақат бир нарсага чидай олмайди, у ҳам бўлса — ноҳақлик, адолатсизлик.

Ўттизинчи йиллар ноҳақликлари биринчи бўлиб миллат юлдузлари бошига тушди. Уларнинг кўпи узоқ Сибирияда беҳуда ўлим топмаслик учун Байтуллоҳ са-

фарига отланиб, Парвардигордан Ватан нажотини сўрадилар.

Сухбат охирида Обиджон ака «Кўқонга онам иккимиз келдик, ҳовлимизни, қариндош-уруғларни топдик. Эрта-индин Бельгиядан рафиқам Муҳайёхон ҳам келадилар. Кўқонда бир пиёла чойни бирга ичайлик», дедилар. Мен рози бўлдим.

Кўқонга боришдан аввал ҳафталигимизнинг ажойиб мухлиси Нурилло ҳожи Абдуллоҳ ўелига телефон қилдим.

Бу кишининг ҳаж таассуротлари «Муқаддас ҳаж сафари» китобида батафсил ёритилган. Ҳожи ака шаҳарнинг бағоят қадимий гузарларидан бирига бошчилик қиладилар. «Исфара гузари» маҳалласида ташкилланган «Дийдор» уюшмаси ҳам Нуриллахон аканинг саъй-ҳаракатлари туфайли юзага келди. Уюшманинг мақсади хорижда қолиб кетган ватандошларни аниқлаш, қариндош-уруғлари билан дийдорлаштириш.

Ҳожи ака билан Кўқон аэропортида учрашдик. Ҳошимхонни топиб, учовлон Бувайда туманидаги Деҳқонобод қишлоғи томон йўл олдик.

Муъжазгина ҳовли. Ҳовли ўртасидаги пастқам сўрида эркаклар, девор ёнилагисида эса аёллар ўтиришибди.

Обид қори ака бизни кўрибоқ кучоқ очиб истиқболимизга чиқди. Кейин уй эгаси Мирзакарим бува билан кўришдик. Кўришиб, омон-эсонлашаяпмизу, хаёлим сухбат қуриб ўтирган нариги сўрида. Олтмиш йиллик айрилиқдан сўнг она юртига қайтган, Байтуллоҳни беш маротаба тавоф қилган Ҳожарбиби онани тезроқ кўрай дейман.

Шундай одамлар бўладики, уларни кўрган киши «Худойим хўп берган экан-да, чеҳрасидан нур ёгилиб турибди-я», дейди. Эсимни таниганимдан бери ўзим туғилиб ўсган Сафед Булон қишлоғини не-не одамлар тарк этмади дейсиз. Эшмат бува, Домла бува, Дадавой бува, Абдуназар қори, Отин ача, Ҳамзахон ача... Ҳаммаларини санашим қийин. Улар чеҳраси ҳамиша нурли эди. Мулоқотда бўлган кишининг кўнгли тонгдек ёришар, дилида илиқ туйғулар пайдо бўларди. Улар шундай бир қудратга эга эдиларки, газаб отига минганларни, юраги хунларни, мотамсароларни ҳам назокат ва умид боғлари томон етаклай олардилар. Қўлингиз-

даги ханжар гулга айланиб қолганини сезмай қолардингиз. Ислом булоғидан баҳраманд бу кексаларнинг маънавий қудратлари болалик йилларим тасаввурига кўра чексиз эди.

Ҳожи онага елкамни тутар эканман, кўз ўнгимда қишлоғимизнинг нуроний онахонлари гавдалангандек бўлди. Оқ либоснинг оқлигидан, кўзлар гавҳарига жойлашган маъно улуғворлигидан ҳайратга тушдим. Олтмиш йилда ҳам жилосини йўқотмаган тилимизни бутун эшитиб кўзларимга ёш келди.

БУҲОЖАР ОНА ҲИКОЯСИ. Э, болам, бошимдан ўтган не савдоларни гапирай. Болаларнинг отаси раҳматлини Жўра қассоб дейишар эди. Абжир, чўрткесар, кезмани (саёҳат демоқчилар) яхши кўрадиган одам эди. Амударёдан ўтганимиздаёқ бошимизга мусибат тушди. Чақалоғим қўлимдан тушиб оқиб кетди. Ҳажга отланганлар «Қайтиш бизга насиб этмаса, боламизга насиб этар», деган умидда ёш гўдақларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишган.

Қирғоққа чиққач, эшкакчилар қолган бор-бутимизни ҳам шилиб олишди. Бегона юрт, бегона одамлар орасида амал-тақал қилиб кун кечири бошладик. Дадаси раҳматлининг қўли гул эди. Нима иш бўлса, худди усталардай қилиб кетаверар, чарчаш нималигини билмасди. Ўзимизни минг ёққа уриб, кечасию кундузи тиним билмай озроқ пул жамғардик, бир парча ер сотиб олиб, деҳқончилик қила бошладик. Туркистонлик қаерда бўлмасин боғ қилишнинг пайидан бўлади. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, кўчатларимиз мевага кирди.

Ўзимизни ўнглаб олгач, яна йўлга тушдик. Юриб-юриб Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига келдик. Йўл-йўлакай кўрмаган азобларимиз қолмади. Биров бировга «ҳа» дейдиган замон эмас. Уйимизни, Кўқонни эслаб юм-юм йиғлайман. Парвардигор эгамга илтижолар қиламан. Дадаси: «Ҳой, кўзингни ҳадеб ёшлайверма, Байтуллоҳга етиб олсак, роҳатимизни Оллоҳнинг ўзи беради», деб таскин берардилар.

Бомбай ҳавоси анча мўътадил экан. Сув сероб, ерлари серҳосил. Нима эксангиз, бехато кўкаради. Бу ерда ҳам боғ қилдик. Кўни-қўшни, таниш-билиш орттирдик. Имо-ишора билан гаплашамиз. Дадаси раҳматлининг зеҳнлари баланд эди, керакли-керакли гаплари-

ни билиб олиб, бир-икки йилда анча-мунча чуғурлашадиган бўлиб қолдилар.

Одам боласи кўникмайдиган нарса йўқ экан. Боғимиз бирам файзли бўлдики, эртаю кеч айланиб кўзим тўймайди. Ҳиндлар гўштни кам истеъмол қилишади, кўплари мутлақо ейишмайди. Уларга мева-чева бўлса бас. Шунақа мевалар борки, есангиз танангиз яйрайди. Даласи қаерда кўчат, уруғ кўрсалар, олиб келиб экадилар, денг.

Беш йилдан сўнг шигил-шигил мева тугиб ётган боғимизни ташлаб яна йўлга тушдик. Маккатиллога қараб кетяпмиз. Байтуллоҳни тавоф қилиш, Ҳаж арконларини адо этиш ниятида йўлга тушганларнинг сон-саногии йўқ. Мен сизга айтсам, ўғлим, Оллоҳнинг ўзи қудрат, сабр ато этар экан. Йўл олис, ҳаво чидаб бўлмас даражада иссиқ, ташналик азоби, толиқиш... Аммо ичингизда бир куч пайдо бўладики, на чарчаганингизни, на чанқаганингизни биласиз. Юрган сари юргингиз келади. Куръони карим нозил бўлган жойларни тезроқ кўрай, тупроғини кўзимга сурай, билиб-билмай қилган гуноҳларимдан фориғ бўлай, дилимни поклай, умримнинг қолганини тоат-ибодатда ўтказай дейсиз.

Ниҳоят, бағри кенг, олам ҳожатбарори, ўзи эса беҳожат Эгамнинг марҳамати ила ҳижоз ерларига қадам қўйдик. Дилимиз Оллоҳ муҳаббати билан тўлиб-тошди, ислом нури қалбларимизни ёритди.

Оллоҳнинг «Ким менга ибодат қилса, юзини Байтуллоҳга қаратиб ибодат қилсин, кимнинг қудрати етса, ҳеч бўлмаганда умрида бир марта Байтуллоҳни зиёрат қилсин. Уни дўстим, бандам Иброҳим алайҳиссаломдек муҳаббат билан тавоф қилсин. Эй бандаларим! Ҳаж ният қилиб, уйларингдан мана шу уйни зиёрат қилиш учун чиққанларингда дилларингни покланглар, нафсоний шаҳватларингни йўқ қилиб, жанжал, фиқу фужур, ноҳақ қонлар тўкиш, уят гапларни гапиришдан ўзларингни тийинглар. Унга (Байтуллоҳга) Оллоҳнинг қўл остида турганларингдан одоб, эҳтиром, таъзим билан келинглари... Зимманглардаги ибодат вазифасини илтижо, таъзим ва ихлос билан, сидқидилдан ва самимий адо этсанглари сизларга улуғ мукофот тақдим этамиз», деган ваъдаси бор. Маккаи Мукаррамада

тўққиз йил истиқомат қилдик. Шу йиллар ичида Бай-туллоҳни беш бор тавоф қилиш бахтига мушарраф бўлдим. Марҳаматли Эгамнинг бундай улуғ мукофотлари, илоҳим сизларга ҳам насиб этсин.

Орадан тўққиз йил ўтиб, Туркиянинг Истанбул шаҳрига қайтиб келдик...»

Суҳбатимиз шу ерга келганда дарвоза эшиги очилиб ҳовлига иккита кампир кириб келди. Ёшлари бир жойга бориб қолган, юзлари қуёшда хўп қорайган қотма кампирлар. Билсам улар Бухожар онанинг сингиллари Лутфинисо ва Бумайрам эналар экан. Ёшлари етмишдан нарида. Ё, ажаб дунё! Сўрида уч опа-сингил ўтиришибди. Бири — умрининг олтмиш йилини муҳожирликда ўтказган опа, серфаришта бир чеҳра. Нигоҳи нурли, сўзлари пурмаъно. Икки кичик сингиллар эса... даладан бошқани кўрмаган, меҳнатдан бошқани билмаган, қўллари қадоқ «совет» кампирлари.

— Эна, — дейман гап мавриди келганида, — хорижда шунча йил яшаб ўзбекчани унутмабсиз-а?

— Йўқ, унутмадим, — дейди Бухожар она. — Мен кўрққан нарса ҳам шу эди. Афғонлар, ҳиндлар, араблар, турклар билан яшадим. Тили, дини бизга тамомла ёт не-не одамлар билан мулоқотда бўлдим. Аммо урф-одатларимизни, расм-русумларимизни ўйладим. Ёруғ замонлар келиб Кўқонга қайтсак, туғишганларимиз билан наҳотки тилмоч орқали гаплашсак, деган ўй-хавотир бағримни ўртарди. Шу боис, бирорта хорижий тилни ўрганмадим. Аксинча, қаерга бормайин, қаерда яшамайин, атрофимдаги одамларга, қўни-қўшниларга ўзбекчани, мусулмончиликни ўргатдим. Амриқода ҳам, Олмонда ҳам, мана энди Белжикда ҳам ишим шу.

— Эна, Америка, Олмонияда ҳам яшаганмисиз?

— Э, болам, нимасини айтай. Бола дегани ёшлигида мўмин бўлар экан. Катта бўлгач, бири бу ёққа, бири уёққа қараб кетди. Катта ўғлим Муҳаммадсобит Амриқода туриб қолди. Олтита набирам бор: икки қиз, тўрт ўғил. Бир мавсум бориб улар билан яшайман. Болалар шўх, зериксам учоққа ўтириб Олмонга келаман. У ерда кичик ўғлим Ёқубжон яшайди. Иккита ўғли бор. Обиджон чақирса Белжикка (Бельгияга) бораман. Дарвоқе, Олмонда қўшнимиз Хенрих исмли йигитга му-

сулмончиликни ўргатдим. Исмини Абдулло деб ўзгартириб бинойидек намозхон бўлди.

— Қўқонни, қариндош-уруғларингизни кўраман, деб ўйлаганмидингиз?

— Ўйламай бўлармиди. Олтмиш йилнинг олти дақиқасида ҳам бу ўз хаёлимдан кетмаган. Бир неча бор учоқда учар эканман, юрагим ҳаприқиб пастга тикиламан: қани энди Ватанни осмондан бўлса-да кўрсам. Тоғи-тошигами, даласигами, дарёсигами кўзим тушса. Йўқ, кўриб бўлмайди. Ҳаммаёқ булут, худди атайлаб тўсиб кўйилгандай. Белжикка боргач, яхши хабарлар ҳам эшита бошладик. Газеталарда Ўзбекистон билан алоқа қиладиган бир ташкилот тузилибди, дегандай бир гап чиқиб қолди. Ўғлимга: «Болам, ҳаммаларингдан у дунё-бу дунё розиман. Аммо Қўқонга қайтмасам бўлмайди, шунинг ҳаракатида бўл», дедим. Оллоҳга минг қатла шукрки, ниятимга етдим.

— Сингиллардан бошқа яна кимларни топдингиз?

— Қариндош-уруғлар, набира, эвара-чеваралар билан Худога шукр, дийдорлашдик. Қиз ўртоқларим Шакархон, Жаннатхон, Адолатхонларни кўрдим. Бирам қаришибдики...

— Зерикмаяпсизми?

— Йўқ, болам. Зерикмайман. Бошқа ҳеч ёққа кетмайман ҳам. Умримнинг қолганини, қанийди, дадам раҳматлидан ёдгорлик шу ҳовлида ўтказсам дейман. Мана бу узумни дадам ўз қўллари билан ўтқазган эдилар...

Эътибор бермаган эканман. Биз ўтирган сўри тепа-сида 20—30 бош ҳусайни узум етилиб турибди. Наҳотки шу бир туп узум 60 йилдан ортиқ умр кўрган бўлса? Танаси ёрилиб кетган экан, ичи кавак бир туп узум. Ҳижрон азобини, айрилиқни, бағри хунликни эслатувчи ажиб бир манзара. Тепада бўлиқ ҳосил, пастда эса...

Вақт ҳуружлари аёвсиз тимдалаган узум танасига қараб кўзларимга ёш келди. Қисмат дарёсида не-не тақдирлар оқмади, дейсиз. Аммо Ватандан ортиқ саодат соҳили йўқдур.

Унга интилмоқ, интилмоқ, интилмоқ керак!

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

2006 йилнинг ноябрь ойи бошларида Америка Қўшма Штатларида парламент ва ижроия ҳокимиятларига сайлов бўлиб ўтди. Тўрт йиллик президентлик муддатининг ўртасида ўтказиладиган бу сайловлар ҳар гал Оқ уй соҳиби ва унинг маъмурияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга баҳо беради, баъзан Конгресс устидан назоратни у ёки бу партия фойдасига ўзгартириб ҳам юборади.

Бу гал айна шундай бўлди. Сайлов якунларига кўра, демократлар кўпчилик овоз билан Конгресснинг ҳар икки палатасини ўз назоратларига олдилар. Президент Бушнинг жўшқин сайловолди фаолияти кутилган самарани бермади. Бунинг устига республикачилар ўзлари ҳамиша ғалаба қозониб келаётган Нью-Йорк, Массачусетс, Оҳайо, Колорадо, Арканзас ва Мэрилэнд штатларида губернаторлик сайловини ҳам ютқаздилар. Жанубий Дакота штатининг Жеролд округи маъмурияти сайловида эса бир қарашда кулгили, аммо мисли кўрилмаган воқеа юз берди. Бу ерда маъмурият раҳбари лавозимига номзодини қўйган демократлар партияси вакили Мари Штейчен сайловдан бир оз муддат аввал бу ёруғ оламни тарк этган экан. Аммо тасодифми ё бошқа бир сабабми, унинг номи сайлов бюллетенидан ўчирилмабди. Натижада, марҳума номзод республикачилар партияси вакилига нисбатан кўп овоз тўплаб, ғолиб бўлди. Кузатувчилар бу воқеани Американинг ўзида «демократларнинг ўлиги ҳам республикачиларнинг тиригидан устун келди», деб шарҳлашди.

Сайлов натижаси, шубҳасиз, Буш маъмуриятининг кайфиятини тушириб юборди. Аммо асосий зарбалар ҳали олдинда экан. Мамлакат президенти сайлов якунларига доир чиқиш қилар экан, ўзининг энг яқин маслакдоши, Ироқ урушининг ташкилотчиларидан

бири — Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельднинг истеъфога чиққанлигини оғир хўрсиниш билан эълон қилди. Қизиғи шундаки, бундан бир муддат аввал, Буш жаноблари айни шу истеъфо ҳақидаги миш-мишларни рад этиб, Рамсфельд ўз лавозимида яна узоқ вақт қолишини айтган эди. Ироқда олиб борилаётган мавҳум ва адоқсиз уруш, сайлов якунлари ва яна — нафақат дунёда, мамлакат ичкарасида ҳам АҚШнинг ташқи сиёсат йўлига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрлар Рамсфельднинг бундай қарорга келишига асос бўлгани сир эмас. Орадан кўп ўтмай АҚШнинг БМТдаги доимий вакили, Ироқ ва Эронга нисбатан муносабатларда фавқулодда «қатъият» кўрсатиб келаётган Болтон ҳам истеъфо аризасига имзо чекди.

Сайлов натижаларига кўра мамлакат тарихида биринчи бор вакиллар палатаси раҳбари лавозимини эгаллаган аёл — Нэнси Пелоси ўз партиясининг ғалабасига ишонган ҳолда «Бордию Конгресс учун курашда ғалабага эришсак, демократик фракция Буш маъмурияти олиб бораётган ташқи сиёсат йўлини ислоҳ қилишга доир жиддий ташаббуслар билан чиқади», дея баёнот берган эди. Кузатувчилар Нэнси хоним бу сўзларни беҳудага айтмаганини таъкидламоқда. Бу ҳол Болтонни бир оз чўчитиб юборган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу дунёда иши юришиб, гапи гап, сўзи сўз бўлиб турган одамга ҳамма нарса ярашади. Бундай одам қулочини кенг ёзади, даврани катта олади, бирор жойда баҳс-мунозара туғилиб қолса, фикрини, албатта, ўтказди. Кучлиларнинг атрофида хайрихоҳлар кўп бўлади. Бу бор гап. Аммо ҳаёт деганлари ҳамиша ҳам бир маромда кечмайди. Бу оламда яшамоқлик тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандоқ киши, иши юришган ҳам, юришмаган ҳам ўзига, сўзига, қилаётган амалларига гоҳо танқидий кўз билан бир қараб олиши, ўзини озроқ тафтишдан ўтказиши, яъниким янглишган жойлари бўлса уларни такрорламаслик тадбирларини белгилаши зарур. Бундай тафтиш дунё дунё бўлганидан бери ҳеч кимга зарар келтирмаган. Отдан тушса ҳам эгарни кучоқлаб, ўзининг шундоққина кўриниб турган хатолари қолиб, ўзгаларнинг чорбоғидан алаф

излашга берилиб кетган киши эса, ҳурмат билан айтганда, хижолатга қолади.

АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг «Диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига киритилиши менда шундай таассурот қолдирди. Бу хабар қулгимга гўё кимдир «Ўзбеклар пахта етиштиришни билмайди, фарзанд кўришга, меҳмондорчиликка уқуви йўқ», деяётгандай кулгили эшитилди. Давлат департаменти, шубҳасиз, нуфузли идора, аммо камчилик ахтариш учун ҳам озроқ малака керак бўлади. Ўзбекистонда камчилик йўқ, ҳамма муаммолар тўла-тўкис ҳал бўлган деб ҳеч ким айтаётгани йўқ. Катта-кичик йиғинларда эришилаётган ютуқлар қаторида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар рўй-рост айтилмоқда. Ишончни оқламаган, оёғи ердан узилган раҳбарлар, ишни барбод қилган мутасаддилар кескин танқид қилинмоқда. Бу тўғрида ҳар қанча гапириш мумкин. Аммо мамлакатимизда диний эътиқод эркинлиги шубҳа остида эканлиги куракда турмайдиган гап. Энг қизиги, мана шундай тутуриқсиз айбловлар авж олиб турган бир пайтда, Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибига кирувчи Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом Ташкилоти пойтахтимиз Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилди. Ислом маданияти ва илми ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, ислом мероси ва тарихий ёдгорликларини асраш, янада бойитиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари учун пойтахтимиз ана шундай юксак мақомга эга бўлди. Дарҳақиқат, қадимдан Шарқ дарвозаси, тинчлик ва дўстлик шаҳри ҳисобланиб келинган пойтахтимизни мусулмон олами, айни чоғда, дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам яхши билишади. Бу ерда қадим-қадимдан ислом тарихи ва маданиятига хос маҳобатли обидалар, мадраса ва масжидлар, ислом уйғониш даврига таалуқли нодир қўлёмалар, буюк аждодларимизнинг ислом фалсафаси ва маърифатига оид асарлари сақлаб келинган. Шўролар салтанати шароитида ҳам кўплаб ёдгорликлар вайрон этил-

ганига қарамай, бу ерда диний қадриятлар асраб-авайланган.

Тошкентда жаҳон маданияти ёдгорликларининг нодир дурдонаси ҳисобланмиш халифа Усмон Қуръони сақланмоқда. Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Қаф-фол Шоший, Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон, Занги ота каби ёдгорлик мажмуалари таъмирдан чиқарилди. Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, Кўкалдош мадрасаси фаолият олиб бормоқда. Истиклол шарофати билан мамлакатимизда дин ва диндорларга муносабат тубдан ўзгарди. Мамлакат раҳбариятининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан муборак диний обидалар, зиёратгоҳлар, улуғ аجدодларимизнинг табаррук номлари қайта тикланди. Бугун халқимиз, хусусан ёш авлод мутафаккир алломалар қолдирган маънавий меросдан баҳраманд бўлмоқдалар. Ҳар йили неча минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж зиёратига бориб келмоқдалар. Буни бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Хўш, давлат департаментини ким чалғитиши мумкин? Шундай деб турганимизда матбуотда халқаро масалалар бўйича шарҳловчи Геннадий Чародеевнинг қуйидаги фикри эълон қилинди. Эътибор беринг: «АҚШда ўнлаб ва юзлаб таҳлил марказлари, тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган жамғармалар мавжудки, уларда Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган, мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини билмайдиган кишилар ишлашади. Улар узоқ йиллар аввал ватанидан қочиб кетган, кўпдан бери ҳеч қандай алоқага эга бўлмаган, реал вазиятдан мутлақо беҳабар бўлган «арбоблар» билан мулоқотда бўлишади. Айнан ўшаларнинг «холис фикрлари» ва «шарҳлари» эса кўплаб жамғарма ва тадқиқот марказлари учун материал сифатида хизмат қилади. Жамғарма ва марказлар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ аниқ реалликларни билишмайди ва билишни хоҳлашмайди, уларни шунчаки тўқиб чиқаришади».

Чикаго университетининг дин тарихи бўйича профессор Патрик Хатчернинг фикрича, давлат департаменти ҳужжатларини баъзан ўзлари кўрмаган, билма-

ган мамлакатлар ҳақида оддий амалдорлар ёзишини назарда тутиш керак. Шиллер номидаги институтнинг етакчи мутахассиси Франк Хаан мана бундай дейди: «АҚШ ўзининг мазкур рўйхатига Ўзбекистонни кириштириш Марказий Осиёдаги бу мамлакатни обрўсизлантириш истагидан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас».

Дунё мамлакатларида Ўзбекистонда дин ва диндорларга муносабат масаласи юзасидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо гап давлат департаменти рўйхатининг ноҳолислигини исботловчи далилларнинг кўплигида эмас. Гап Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти олдида обрўсизлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитиш кимга ва нима учун керак бўлиб қолганлигини билиб қўйишда. Мана шу ерга келганда кўнгилда баъзи мулоҳазалар пайдо бўлади.

Бу дунёда, токи манфаат бор экан, сиёсатнинг қибласи ўзгариб туради. Бир нима томиб турса, бир нима униб турса, сиз — шериксиз, ҳамкорсиз, сиз яхшисиз. Тарновнинг учи бошқа томонга сал бурилиб қолса ёинки ҳақ-ҳуқуқингиздан оғиз очсангиз ва «Ҳой биродар, мустақил давлатмиз ахир, ўзимиз танлаган йўлдан юрайликда ахир», дея овозингизни сал кўтарсангиз, сизни ора йўлда ташлаб кетишлари, танимай қолишлари ҳеч гап эмас.

Бу дунё ўзбекнинг каттакон маҳалласига ўхшаб кетади. Маҳаллада турфа хил одам яшайди. Бирови бой-бадавлат, қўлини қаерга узатса етади, бирови ўртақол, кўрпасига қараб оёқ узатади. Яна бирови ёрдамга муҳтож, уйи битмаган, болалари ёш. Бундай ҳолатда кимнинг гапи гап — бой-бадавлатнинг, кимнинг ҳурмати зўр — бойваччанинг. У ҳеч қачон маҳаллада ўзига ўхшаган иккинчи бир бойнинг пайдо бўлишини истамайди, яккаҳоқим, яккатўралик мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Давлатлараро муносабатлар ҳам шундай. Марказий Осиёда Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлибди, келинлар, қўллаворайлик, дея ҳамма ҳам қучоғини баравар очиб, чин кўнгилдан қарсак чалиб тургани йўқ. Дунё бозорлари, ёғли, даромадли чорраҳалар алақа-

чон бўлиб олинган. Қаерда нима бору нима йўқлиги, кимнинг нимага муҳтожлиги кундек равшан. Юрти-мизга келаётганларнинг ҳаммаси ҳам қопда пул олиб келиб, савобгарчиликка тарқатаётгани йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон дейишса, кўплар «Хўп, нимаси бор экан ўша Ўзбекистонни, пахта, пилла, тилла, дейсизми, баҳоси қанча экан, савдо қилсак қанча фойда кўрарканмиз, бизга қанча қолар экан», дейишади. Бу ердан нима олиб кетиш мумкинлигини чамалашади. Шундай қилишди ҳам. Соддалигимиздан, ишонувчанлигимиздан фойдаланиб қолишди-ку, чўн-такларини тўлдириб, жуфтакни ростлаб қолганлар ҳам бўлди-ку.

Гоҳо «Фарбда пул кўп, ёрдам қўлини чўзадиганлар сон-саноксиз, улар билан тортишиб, баҳслашиб ўтирмай, хўб деб, пулни олавериш керак», деган гаплар ҳам қулоққа чалинади. Мен дунёнинг бир қатор мамлакатларида бўлиб, кўп нарсаларни кўрдим, аммо ҳеч бир ерда, ҳеч бир гўшада ортиқча бир мирини ҳам учратмадим. Аксинча, четдан ўйламай-нетмай ёрдам олавериб, олганини ўнг-терсига қарамай ишлатавериб, охир-оқибат қарз ботқоғига ботиб қолганларни кўрдим. Четдан ими-жимиди келаётган пуллар мамлакат ҳаёти-ни издан чиқарганига, миллатни бўлиб, миллий то-тувлик илдиэларини заифлаштирганига гувоҳ бўл-дим — бунисини сиз ҳам яхши биласиз. Четдан келган турфа хил маслаҳатчилар ёшларга қандай «маслаҳат» бераётгани, улар онгига қандай «қадриятларни» синг-дираётгани, қайси кўчаларга бошлаётгани бугун энди ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Бир вақтлар Америка Кўшма Штатлари ва собиқ Иттифоқ икки баҳайбат филдай, эртақлардаги боши булутлардан ошган девлардай, бир-бирларига ҳамла қилиб турардилар, бир-бирларидан ортда қолиб кет-масликка ҳаракат қилишарди. Ҳар икки томон ёвуз-ликда иккинчи томонни айблар, шу сабаб қуролларни кўпайтириш ва такомиллаштиришга зўр берар эди. Бу ҳам етмаганидек, ҳар икки томон учинчи дунёнинг ўзига яқин давлатларини замонавий қурол-аслаҳа би-лан таъминлар, бордию қуролга эҳтиёж камайиб кет-

са, бундай «эҳтиёж»ни сунъий равишда яратишдан ҳам ўзини тия олмасди. Қурол савдоси ҳар икки мамлакат иқтисодининг бақувват устунларидан эди.

Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин дунёда, жумладан, қурол бозорида ҳам яккаҳокимлик юзага келди. Билл Клинтоннинг президент сифатида Оқ уйда ўз фаолиятини бошлаган (инагурация) куни сўзлаган нутқида «Биз энди дунёнинг яккаҳокимимиз. Яратган эгамнинг бу буюк иноятини қўлдан чиқармаслигимиз керак...», деган фикр олдинга сурилди. Бу нарса Жорж Буш давлат раҳбарлигига келгач, АҚШ ташқи сиёсатида ўзининг мукамал ифодасини топди.

Инсоният тарихида айна шу каби ҳолатлар бир эмас, бир неча бор такрорланган, яккаҳокимлик даввогарлари охир-оқибат ўз мағрурликларининг қурбони бўлганини кўпчилик яхши билади. Аммо билиш бошқаю, тарих сабоқларига амал қилиш бошқа.

Халқаро муносабатларга доир йирик стратегик тадқиқотларнинг муаллифи Збигнев Бжежинский «Лос-Анжелес таймс» газетасида Буш маъмуриятининг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятини кескин танқид қилди. Унинг фикрича, Оқ уйнинг ташқи сиёсати бугунги йўналиш ва мазмунда давом этаверса, Америка геополитик жиҳатдан ёлғизланиб қолиши, халқаро майдонда обрўсизланиши, террорчилар хуружига яна кўп бор дучор бўлиши мумкин. Бжежинский АҚШ Ироқдан ўз қўшинларини зудлик билан олиб чиқиб кетиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки бу уруш кутилган натижани бермади, талофатлар кўпайди ва давом этмоқда. Ўз вақтида бу масалада Америкага хайрихоҳ бўлганлар ҳам Ироқда тинч аҳоли бошига тушаётган беадоқ азобуқубатларни, қурбонларни кўриб, тегишли хулосага келмоқда. Уларнинг фикрича, Буш олиб бораётган сиёсат жаҳонда тинчлик-тоғувликни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, ядро қуролининг дунё бўйлаб тарқалишига замин яратмоқда.

— Жаҳон афкор оммаси олдида АҚШнинг маънавий-ахлоқий обрўси тушиб бормоқда, — деб таъкидлайди З.Бжежинский. — Неча ўн йилликлар давомида сиёсий репрессиялар, қийноқлар, инсон ҳуқуқлари-

нинг бузилиши билан боғлиқ бошқа хатти-ҳаракатларга қарши курашиб келган Американинг ўзи бугун инсон шаънини таҳқирловчи ана шундай воситалардан фойдаланаётгани таассуфли бир ҳолдир. Гуантанамо, Абу Грейбда асирларни хўрлаш, таҳқирлаш билан боғлиқ жиноятларни Буш маъмуриятининг масъуллари эмас, АҚШ оммавий ахборот воситалари фош этдилар. Ажабланарлиси шундаки, бу қийноқларга изн берган Пентагон ва Миллий хавфсизлик кенгашининг бирор-та мансабдори жазо олмади.

Жаноб Бзежинскийнинг бу фикрлари дунё жамоатчилигининг, шу жумладан, кўплаб америкаликларнинг ҳам фикрига мос келади.

СУМАК СОВФА ҚИЛГАН БОЛАКАЙ

Меҳмоннинг кўзи ўткир бўлади, деган гап бор. Маъноси шуки, унинг нигоҳи мезбон эътибор бермаган, хаёлига келмаган нарсаларга ҳам тушади. Ўзимизни мезбон деб тасаввур қилсак, биз учун шунчаки аҳамиятсиз бўлиб кўринган ҳолатлардан меҳмон катта ва жиддий хулосалар чиқариши мумкин. Жамоат транспортида ўзимиздан катталарга жой бериш, кекса отахонни қўлтигидан олиб, йўлнинг у томонига олиб ўтиш, устозлар олдида одоб сақлаб туриш, дастурхонга биринчи бўлиб қўл чўзмаслик қон-қонимизга сингиб кетган. Ғарб дунёсидан келган меҳмон бу каби одатларимизни шарқона одоб деб ҳам, ортиқча лаганбардорлик деб ҳам тушуниши мумкин. Тошкентда уч-тўрт ой яшаган хорижлик бир ҳамкасбимиз ҳар куни эрта тонгда Чилонзордан Эски Жўвага келиб, кекса ота-онасидан хабар олаётган ўғилларнинг меҳрибончилигини ҳазм қила олмай, «Жуда қизиқ, ҳар куни шунча вақтни бекорга сарф қилиш керакми?» дея елка қисган эди.

Меҳмон яхши нарсаларни ҳам, қусурларни ҳам кўради, хулоса чиқаради, то яна бир марта келгунига қадар кўрган-кечирганларини дўст-ёронига айтиб юради.

Америкалик ёзувчи Майкл Мишоу Шарқнинг қадим шаҳарларидан бўлмиш Бухорони бир кўришни орзу қилган экан. Фурсат топиб, бир гуруҳ испаниялик тижоратчилар билан йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб, кунларнинг бирида Бухорога етиб келибди. Аммо «Нью Йорк таймс» газетасида эълон қилган сафар таассуротларига қараганда, келибди-ю ҳафсаласи пир бўлибди. Негаки, меҳмонга шаҳар меҳмонхоналаридаги сервис хизмати маъқул тушмабди. Бунинг устига, ўчакишгандек, ўша куни «Бухоро» меҳмонхонасида иссиқ сув йўқ, хоналар бир неча кундирки иситилмаётган экан. Албатта, шунча жойдан фалон

пул тўлаб келган кишига бундай ноқулайликлар ёқмайди. Лекин камчилик дегани қаерда йўқ дейсиз?!

Қисқаси, Майклга Бухорода кўп нарсалар ёқмабди. Бир вақтлар Бухоро хони яшаган Арк ёнида қандайдир кўримсиз, шубҳали кишилар «дарахтларнинг панасидан туриб, унга валюта алмаштиришни таклиф этишибди. «Исмоил Сомоний» мақбараси ёнида ёшлар шарақлатиб бильярд ўйнашаётган экан. Шу ерда жойлашган «Нинтендо клуби»да эса болалар асосан «Видик»лар кўриш билан банд. Бозорда бўлса, сотувчилар алмисоқдан қолган эски «чўт»да ҳисоб-китоб қилишаётганмиш, сифатсиз товарлар пештахталарда тўлиб-тошиб ётганмиш.

Сафарнинг сўнгги куни Майклни меҳмонхона ошхонасида бўлаётган тўйга таклиф этишибди. Иззат-икромини жойига қўйишиб, роса сийлашибди ҳам. Куёвнинг «оғзи тўла тилла тиш» акаси уни, ҳатто рақс тушишга даъват этибди. «Мен, ҳатто ўзимнинг тўйимда ҳам бунчалик яйрамаган эдим», деб ёзибди Майкл газетадаги хотираларида. Унинг яна бир хурсандчилиги шунда бўлибдики, тўй якунлаб қолганида, болакайлардан бири: «Амаки, келинг, совға алмашамиз» деб, унга «ёғочдан силлиқ қилиб ишланган, ҳиндларникига ўхшаш трубка» берибди. Ийиб кетган Майклбой ҳам болакайни совға билан сийлабди.

Эртасига Майкл Бухоро аэропортида Тошкентга учадиган самолётни кутиб, кеча кечқурун нотаниш бола ҳадя қилган трубкага тамакини яхшилаб жойлаб, роҳат қилиб сўриб ўтирган экан, испаниялик тижоратчилар уни шу ҳолда кўриб, кулгидан ичаклари узилаёзибди. «Билсам, оғзимдаги трубка эмас, ўзбек оналари чақалоқлар тагини хўллаб қўймаслиги учун ишлатадиган сумак экан», деб ёзади у хафа бўлиб.

Албатта, шундоқ катта мамлакатдан келган ёзувчи оддий сумакни мохорка чекиладиган трубкадан фарқлай олмаган бўлса, бунинг учун бухоролик болаларни айблашимиз инсофдан эмас. Бу ноёб асотирни Майклга совға қилган боланинг нияти, эҳтимол ёмон бўлмагандир, балки у «бизда бола кўп, сумаксиз иш битмайди, бирорта набирангизга асқотиб қолар, ҳарҳол-

да, памперсдан яхши», демоқчи бўлгандир. Демакки, гап сумакда эмас. Гап кўрган-кечирганлардан кимнинг қандай хулоса чиқаришида. Нью-Йорк метросида вагоннинг ўртасида... пивога роса тўйган сўлоқмоннинг айтиб бўлмайдиган даражадаги қилиғини кўрдим. Калкуттада одамлар кўчада туғилиб, кўчада вояга етиб, худди шу жойда оламдан ўтаётганларига гувоҳ бўлдим. Муқаддас Ганг дарёсида неча минг-минг одамлар, қўлларида совун, эгни-бошларини ечмай чўмилишаётганини, бир пайтнинг ўзида шу сувдан ичишаётганини кўрдим. Узоқ Шри Ланканинг Канди шаҳрига яқин қишлоқлардан бирида ер танқислиги боис, бир оиланинг иккита фарзанди битта қизга уйланиши мумкинлигини айтиб беришди, шундай оилаларни кўрсатишди ҳам. Истанбулдаги машҳур қопқоқли бозорда фирибгарлар бир зумда бир неча кишини чув тушириб кетишганини айтайми? Улан-Баторда мўйнали телпак олмоқчи бўлиб, пулимдан айрилиб қолишимга бир баҳя қолгани-чи? Лекин хаёлимга «Бу мамлакат бундоқ экан, бу шаҳар ундоқ экан», деган гап асло келган эмас. Кимнингдир эътиборсизлиги, ўз ишига масъулият билан қарамаганлиги туфайли юзага келган жузъий бир ҳолат учун бутун бир шаҳарни, бутун бир миллатни айблаш одобдан эмас.

Ғарбликлар ўзларини кўз-кўз қилишни яхши билишади. Биз нега шундай қилмаймиз? Жаҳон лол қоладиган маънавий қадриятларимизни, неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, даври замонлар синовидан ўтган ўзбекона самимий урф-одатларимизни дунёга кўрсатмаймиз? Бирнинг касри мингга уришини била туриб, миллат шаънига номуносиб хатти-ҳаракатларга бефарқ қараймиз. Ватаннинг обрўси, жаҳонда эътироф этилиши иқтисоднинг бақувват ва соғломлиги, манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши билан бирга, оддий тартиб-интизом, оддий озодлик, оддий адолат, бозордаги тўғри тарози, аэропортдаги намунали хизмат, меҳмонхонадаги пахтадай оппоқ сочиқ, ошхонадаги лаби учмаган пиёлага ҳам боғлиқ. Бир вақтлар Бельгиянинг Антверпен шаҳрида бизга таржимонлик қилган голланд аёл: «Дунёни кўп

кездим, аммо Ўзбекистонга, Самарқанд ва Бухорога тенг келадиган жойни кўрмадим. Ҳаммаси яхши бўлди, фақат Тошкентдаги «Ёшлар уйи» меҳмонхонасида бир кун тунаб, тонгда аэропортга йўл олаётганимизда, маъмурлар битта сочиқ жойида эмас, пулини тўлайсизлар, деб қаттиқ ранжитишди», деганида хижолат тортиб кетганман. Бир қарашда майда, арзимас бўлиб туюладиган бундай «икир-чикир»лар гоҳо катта, ўзгартириш қийин бўлган хулосаларга ҳам олиб келади...

УРУШСИЗ ДУНЁ САРИ...

Уруш ҳақида ўйлаш, мушоҳада юритиш оғир вазифа. Шундай бўлса-да, бу тўғрида муттасил ўйлаш, мушоҳада юритиш зарур бўлади. Инсоният ўз бошидан ўтказган жамийки қирғинбарот урушларнинг аянчли оқибатларини ёдида тутиши, уруш гирдобига тортилмаслик тадоригини кўриши, огоҳ бўлиши керак.

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери наинки одамзод, жамийки жонзотлар ҳам тириклик учун курашади, бир-бирига ҳамла қилади, бирини иккинчиси маҳв этади. Бир қарашда, бу — яшамоқлик, яшаб қолмоқликнинг ягона тўғри қонунига ўхшаб кетади. Наҳотки шундай бўлса, дейсиз. Наҳотки қон тўкишдан, бир-бирига жабр-зулм ўтказишдан бошқа чора топилмаса?

Уруш муаммоси бугун, йигирма биринчи асрда ҳам муаммолигича турибди. Тўқнашувлар, қуролли можаролар давом этмоқда. Нуфузи баланд, қўли узун давлатлар дунё чоррраҳаларидан ўз манфаатларини қидирар экан, бунинг оқибатида маълум минтақалар олов ичида қолмоқда. Шаҳарлар, қишлоқлар, тарихий обидалар, меъморлик санъатининг ноёб дурдоналари вайрон этилмоқда, тинч аҳоли орасида қурбон бўлаётганларнинг эса сон-саногига етиб бўлмайди. Уруш ҳаракатлари неча юз минглаб кишиларни туғилиб ўсган жойларини тарк этишга мажбур этаётганини кўриб турибмиз.

Бадий адабиётда, кино, театр, тасвирий санъатда уруш ва тинчлик муаммоларига бағишланган асарлар кам эмас. Уларда инсониятнинг ўз-ўзига мудом бир хил саволи такрорланади — наҳотки урушсиз яшаб бўлмаса? Шоир келажак йиллар ҳақида ҳаёл сураар экан, «Одамзод вақти-соати келиб, тинч-тотув яшаш сирини ўрганайди, урушлар барҳам топади, келажак наслларимиз тарих китобларида жанг суратини кўриб, наҳотки одамлар бир-бирларига қарата ўқ узган бўлсалар, деб ҳайратга тушади», дея умид билдирган эди. Бу умид қачон амалга ошади?

Шоир ва публицист Кўчқор Норқобилнинг афғон урушига бағишланган «Қоронғу уй» қиссасини ўқир эканман, шу мулоҳазалар кўнглимдан ўтди. Бу қисса — кўшни Афғонистонда амалга оширилган биродаркушлик ҳақидаги хотиралар эмас, шу биродаркушликни ўз кўзи билан кўрган аскарнинг қалб изтироблари. Бу қисса жанг тафсилотларини қоғозга тушириш учун эмас, уруш ва урушувчиларнинг фожиасини кўрсатиш учун ёзилган. «Урушни саркардалар бошлайди, жабрини эса улус тортади», деган гапнинг тасдиғи.

Етмишинчи йиллари нуфузли газеталардан бирида бир мақола ўқиганман. Унда ёзилишича, дунёдаги энг иқтидорли, салоҳияти баланд олимларнинг ҳар тўртинчиси ҳарбий-саноат комплексида хизмат қилар экан. Бунинг ёнига яна бир факт қўшиш мумкин — дунёнинг энг номдор давлатлари бугун ҳам қурол-яроғ сотишдан катта даромад олмақдалар. Курол сотиш улар учун иқтисодиётнинг бақувват илдизи бўлиб турибди.

Курол тобора такомиллашиб, бозори қизиб бораётган экан, бизнинг урушсиз ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларимиз орзулигича қолиб кетаверади. Уруш одамни падаркушга, ҳеч кимни танимайдиган, бировнинг кўксига қўрғошин қадаб, уйини ёндириб, ҳосил далаларини куйдириб роҳатланадиган манқуртга айлантиради. Урушда битта ўқ ҳаётнинг олтмиш, етмиш ва ҳатто саксон-юз йиллик оғир синовлари бажара олмаган ишни бир зумда бажаради — инсон ҳаётига нуқта қўяди. Отилган ўқда, снаряд ёки бомбада, йўл ёқасига, далага кўмилган минада фалсафа бўлмайди, «бу одам шунча йил яшабди, бу гўдак энди кўзини очибди», демайди. Унинг учун нишонни бехато уриш муҳим.

Кўчқор Норқобилнинг уруш мантиғи тўғрисидаги мушоҳадалари шундай: «Жангдан кейин одам уруш ҳақида ўйламайди, балки урушнинг чек-чегараси йўқ бедаво азобини ҳис қилади..., чунки бу азобнинг оғриғи уни бир умр тарк этмайди... У урушдан кейин уруш ҳақида тасаввурга эга бўлган одамга айланади. Бу — ўлимдан ҳам даҳшатли тақдирдир. Уруш кўрган одамнинг ёши эса шунчаки яшаб ўтилган йиллар билан ўлчанмайди. Уруш одамни қаритиб ташлайди...»

Уруш ва унинг ҳайбаракаллачилари ҳамма замонларда ҳам лаънатланган. Аммо шу нарса аниқки, урушни уруш, қуролни қурол билан енгиб бўлмайди. Бу йўлдаги энг зукко ва нишонни бехато урадиган қурол — инсоннинг ақл-заковатидир.

МУНДАРИЖА

Нил туҳфаси	4
Дунё келинчаги...	16
Ботқоқ устидаги мўъжиза	33
Малика Диананинг сирли ўлими	50
Ҳаёт чархи абадий айланади	73
Сиёсат ва манфаат	113
Мағзава	117
Олтмиш йилда сўнмаган умид	121
Сайлов яқунлари нимани кўрсатди?	129
Сумак совға қилган болакай	137
Урушсиз дунё сари	141

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ

ЁЛҒИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадий муҳаррир *Музаффар Аъламов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Мусаҳҳиҳлар: *Н. Охунжонова, Ш. Хуррамова*
Саҳифаловчи *Любовь Бацева*

Теришга берилди 17.02.2007. Босишга рухсат этилди 11.04.2007.
Бичими 84x108¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 7,56. Нашриёт-ҳисоб табоғи 7,08. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 3422. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.